

Алибек Рустамов

**СЎЗ
ХУСУСИДА
СЎЗ**



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1987

Р 482000000—108
356 (04)—87 133—87

© Издательство «Еш гвардия» 1987.



СУЗ БОШИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ва ундан кейинги Марказий Комитет Пленумлари Иттифоқ миқёсида, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, шунингдек, унинг Марказий Комитети сўнгги пленумлари республика миқёсида қайта қуриш жараёнини бошлаб, уни жадаллаштириш чораларини кўрмоқда. Ватанimiz олдида турган буюк ўзгаришларни сўз одобисиз амалга ошириб бўлмайди.

Маълумки, жамият тараққиётида тилнинг роли жуда катта. Тил, Владимир Ильич Ленин таърифи билан айтганда, инсониятнинг энг муҳим алоқа воситасидир. Инсон бир-бирисиз ёлғиз ҳолда яшай олмайди. Киши тирик юриши, турмушини узлуксиз равишда яхшилаб бориши, ер юзини обод қилиши ва жамият ривожига ҳисса қўшиши учун у доим бошқа кишилар билан муомалада бўлиши зарур. Бу муомала тил воситаси билан амалга ошади. Тилшуносликда бу, тилнинг коммуникатив функцияси дейилади ва бу унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасида тилга, жумладан ҳар бир миллатнинг она тилига алоҳида аҳамият берилгани бежиз эмас. Програмада «...СССРнинг барча граждандлари она тилларини эркинлик билан ривожлантиришлари ва улардан тенг ҳуқуқ билан фойдаланишлари таъминланади» дейилган.

Демак, Совет Иттифоқининг тил сиёсати ленинча миллий сиёсатга асосланган бўлиб, у мамлакатда миллий тилларнинг эркин ривожини таъминлашга қаратилган экан. Буни биз ўзбек тили мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Фанлар академиясида Александр Сергеевич Пушкин номидаги махсус тил ва адабиёт илмий-текшириш институти бор. Бу илм даргоҳида малакали олимлар ўзбек тилининг турли жиҳатлари устида илмий-тадқиқот олиб бормоқдалар.

Тошкент ва Самарқанд Давлат университетларида, Андижондаги тил ва педагогика институтларида ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Термиз, Қарши, Жиззах, Сирдарё, Ангрэн педагогика институтларида ўзбек тили кафедралари мавжуд бўлиб, бу ўқув минбарларининг профессор ва доцентлари ўзбек тилини ҳам ўқитмоқдалар, ҳам илмий жиҳатдан уни тадқиқ этиб, қийматли асарлар яратмоқдалар.

Агар биз ўзбек тили соҳасида қилинган ишларга тарихан бир назар ташлаб, унинг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги ҳолатини ундан олдингиси билан қиёсаласак, Совет Ўзбекистониде тилшуносликнинг нақадар ривожланганини кўрамиз. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон территориясида ўтмишда ҳам буюк тилшунослар етишган, Жавҳарий, Замахшарий, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоийларнинг тилшуносликка оид асарлари ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Аммо Советлар ҳукумати барқарор бўлгунга қадар минг йил давомида бажарилган иш ҳажми Ўзбекистонда кейинги фақат қирқ йил ичида қилинган иш ҳажмидан ҳам кам.

Совет Ўзбекистониде умуман тилшуносликнинг, хусусан ўзбек тилшунослигининг мисли кўрилмаган даражада ривожланганлигининг бош омили мамлакатимизда тил сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги, Ленин партиясининг миллий маданият, миллий тилларга кўрсатаётган изчил ғамхўрлигидир.

Шуни ҳам ёддан чиқармаслигимиз керакки, ўзбек тилшунослигининг ривожидан рус олимларининг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, рус совет олимларидан профессор Евгений Дмитриевич Поливанов, академик Андрей Николаевич Кононов, филология фанлари докторлари, профессор Александр Михайлович Шербак, профессор Сергей Николаевич Иванов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари марҳум Александр Константинович Боровков, Константин Кузьмич Юдахин, СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Виктор Васильевич Решетов ва бошқалар ўзбек совет тилшунослигини шакллантирдилар ва уни ривожлантирдилар. Лекин, афсуски, кейинги йилларда тилга бўлган эътибор бир оз сусайди.

Совет Иттифоқида миллий тилларнинг ривожини учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг Программасида қайд қилинганидек муҳайё.

Аmmo бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, давр талабларига, яъни қайта қуриш талабларига жовоб берадиган ишларни амалга ошириш, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш зарур. Бу эса кадрларга, хусусан ҳозирги ўқувчи ва талабаларимизга боғлиқ. Партия ва ҳукуратимизнинг бу ғамхўрликларига жавобан республикамизда ўзбек тилининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари бундан кейин янада тез суръатлар билан ривожланишига озгина бўлса ҳам, ҳисса қўшиш умиди билан сиз, азиз ёшларга ушбу китобчани тақдим этмоқдамиз.

ТИЛ ШАРОФАТИ

Тилнинг моддий жиҳати товушдир, ёзувда ҳарф. Лекин ҳарф товушга нисбатан иккиламчи ҳодиса. Табиий тилларнинг ҳаммаси товушдан иборат бўлиб, ҳарф товушнинг замон ва масофасини кенгайтириш учун пайдо бўлган белгидир.

Товуш табиатан ҳаво тўлқинларидан иборат бўлгани учун у жонсиз табиий ҳодисаларга ўхшайди. Аммо тил товуши оғиздан чиқиб қулоққа эшитилади. Мана шу айтилиш ва эшитилиш жиҳатдан у ҳар бир кишига хосдир. Аммо тил якка шахсга хос туғма ҳодисаларга кирмайди. Чунки тил мавжуд бўлиши учун кўпчилик, жамият бўлиши шарт. Масалан, киши болаликдан одамлар орасида ўсмаса, у умуман тил билмайди. Одамлар орасида ўсганда миллатидан қатъи назар қайси халқ орасида ўсса, шу халқ тили унга она тили бўлади. Инглиз Арабистонда катта бўлса, араб тилини билиб, инглиз тилини билмайди. Агар араб Англияда улғайса инглиз тилини билиб, араб тилини билмайди. Араблар орасида ўсган инглиз ўз халқининг тилини ўрганмоқчи бўлса, уни чет тили каби ўрганади. Инглизлар орасида вояга етган араб ҳам ўз халқининг тилини ўрганишни истаса, уни чет тилини ўргангандай ўрганади.

Демак, тил табиий ҳодиса ҳам, якка кишига хос ҳодиса ҳам эмас экан. Тил фақат бир жиҳати, яъни товуш томони билан табиий, яна бир жиҳати — нутқий

қобилият томони билан якка шахсга хос. Аммо моҳият эътибори билан жамият маҳсули бўлиб, ижтимоий ҳодиса экан.

Тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Мавжудотнинг моҳиятини, ҳақиқатини билиш «маърифат» дейилади. Тилнинг илмий аҳамияти оддий билим билан чекланмай, маърифатни, яъни билишнинг энг олий мартабасини ҳам ўз ичига олади.

Дунёга келган ҳар бир бола ҳақиқий инсон бўлиб етишиш учун у жуда кўп нарсаларни билиши керак.

У ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб ва ўқиб ўрганади. Эшитиб ва ўқиб ўрганиш тил воситасида амалга ошади ва унинг имконияти чексиздир. Агар тил бўлмай, ҳар бир кишининг тириклиги унинг ўз тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу кунгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яшаган ва бугунги моддий ва маънавий тараққиётга эришмаган бўларди.

Тилнинг биринчи маърифий аҳамияти шундан иборатки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари тил туфайли билим авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган авлоднинг ишини янгидан бошламасдан, уни давом эттиради. Бу билан яна тараққиёт таъминланади. Марксизм-ленинизм классикларининг ҳар бир объектни тарихан ўрганиш лозимлигига катта аҳамият беришларининг сабаби ҳам шунда.

Тил илм олишда замон ва макон ғовини ўртадан кўтаради. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Қоинотнинг ҳамма еридаги маълумотни сўз билан ифодалаб, билмаганга билдириш мумкин.

Ҳар бир ўқувчи мактабда қанчадан қанча билим олади. Шу билимларни олишга тил туфайли муяссар бўлади. Акс ҳолда ҳар бир ўргатилаётган нарсани, ҳеч

бўлмаганда унинг суратини ўқувчига кўрсатиш керак бўлар эди. Бу албатта жуда кўп вақтни ва жойни талаб қилар эди.

Бугина эмас, биз тил туфайли сезги аъзолари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз. Кўриниши, шакли бор нарсаларнинг акси онгимизга ўрнашиши мумкин, лекин шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштирамиз. Худди шунингдек мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воситаси билан ўзгаларга тушунтирамиз.

Тилни ўрганиш ва ўргатишни жуда осонлаштирадиган яна бир жиҳати шундаки у умумлаштириш хусусиятига эга. Сўз ёрдамида биз мавжудотни ўрганиб умумий тушунчалар ҳосил қиламиз ва бу тушунчалар мавжудотнинг умумий хоссаларини ўрганишга, ҳатто уларнинг ҳақиқатини идрок этишга имконият туғдиради.

Тил туфайли биз ҳақ билан ноҳақни, яхши билан ёмонни бир-биридан фарқлашни ўрганамиз.

Шундай қилиб, тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга экан. Аммо тилнинг аҳамияти бу билан тугамайди. Унинг жуда улуғ бадий аҳамияти ҳам бор. Тилнинг бадий имконияти чексиздир. Тил имкониятининг чексизлиги ва аҳамиятининг ниҳоятда улуғлиги унинг ҳам моддий, ҳам маънавий оламни қамраб олганлигидадир.

Бадийлик нима? Бадийлик, бошқача қилиб айтганда, бадийят бу гўзалликнинг нутқий кўринишидир. Борлиқдаги гўзалликнинг кўринишлари жуда кўп. Масалан, фақат табиий гўзалликнинг сон-саногии йўқ. Фақат тўрт фаслнинг ҳар бир фасли минг-минглаб гўзал нарсаларни вужудга келтиради. Мана, кўкламни олинг: оқ чойшабга ўралиб ухлаб ётган ер устидан сабо, яъни шарқдан эсадиган илиқ, табиатни уйғотувчи ел қор кўрпасини ер устидан кўтариб, уни кўк кўрпа

билан буркайди ва бу кўк бағрида ранг-баранг чечакларни ундиради. Дарахтлар гуллаб, асаларилар гул ширасидан минг дардга даво асалларни ҳозирлашга киришади. Шовқин-суронлар ва замбарак овози бўлмаган тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган гулзорларда тун ярмидан тонггача булбул сайраб соф кўнгилларга лаззат бағишлайди.

Бутун мавжудотнинг, хусусан инсоннинг тузилиши, юриш-туришида қанчадан қанча етуклик, жумладан гўзаллик бор. Аммо табиий гўзалликдан ташқари яна инсон вужудга келтирадиган сунъий гўзаллик ҳам бор. Хунарманду санъаткорлар буюмларга, иншоотларга гўзал тус берадилар. Уста деҳқонлар гўзал боғу роғларни вужудга келтирадилар. Куйчилар куй, ашулачилар ашула, рассомлар расм, ҳайкалтарошлар ҳайкал яратадилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси ва уларнинг гўзаллиги тил воситасида акс эттирилади. Бу тилнинг гўзалликни ифодалашдаги хизматидир. Аммо тилнинг ўзи ҳам гўзаллик моддаси сифатида сўз усталари томонидан ва умуман халқ тарафидан фойдаланилади. Чунки тил етук ҳодисалардан бўлиб, унда гўзаллик учун зарур бўлган ҳамма сифатлар мавжуддир.

Маълум бўлдики, тилнинг икки жиҳатдан бадий аҳамияти бор экан. Биринчидан, тил табиат ва инсондаги мавжуд гўзалликни акс этгириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи гўзалликни вужудга келтиради. Шoir ва ёзувчилар ҳамда оддий халқ орасидаги миллионлаб чечанлар тилнинг бадий имкониятининг мазкур ҳар икки жиҳатининг бирдан ёки ҳар иккисидан бирдан фойдаланадилар ва шу билан ўқувчи ёки тингловчига ҳам лаззат бағишлайдилар.

Тилнинг гўзалликни ифодалаш ёки акс этгириш жиҳати қандай амалга ошади? Бунинг жавобини олиш учун аввал «гўзаллик нима?» деган саволга жавоб беришимиз керак. Чунки гўзалликни ҳар хил тушуниш

мумкин. Айниқса инсондаги гўзалликнинг нимадан иборатлигини билиб олиш учун кўп билим ва тажриба лозим. Ҳозирги ўқувчи ўғил-қизларнинг кўпи ота-оналарининг, боғча мураббийлари ва ўқитувчиларнинг, матбуот ва адабиётнинг тарбияси натижасида ёмондан яхшини, хунукдан чиройликни ажратадиган бўлганлар. Лекин, оз бўлса-да, гўзалликни, жумладан инсон гўзаллигини яхши тушуниб етмаган ёшлар, ҳатто қариялар ҳам бор. Гўзалликка тўғри муносабатда бўлиш ва уни тўғри тушуниш учун, биринчидан, ҳар бир нарсанинг маъносини ёки мазмунини эътибордан қочирмаслик ва унинг фақат суврати ёки шакли билан чекланмаслик керак. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг шакли ва мазмуни бўлади. Мазмун бирламчи, шакл иккиламчидир. Масалан, кийимни оладиган бўлсак, унинг кўриниши шаклини, қулайлиги ва ўз вазифасига мувофиқлиги унинг мазмунини ташкил қилади. Кийим биринчи навбатда ноқулай эмас, қулай, соғлиққа зарарли эмас, фойдали бўлиши, тананинг ёпиладиган ерларини ёпиб туриши ва кишини ташқи муҳит таъсиридан, совуқдан, намдан, шамолдан ёки қуёш нуридан сақлаши зарур. Ундан кейингина у чиройлик шаклга эга бўлиши лозим ва бу шакл унинг вазифасига хилоф бўлмаслиги лозим.

Баъзи йиртқич ҳайвонлар кўринишда уй ҳайвони-га нисбатан кўркам бўлиши мумкин, аммо моҳиятан зарарли бўлгани учун у кишида ҳақиқий гўзаллик завқини уйғотмайди, аксинча киши кўнглига даҳшат солади ёки уни жиркантиради.

Айрим заҳарли ўсимликлар рангдор гули билан масалан, райҳонга нисбатан яхшироқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Аммо у унинг табиатини билган кишига райҳонга нисбатан гўзал бўлиб туюлмайди.

Гўзалликни тўғри тушуниб, ундан баҳраманд бўлиш учун зарурий шартлардан яна бири шуки, ҳамма ҳолда ҳам гўзалликдаги табиийлик сунъийликка нис-

батан устун туради. Инсон табиий гўзалликка сунъий гўзаллик қўшади, лекин унинг ўрни ва меъёри бор. Масалан, боғбон гулзор қилганда гулларни маълум бир тартибда жойлаштириб, ҳар тупни бутаб, унинг табиий гўзаллигига сунъий гўзаллик қўшади, аммо уни яна ҳам гўзал қиламан деб гулбаргларига нақш солмайди ёки бирор ўзга рангга бўямайди. Бунда унинг табиий гўзаллиги йўқолади ва у гул сифатида ўз қадрини йўқотади. Биринчи ҳолда, яъни гул тупларини бир-бирига нисбатан ва ҳар тупнинг шохларини тартибга солганда унинг табиий гўзаллигига зарар етмайди. Агар боғбонга бошқа ранг керак бўлса, у ўша ўзга рангни гулнинг табиий хоссасига айлантириши керак. Бунга у гулларни чатиштириш йўли билан эришади. Бунда гўзалликнинг табиийлигига путур етмайди. Биринчи ҳолда боғбон қалбакилик қилган, иккинчи ҳолда моҳирлик кўрсатган бўлади. Биринчи тақдирда у кулги бўлади ёки кишиларни ранжитади, иккинчи ҳолда ҳам маҳорати, ҳам янги нав гули билан ҳаммани хушнуд қилади ва бунинг натижасида ўзи ҳам шоду хуррам бўлади.

Энди инсондаги гўзалликка ҳам табиий нуқтаи назардан қарасак, ундаги гўзаллик қонуни ҳам ўша гулга оид қонуннинг ўзи. Гулбаргга нақш солиб, уни бўёқ билан бўяб бўлмаганидек кишининг баданига, айниқса юзига ҳар хил шаклларни тушириб бўлмайди, уни бўяб ўзгартирилмайди, аъзоларнинг табиийлигини бузиш мумкин эмас. Аммо инсонда ихтиёр кучлиги ва кишиларнинг гўзалликка муносабати турлича бўлгани учун баъзи шахслар мазкур қонунга хилоф ишларни қиладилар ва ўзларича оқилона иш қилдим деб ўйлайдилар. Аммо кейинчалик ўз қилмишларига ўкинадилар. Баданга қилинадиган нинабитиг ва нинанақшлар, упа-элик ва бошқа сунъий пардоз моддаларидан сунстеъмол қилиш ва модапарастлик гўзалликнинг, айниқса табиий гўзалликнинг моҳиятини англа-

маслик натижасида содир бўлади. Бундай амалларнинг энг қабиҳи — бу табиий аъзоларни сунъийлаштиришдир. Соғ тишни арралатиб, унга олтин қоплаш шу жумладандир. Афсус, минг афсуски, олтин тишни ҳусн деб билган ёшларимиз соғ табиий тишни металл билан алмаштириш табиий қўлни сунъий чарм қўл билан алмаштириш билан баробар эканлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Энди тилга қайтайлик. Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттирувчи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гўзалликни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд дедик. Биз тилга гўзаллик жавҳари сифатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратлантирадиган даражада етуклиги бор.

Қайси бир тилни олманг, ундаги товушлар юзга етмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўттиз битта товуш бор. Ўзбек тилига тарихан назар солган вақтимизда ёки шеваларни ҳисобга олганимизда кўпроқ бўлади, аммо қирқтадан ошмайди. Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз ясалиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин.

Тилнинг мана шу етуклиги унинг гўзаллигини ва ундан фойдаланувчининг, яъни сўзловчининг ёки ёзувчининг нутқий маҳоратини таъминлайди.


Бир нарсани ясаётганда ясовчининг маҳорати ва ясалган нарсанинг гўзаллиги нимада намоён бўлади? Хоҳ табиий, хоҳ сунъий нарсанинг кўрки унинг бўлакларининг бир-бирига нисбати борлигидан, муносиблигидан ёки мутаносиблигидан иборатдир. Масалан, бир уйнинг учта деразаси бўлиб, ҳажмда ё шаклда, ё ўрнатилишида, уч турли бўлса, бу ҳол ўша уйни хунук қилиб қўяди. Агар ўртадаги дераза бошқача бўлиб, икки ёнидагиси бир хил бўлса, уйнинг кўрки бузилмайди.

Бир кишининг аъзолари бир-бирига нисбатан кат-

та-кичикликда, шакл ва ўрнашишда қанча муносиб бўлса, унинг ҳусни шунча ортиқ бўлади. Агар қулоғи катта, бурни кичик бўлса, икки қошнинг бири эгма, иккинчиси тўғри бўлса, икки кўзнинг бири юқорироқда, иккинчиси пастроқда бўлса, улар орасидаги нисбат бузилади, натижада ҳусн йўқолади.

Бадийлик деб аталувчи нутқ ҳусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўзлардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фасллар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Сўзларни маълум тартибга солиб мисралар, мисралардан байту бандлар, байту бандлардан назмий асарлар ижод қилинади.



НУТҚ МАҲОРАТИ

Маълум бўлдики, тилда юз минглаб, ҳатто миллионлаб сўз бўлса ҳам буларнинг моддий асосини бир неча ўнлаб товуш ташкил қилади. Тилнинг мана шу хоссаси ундаги сўзларда товуш жиҳатдан умумийликни вужудга келтирган. Бир ёки бир неча товуш кўплаб сўзларнинг таркибида учрайди. Ҳатто баъзи сўзлар товуш жиҳатдан бир хил бўлиши ҳам мумкин. Ма-

салан, ўзбек тилида «от» шаклига эга бўлган учта сўз бўлиб, буларнинг бири исм, ном маъносида қўлланади, бири отишга буйруқни билдиради, яна бири маълум ҳайвонни англатади. Агар «боғ», «тоғ», «ёғ», «соғ» сўзларини ёки «том», «тош», «тол», «той» сўзларини оладиган бўлсак, бу сўзларнинг икки товуши бир хил бўлиб, фақат бир товуши турличадир. «Қил», «қош» сўзларини оладиган бўлсак, бу сўзларда фақат бир товуш бир хил, қолган иккиси турличадир.

Сўзларда мавжуд бўлган мана шу товушдошлик тилдаги гўзаллик ҳосил қилувчи нисбатнинг бир туридир. Аммо бунинг ўзи бир неча кўринишларга эга бўлиб, булар нутққа турли миқдор ва даражада ҳусн бағишлайди. Буларнинг энг ҳусндори ва энг кўп фойдаланиладигани сўз охиридаги товушдошлик бўлиб, бундан сўз усталари назмда қофия ва насрда сажъ ясайдилар. Масалан, «иш» билан «қиш», «сўзла» билан «кўзла», «тошир» билан «ошир», «ер» билан «тер» сўзлари товушдошлик билан тугаган сўзлардир. Халқ буларнинг товушдошлигини ҳисобга олиб, «дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас», «гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла», «дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «деҳқоннинг хазинаси ер, унинг калити тер» деган сажъли мақолларни яратган.

Шоирлар шундай сўзлар билан оҳангдош бўлиб тугаган мисраларни вужудга келтирадилар. Масалан, «ниҳол», «бол», «қол», «ол» сўзларидан фойдаланиб таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзи эккан олманинг ҳосилини кўриб ва бу меванинг номи буйруқ маъносидаги «олма» билан шаклдошлигини ўйлаб шундай шеър яратган:

Мева берди етилиб бу йил
Мен боғимга ўтказган ниҳол.
Меваларки, чўғдай қип-қизил,
Ҳусни ёқут, ширинликда бол.

Йиғлама кўп бу вужуднинг ишқ ўти
Не қуруғин қайғуси, не ёшини.

«Мардум» шаклига эга бўлган иккита сўз бор, бири одам, халқ маъносида, иккинчиси кўз қорачиғи маъносида. Навоий мана шу шаклдошликдан моҳирона фойдаланиб:

Қоракўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил!

деган шоҳбайт яратган.

«Савдо» шаклига эга бўлган иккита сўз бор, бири олди-сотдини, иккинчиси қорани ва кўчма маънода ташвишни билдиради. Бундан фойдаланиб шоир:

Зиҳе хуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавго

дейди.

Шундай қилиб, тилдаги товушдошлик нутқ гўзаллигининг манбаларидан бири бўлиб, моҳир сўзчилар бундан чексиз равишда фойдаланишлари мумкин экан. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки товушдош сўзларни танлаб ишлатишда маънога зарар етиши керак эмас. Маъно бирламчилигини эсдан чиқармаслик лозим. Акс ҳолда нотик кўриниши бор деб соғлиққа зарарли кийимларни киядиган модапараст ҳукмида бўлади.

Сўзларнинг маъно муносабати товушдагига нисбатан анча мураккаб бўлиб, бу ўй, фикрни талаб қилади. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг товуш жиҳати эшитиш билан чекланган бўлса, унинг маъно жиҳати, биринчидан, эшитишдан ўзга ҳиссиётни, иккинчидан, ҳис қилиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин тилнинг ўзга имкониятлари қатори бадний имконияти ҳам унинг маъно жиҳати товуш жи-

ҳатига нисбатан ортиқдир. Бу имкониятнинг асосий манбалари тил бирликларининг кўп маънолиги, маънодошлилиги ва ясалиш қобилиятидир.

Тилда мавжуд сўз ва қўшимчалар, бирикма ва гаплар фақат муайян бир нарсани билдириш билан чекланмайди. Масалан, «—лар» қўшимчасини олсак, у кўпликни билдириши билан бирга ҳурмат ва муболағани билдириши ҳам мумкин. «От» деган сўз маълум ҳайвонни билдириш учун ясалган бўлса ҳам, баъзи ҳолларда бошқа нарсаларга, ҳатто инсонга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Сўзларни турли муносабат билан турли нарсаларга қўллаш мумкин. Масалан, ўткирлигини назарда тутиб, тилни «тиғ» деса бўлади, айёрликни эътиборга олиб, кишини «тулки» деб атаса бўлади, равшанликни ҳисобга олиб, юзни «қуёш» ёки «ой» деб аташ жойиздир. Бу ҳолда биз бир нарсани билдириш учун ясалган сўзни ўхшашликка асосан бошқа нарсани билдириш учун фойдаланган бўламиз. Таомни «дастурхон», чойни «пиёла», оилани «уй» деб аташимиз мумкин. Бунда биз нарсани унинг макони учун ясалган сўз билан ифодалаган бўламиз. Бутунни унинг бўлагининг номи билан ва бўлагини бутуннинг оти билан, буюмни уни ясайдиган асбобнинг исми билан, натижани унинг сабабчиси билан ва сабабчисини унинг натижаси билан аташ мумкин. Тилда бир нарсанинг ўзини турлича аташ имконияти ҳам кўпдир. Бунда маънодош сўзлардан ва сўзларнинг кўп маънолигидан ва янги сўз ясаш имкониятларидан фойдаланилади. Турлича таъбир бирикма, гап, фасл, боб ва китоб доирасида ҳам амалга оширилади ва бу билан санъатнинг муҳим асосларидан бири бўлмиш турлилик, ранг-баранглик вужудга келади.

Санъатга завқи бор киши тилнинг мазкур имкониятларидан фойдаланиб, ўз нутқига ёки адабий асарига баднийлик, эшитувчи ёки ўқувчига лаззат бағишлайди.

Шундай қилиб, ҳам шаклга, ҳам мазмунга асосланган бадий воситаларни вужудга келтиришда тилнинг имконияти чексиздир. Бундан бутун халқ фойдаланади, лекин бири кўпроқ, бири озроқ. Аммо ном қўйилган ва ҳали ном қўйилмаган ва мутахассислар ҳануз пайқамаган кўпдан кўп нутқ санъатларининг вужудга келишида соқов бўлмаган барча кишиларнинг иштироки бор.

Нутқ санъатлари¹ моҳият эътибори билан тил ва нутқнинг ўзи сингари ижтимоийдир. Нутқ санъатларидан моҳирона фойдаланувчи сўз усталарининг асосий манбаи ҳам халқ нутқидир. Сўз устаси халқдан ва бошқа сўз усталаридан ўрганган санъатларини бир оз бойитади ва уларнинг янги ва баъзан гўзалроқ намуналарини яратади, холос. Масалани равшанлаштириш учун тахминий ва содда бир мисол келтирайлик.

Айрим кишиларга, дейлик, тажриба кўрсатдики, ўтин яхши ёниши учун уни маълум тартибда қалаш керак экан. Кишилар бу ҳақиқатни бир-бирига, айниқса шу соҳада тажрибаси йўқ кишига ўргатишлари керак бўлади. Шу фикрни ҳар ким ўзича тил нуқтаи назаридан тўғри гап тузиб ифодамай беради. Ҳаммамизга маълумки, бу фикрни жуда кўп вариантда айтиш мумкин. Шулардан бирини олайлик, «қаловини топсанг ўтин яхши ёнади» дейиш мумкин, кўп марта лаб шундай дейилган ҳам бўлиши керак. Шу гапда ҳеч қандай камчилик йўқ, чунки у тил қоидаларига мувофиқ тузилган ва ўз вазифасини тўлиқ адо этадиган шаклдадир. Бироқ инсон табиби бу билан тўла равишда қониқмайди. Унинг табибдаги гўзалликка бўлган эҳтиёжи шу гапни гўзаллаштиришни талаб қила бошлайди. Бу бир йўқ буюмнинг олдин ўзини ясаб, кейин уни чиройли қилишга бўлган интилишнинг айнан ўзи. Шу талаб билан «ўтин» сўзини «қор» сўзи билан ал-

¹ «Санъат» — тор маънода бадий воситани билдиради.

маштиради-да «қаловини топсанг қор ёнар» дейди. Шу билан у мазкур гапга гўзал тус беради. Эшитганларга бу ёқади. Киши ўзига ёққан нарсани йўқотмасликка ҳаракат қилади ва халқ буни мақол қилиб асраб юради.

Буни ёқимли, гўзал қилган нарса, биринчидан, «қор» сўзининг «қалов» сўзига уйғунлиги, яъни товушдошлиги, иккинчидан, қорнинг оловга зидлиги, учинчидан бўрттириш, яъни муболаға борлигидир. Ёшлигидан табиий равишда бунга ўхшаш гаплар қулоғига ёқиб қолган киши беихтиёр шундай жумлаларни ярата бошлайди.

Ана шундан кейингина бунга қизиққан олимлар, бу ҳодисани текшириб, уни системага солиб от қўя бошлайдилар. Товуш томонидан назар солиб, «қор» билан «қалов» ўртасидаги товушдошликни, масалан, «тавзиъ» деб атайдилар. «Олов» билан «қор» орасидаги зиддиятни «тазод» деб номлайдилар ва «қалов»нинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга «муболаға» деб от қўйдилар.

Шундан кейин ўқитувчилар, халқнинг ўзининг ижодини унинг ўзига олимлар тавсия қилган илмий шаклда етказадилар. Бу эса шубҳасиз кўпчиликнинг нутққа илмий муносабатда бўлиши, унинг ривожига сабаб бўлади. Олимга халқ, олим халққа хизмат қилади.

Нутқда турли нуқсонлар юз бериши мумкин. Нутқ камчилиги «айб» деб аталади. От қўйилган айблардан бири танофурдир. Нутқда товушларнинг ноқулай тартибда келишига «танофур» дейилади. Бунинг талаффуз жиҳатидан ноқулай бўлган туридан нутқ аъзоларининг ҳаракатини мукаммаллаштириш учун ҳам фойдаланилади. «Лайлак лакалакмоқчи эмиш, лакалакласа ҳам лакалакмоқчи эмиш, лакалакламаса ҳам лакалакмоқчи эмиш» ёки «Оқ чойнакка кўп қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ» сингари тезайтишлар шу

мақсадда ҳосил қилинган сунъий танофурлардир. Гапдаги товушлар қулоққа ёқмайдиган ва бирор қабиҳ сўзни ёки мавзуга зид маънони англатадиган тартибда бўлса ҳам танофур ҳосил бўлади.

Ҳозирги вақтда нутқда кўп учрайдиган ва ёзув билан боғлиқ бўлган икки хил танофур мавжуд. Бир катталар нутқида бўлиб, эски ёзувдаги ҳарфларни тўғри ўқимаслик натижасида вужудга келган. Бу «келади»ни «келоди», «келган»ни «келгон», деб «а» ўрнида «о» талаффуз қилишдир. Иккинчиси ёшлар нутқида учрайди ва ҳозирги имломизнинг номукаммаллиги, талаффузга мос келмайдиган қоидаларнинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлган. Масалан, ҳозир баъзи ёшлар «ишка»ни «ишга» деб, «келипти»ни «келибди» деб «кеткан»ни «кетган», «очкан»ни «очган» деб айтдилар. Ҳатто «боққа»ни «боғга» деб талаффуз қилдилар. Бу айбнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган имлодаги камчилик йўқолмагунга қадар унинг олдини олиш ўқитувчиларимиз зиммасига тушади. Тилшуносларимиз эса тил табиатига хилоф қоида ўқувчи нутқида айб пайдо қилишини ҳам ҳисобга олишлари керак.

Нутқни гўзал қилувчи восита «санъат» деб аталади. Санъатлар орасида «тавзиъ» деб аталгани бор. Бу мисра ёки байтда товушдош сўзлардан фойдаланишдир. Масалан, «Тоқатим тоқ ўлди то бўлдим талабгоринг сенинг» деган мисрада «т» товуши билан бошланган «Тоқатим», «тоқ», «то», «талабгор» сўзлари берилган. Мана шу «т»ли сўзларнинг бир мисрада келиши кишига лаззат бағишлайди. Бу мисрада шоир талабгор сўзи ўрнида харидор, «гирифтор» ёки яна бошқа сўзни ишлатиши мумкин эди, лекин унда мисранинг таъсири камайган бўларди. Қиёслаб кўринг!

Тоқатим тоқ ўлди то бўлдим харидоринг сенинг
Тоқатим тоқ ўлди то бўлдим талабгоринг сенинг.

Агар шу мисрадаги тоқ сўзини ҳам «т» сиз сўз билан алмаштирилса: масалан, «Тоқатим қолмади то бўлдим гирифторинг сенинг» дейилса мисра яна ҳам сусаяди.

«Жаҳон жонон жамолинга тасаддуқ» деган мисрада учта «ж» товуши билан бошланадиган сўз қатор келган. Шоир бир мисрада учта сўзни товушдошлаштириб берган. Бу ҳам тавзиънинг яхши бир кўринишидир. Агар шу мисрадаги «жонон» сўзини «дилбар» ёки бошқа «ж» сиз сўз билан алмаштириб, масалан, «жаҳон дилбар жамолинга тасаддуқ» десак, маъно бузилмайди, лекин санъат йўқолади ва мисранинг бадий кучи заифлашади. Товушдошликнинг маъно билан сингишиб кетган олий намуналарини Навоий асарларида кўриш мумкин. Масалан, шоир «Хамса»нинг «Низомий Ганжавий»га бағишланган қисмларининг бирида:

Ганжа ганжуриким чекиб кўп ранж,
Қўймиш эрди жаҳонда беш ганж


дейди. Бу байтда «иштиқоқ» деб аталган санъат ҳам бор.

«Иштиқоқ» сўзининг бадий термин бўлишига унинг грамматик маъноси асос бўлган. Сўз ясалиши иштиқоқ дейилади. Шунга асосан гапда бир ўзакдан ясалган сўзларни келтиришни, «иштиқоқ» деб атаганлар. Биз бу ҳодисани ўзакдошлик ва уни вужудга келтиришни ўзакдошлаштириш деб атасак ҳам бўлади. Лекин иштиқоқ сўзини ёдимиздан чиқармасак яхшироқ бўлади. Демак, Навоий мазкур байтда сўзларни ҳам товушлаштирган, ҳам ўзакдошлаштирган. Бу байтда «ранж», «ганж», «жаҳон» сўзлари эътибори билан товушдошлик, «ганжа», «ганж» ва «ганжур» сўзлари эътибори билан ўзакдошлик бор. Чунки буларнинг ҳаммаси хазина маъносидаги «ганж» ўзак сўздан ясалган. «Ганжур»нинг маъноси «ганж» эгасидир. Тавзиъ ва иштиқоқ санъатлари сувратга, яъни шаклга оид бўли-

шига қарамасдан Навоий қаламида улар маънога сингиб ва маънони тасдиқлашга хизмат қилган. Бунда Ганжавийнинг Ганжада ҳақиқий ганж эгаси эканлиги ва унинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган беш ганжни қолдирганлигининг ҳақиқатлиги товушдошлик ва ўзакдошлик билан таъкидланган. Натижада байт жуда муҳкам байтга айланган.

Бу икки санъатдан журналистларимиз ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, «Тошкент оқшоми» газетасида босилган бир мақоланинг сарлавҳаси «Сайёралар сайри» деб берилган эди. Бунда иштиқоқ бор. Яна бир мақоланинг сарлавҳаси «Сонгмининг совумаган куллари» деб аталган. Бунда «с» дош сўзлар тавзиъ ҳосил қилган.

Бу санъатлардан рус журналистлари ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, «Известия» газетасида босилган бир мақоланинг сарлавҳаси «Острый вопрос об остроте инструмента». Бу сарлавҳада ҳам иштиқоқ бор ва ҳам тавзиъ бор. «Острый» билан «острота» иштиқоқ ҳосил қилган, «об» сўзидан бошқа ҳамма сўзларда мавжуд бўлган «с» товуши тавзиъ ҳосил қилган. Агар бу жумлани ўзбекчага санъатини сақлаб таржима қилсак, «Асбоб кескирлигининг кескин масаласи» бўлади.



СЎЗ ДАЛОЛАТИ

Сўз сермазмун бўлиб, у кўп нарсаларга далолат қилади. Бир сўзнинг ўзини турли ҳолатларда турлича маънода қўллаш мумкин. Бинобарин сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатиш учун унинг маъноларини иложи борича мукаммал билишга уриниш лозим. Шу нуқтаи назардан бир неча сўз билан танишайлик.

«Нафс» сўзи. Ҳозирги оддий нутқда «нафс» сўзи баъзан ҳайвонга, асосан инсонга нисбатан қўлланади ва «нафс» деганда кишининг ўзининг жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Шу интилиш кишида меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундай кишини «нафси ёмон» ёки «баднафс» ёхуд, «нафсини тиёлмаган» киши деб атайдилар. Агар меъёрида ва ахлоқ доирасида бўлса, уни «нафси яхши» ёки «некнафс» киши дейдилар. Агар нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, ундай кимсани «нафси ўлик» ёки «нафсини тийган киши» дейилади ва бу ахлоқда ҳусн ҳисобланади. Инсонда ақл бўлгани учун ақл нафсни идора қилиб туради. Ҳайвонда ақл бўлмагани учун унинг нафсини ғариза, яъни инстинкт бошқаради. Шунинг учун ҳайвон нафсоний талабларни тажовуз йўли билан ҳам қондиради. Бу жиҳатдан инсоннинг ҳайвондан фарқ қиладиган ери унинг ақл ёрдамида нафсини тия олишидир. Нафсини тия олган шахснинг инсонлиги, тиёлмагanning ҳайвонлиги ор-

тиқ бўлади. Кишида ҳайвоний сифатларнинг устун келиши уни турли балоларга гирифтор қилади. «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур» деган мақолда нафснинг ана шу оқибати назарда тутилади. Навоийнинг ичувчилар ўзларини шер деб тасаввур қилганлари билан нафс ити олдида забундурлар, яъни мағлубдурлар деган мазмундаги бир байти ҳам бор. Биз уни ичкиликка берилган ёки ичгандан сўнг ўзини тутолмайдиган кишилар мисолида кўришимиз мумкин. Бадмаст итга ўхшаб ҳатто ўз дўстига, ака-укасига, ота-онасига акиллаши, уларни қопиши мумкин. Ароқпараст ит ётмаган ерларда ётиб қолиши мумкин ва ҳоказо. Аммо ҳушёр киши нафсини тиёлмаса, ёмонроқ бўлади. Баднафснинг мартабаси қанча юқори бўлса, унинг зарари шунча ортиқроқ бўлади.

Энди «нафс» сўзининг махсус маънолари билан танишайлик. Бу сўзнинг биринчи луғавий маъноси «ўз»дир. Бу маъно «иззат-и нафс» иборасида сақланган. «Ҳар кишининг иззат-и нафси бор» дейилса, ҳар ким ўзини-ўзи азиз деб билади, ўзгалар томонидан хор этилиши ёки ҳақорат қилинишига йўл қўймайди, деган мазмун келиб чиқади. «Бировнинг иззат-и нафсига тегадиган иш қилиш керак эмас» деганда ҳам кишининг ўзига-ўзи азизлиги назарда тутилади.

«Нафс»нинг ўз деган маъносидан келиб чиққан яна бир маъноси бор, бу нарса ёки муддаонинг ўзгинаси, яъни айнан ўзи, ҳақиқати деган маъно бўлиб, бу маъно «нафсу-л-амр» иборасида сақланган. «Галнинг нафсу-л-амрини айт» деганда галнинг ҳақиқатини, мақсаднинг айнан ўзини айт, деган фикр тушунилади. Нафсу-л-амрда бу иш шундай бўлиши керак, деганда, ҳақиқатда, ишнинг ўзгинасини назарга олганда бу иш мана шундай бўлмоғи керак, деган мазмун чиқади.

Илмда «нафс» деб жисмнинг ўзидаги — унинг вужудини таъминловчи кучлар йиғиндисига айтилади. Жонсиз жисмнинг нафсини «нафс-и табъий» ёки

«нафс-и маъданий» деб атаганлар ва бу нафс бир-бирига қарама-қарши икки кучдан иборат. Бири муҳитга интилувчи куч бўлиб, жисмнинг сиқилиб ўзи учун керак бўлган даражадан ортиқ зичлашишига йўл қўймайди. Бу куч «хиффат» дейилади. «Хиффат»нинг луғавий маъноси енгилликдир. Иккинчиси, марказга интилувчи куч бўлиб, бу жисмнинг бўшашиб ёки парчаланиб кетишига йўл қўймайди. Бу куч «сақл» деб аталади. «Сақл»нинг луғавий маъноси оғирликдир.

Ўсимликдаги ўстирувчи кучлар нафс-и наботий, яъни ўсимлик нафси ёки «нафс-и номия», яъни ўсувчи нафс деб аталади. Ўсимликда маъданий нафс ҳам бўлади. Аммо бу нафс мазкур икки кучдан ташқари ўсиш учун зарур бўлган саккизта кучга эгадир. Буларнинг биринчиси, озуқани ўсимлик ичига тортадиган, шимадиган куч бўлиб, «жозоба» деб аталади. «Жозоба» сўзининг луғавий маъноси тортувчидир.

Иккинчиси, озуқанинг керакли қисмини танада тутиб турувчи куч бўлиб, «мосика» дейилади. «Мосика» сўзининг луғавий маъноси тутувчи, ушлаб турувчидир.

Учинчиси, озуқани ҳазм қилувчи куч бўлиб, унга «ҳозима» деб ном қўйилган. «Ҳозима»нинг луғавий маъноси ҳазм қилувчидир.

Тўртинчиси, ҳазм бўлган озуқанинг танага сингадиганини сингмайдиганидан ажратувчи куч бўлиб, «мумаййиза» деб аталади. «Мумаййиза» сўзининг луғавий маъноси ажратувчидир.

Бешинчиси, озуқанинг танага сингмайдиган, кераксиз ва ортиқча қисмини танадан ташқарига чиқарувчи куч бўлиб, буни «дофия» дейдилар. «Дофия» сўзининг луғавий маъноси даф қилувчи, сурувчидир.

Олтинчиси, озуқани ўсимлик жисмига мослаштириб, шу жисмга айлантирувчи куч бўлиб, бу «мусаввира» деган номни олган. «Мусаввира» сўзининг луғавий маъноси шакллантирувчидир.

Еттинчиси, уруғлантйрувчи куч бўлиб «муваллида» дейилади. «Муваллида» сўзининг луғавий маъноси туғдирувчидир.

Саккизинчиси, ўсимликнинг катталашишига ёрдам берувчи куч бўлиб, бунисини «мунаммия» деб атаганлар. «Мунаммия» сўзининг луғавий маъноси ўстирувчидир.

Энди ҳайвонга келсак, ҳайвонда ҳис ва ихтиёрий ҳаракат бор. Ўсимликда ҳис бутунлай йўқ. Ҳайвон ва ўсимлик ўртасидаги оралиқ мавжудотлар мустаснодир. Масалан, барги ёки гули билан ҳашаротларни тутиб сўриб ташлайдиган ўсимликлар ҳам бор. Бундай оралиқ мавжудотлар «барзах» деб аталади. Ўсимликнинг ўсиш билан боғлиқ ҳаракати эса ҳайвонники сингари ихтиёрий эмас, табиийдир. Мана шу сабабдан баъзилар, жумладан Ибн Сино ҳам ўсимликка хос кучларни таъбий қувватларга киритадилар.

Ҳайвоннинг ҳис ва ихтиёрий ҳаракатини ишга солувчи кучларнинг йиғиндисини «нафс-и ҳайвоний» ёки «ҳайвоний нафс» деб атайдилар. «Ҳайвон» сўзининг туб луғавий маъноси тирик ва тирикликдир. Шунинг учун ҳайвон сўзи кенг маънода қўлланиб, ўсимлик жинсидан юқори жинсни англатиши мумкин. Бу ҳолда у инсонни ҳам ўз ичига олади ва инсон ҳайвон жинсининг бир навъи бўлади. «Ҳайвон» сўзи тор маънода қўлланганда эса «инсон» сўзига қарама-қарши қўйилади ва инсондан ўзга тирик мавжудотни билдиради.

«Нафс-и ҳайвоний» деганда тирик мавжудотнинг тириклигини таъминловчи қувватлар йиғимдиси тушунилади.

Тирикликка сезиш ва ихтиёрий ҳаракат хос. Бунни кўриш, эшитиш, татиш, ислаш ва сезишдан иборат ташқи туйғу қувватлари ҳамда ички қувватлар таъминлайди. Олимларимиз бу қувватларнинг ҳаммасини «ҳис» ва «ҳавосс» деб атайдилар. «Ҳавосс» сўзи «ҳис» сўзининг кўплиги бўлиб, ҳислар дегани. Кўриш қувва-

тини «босира», эшитиш қувватини «сомиъа», татиш қувватини «зойиқа», ислаш қувватини «шомма» ва сезиш қувватини «ломиса» деб, буларнинг ҳаммасига, яъни бешовига «ҳавосс-и зоҳир» ёки «ҳавосс-и зоҳирий» деб ном қўйганлар. Тирик махлуқ босира, яъни кўриш қуввати билан шакл ва рангни, катта-кичикни, узун-қисқани, узоқ-яқинни ва нуру зулматни идрок қилиб, бир-биридан фарқ қилади. «Сомиъа», яъни эшитиш қуввати билан турли товушларни сўзларни эшитиб, уларни бир-биридан фарқлайди ва маъносини тушунади. Шомма, яъни ислаш қуввати билан турли исларни идрок қилиб, уларнинг кайфиятини билади. Зойиқа, яъни татиш, там билиш қуввати билан чучук, аччиқ ва нордон каби мазаларни идрок қилади. Ломиса, яъни сезиш, умуман бадан ва хусусан қўл билан юмшоқ-қаттиқни, иссиқ-совуқни, қуруқ-ҳўлни, оғир-енгилни идрок қилиб, уларни бир-биридан фарқ қилади.

Қувват назарда тутилмаганда кўрини «басар», эшитиш «самъ», ислаш «шамм», татиш «завқ», сезиш «ламс» деб юритилади.

Зеҳндаги идрок қувватларини «ҳавосс-и ботин» ёки «ҳавосс-и ботиний» деб атаганлар. «Ҳавосс-и ботиний» ҳам беш ҳисдан иборат. Биринчиси ҳисс-и муштарак, иккинчиси хаёл, учинчиси ваҳм, тўртинчиси ҳофиза, бешинчиси мутасаррифадир. Баъзилар мутасаррифани «фикр» деб ҳам атайдилар.

Ҳисс-и муштарак ташқи ҳислар берган маълумотни бевосита қабул қилувчи ва жамловчи қувватдир. Бу ҳисда кўриш, эшитиш, татиш, ислаш ва сезишнинг натижалари бир яхлит ҳолга келгани ва у ташқи ҳислар билан ўзидан кейинги ички ҳислар ўртасида восита бўлгани учун уни «ҳисс-и муштарак» деб атаганлар. Ҳисс-и муштарак ташқи ҳисларнинг охири ва ички ҳисларнинг бошидир. Ҳисс-и муштаракни ҳовуз ёки денгизга, ташқи ҳисларни эса шу ҳовузга келиб

қўшиладиган ариқларга ёки денгизга қўйиладиган сойларга ўхшатилади.

Хаёл эса ташқи ҳислар билан идрок қилинган нарсаларни улар йўқ пайтида кўз олдига келтириш қувватидир.

Хаёлни ҳисс-и муштаракнинг хазинаси дейдилар, чунки хаёлда ҳис қилинган нарсаларнинг суврати тўпланиб боради. Хаёлни яна ёзувчига ҳам ўхшатадилар. Бунда ёзувчининг кўрган нарсаларини ёзиб қўйиб, ёзув орқали ўша нарсаларни ўзгага кўрсатиши назарда тутилади. Шунга биноан хаёл суврат, яъни шакл орқали маънони, яъни мазмунни идрок қилувчи қувват деб тушунилади. Ўзгача қилиб айтганда хаёл мавжудотнинг зеҳнда ҳосил бўлган суврати орқали уларнинг ўзини киши онгида гавдалантиради.

Ваҳм кўрилган, кўрилмаган мавжуд ёки номавжуд нарсаларни тўғри ва нотўғри равишда зеҳнда гавдалантирадиган кучдир. Масалан, ваҳм кишининг кўз олдига юзлаб қуёшни, ёқут тоғларни, симоб тўла денгизларни келтириши мумкин. Инсондан ўзга жонворларда ақл ўрнида ҳам «ваҳм» хизмат қилади. Инсонда ваҳмнинг ақлга тобе бўлмаслиги таъкидланади. Масалан, тунда ўлик бор уйда ёлғиз ётишга тўғри келса, ақл бунинг хавфсизлигини билдириб турса ҳам, кишини ваҳм кўрқитиши мумкин. Ваҳмнинг кишини чалғитиш хусусиятини назарга олиб, унга баъзилар «шайтон» ёки «иблис» деган лақаблар ҳам берганлар.

Ҳофиза ташқи ва ички ҳислар идрок этган нарсаларни сақловчи қувват бўлиб, уни лавҳга ўхшатадилар. Олдин учрашган икки киши янгидан учрашганда бир-бирини танишининг сабаби биринчи кўришишда уларнинг суврати ҳофиза туфайли зеҳнда ёзилиб қолганлигидир. Иккинчи кўришувда зеҳнга тушган суврат ҳофиза лавҳида ёзилиб қолган суврат билан қиёсланади ва натижада улар бир-бирини эслайдилар.

Мутасаррифа ёки фикр ташқи ва ички ҳислар

идрок қилган ҳиссий, ғайриҳиссий ва ақлий нарсаларни жамлаб натижа чиқарадиган қувватдир. Бунга ҳофиза лавҳига ёзилган маълумотни ўқувчи қувват деб ҳам қарайдилар. Мутассарифа агар ақлга бўйсунса, уни «мутафаккира» ёки «зокира» деб, агар ваҳмга бўйсунса, уни «мутахаййила» деб атайдилар. Мутафаккира фақат инсонга хос бўлиб, у нафс-и инсоний ёки нафс-и нотиқа тушунчасига алоқадордир. Нафс-и ҳайвоний мазкур бешта ички ва бешта ташқи ҳислардан ташқари яна «ғазаб» ва «шаҳват» деб аталган икки қувватни ўз ичига олади. «Ғазаб» зарарни дафъ қилиш ёки ўзгага устун келиш учун керак бўлган ҳаракатни вужудга келтирувчи кучдир.

«Шаҳват» сўзининг луғавий маъноси истак бўлиб, истилоҳий маъноси ҳайвонни бирор манфаат ёки лаззатга интиштирувчи кучдир. Инсонда ҳайвон, ўсимлик ва маъдан нафслари ҳам бор, ҳайвонда инсон нафси йўқ, лекин ўсимлик ва маъдан нафси бор. Ўсимликда инсон ва ҳайвон нафслари йўқ, аммо маъдан нафси бор. Жамодда, яъни анорганик жисмларда инсон, ҳайвон ва ўсиш нафслари йўқ бўлиб, фақат маъдан нафси бор. Бошқача қилиб айтганда, ўсмайдиган ва жонсиз мавжудотда унинг жисмини сақлаб турувчи қувватларгина бор. Ўсадиган мавжудотда, яъни ўсимликларда эса уларнинг жисмини сақловчи қувватлар ва ўстирувчи қувватлар ҳам бор. Тирик мавжудот, яъни ҳайвонларда эса ҳам уларнинг жисмини сақловчи, ҳам ўсишини амалга оширувчи, унинг тириклигини, яъни ҳис қилиб ихтиёрий ҳаракат қилишини таъминловчи қувватлар бор.

Инсонда эса буларнинг ҳаммаси мавжуд, ундан ташқари фақат унинг ўзига хос қувватлар ҳам бор. Бу тафаккур ва нутққа оид қувватлар бўлиб, буни «нафс-и инсоний» ва «нафс-и нотиқа» деб атаганлар. Нафс-и инсоний ҳис қилиб билишдан ташқари ўйлаб билиш ва ўйлаб топиш қобилиятига эга. Мана шу

қобилиятга ақл дейилади. Шундай қилиб инсонда бошқа мавжудотда бор қувватлар, шунингдек, фақат инсонга хос «зокира» ёки «мутафаккира» деб аталган фикрлаш қуввати ва нутқ қуввати ҳам бор экан. Ақл ва нутқ башарга берилган шарафли имтиёз ҳисобланади ва инсонга унинг шу жиҳатини назарга олиб, «ашрафу-л-махлуқот», яъни махлуқларнинг энг шарафлиси деган лақаб берилган.

Шу ўринда «махлуқ» сўзига изоҳ бериб ўтишга тўғри келади, чунки «махлуқ» сўзи баъзи кишиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг сабаби оддий сўзлашувда мазкур сўзнинг кўпроқ ҳайвонларга нисбатан ишлатилишидир. Адабий тилда эса у инсонга нисбатан ҳам ижобий маънода ишлатила беради. Чунки бу сўзнинг ҳеч қандай таҳқир маъноси йўқ. Унинг луғавий маъноси яратилган ва яралган бўлиб, мавжуд сўзининг маънодошидир. Лекин «мавжуд» сўзи азалий нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади, «махлуқ» сўзи аввал бўлмай, кейин вужудга келган нарсаларга нисбатан ишлатилади. «Махлуқ»ни «мавжуд» дейиш мумкин. Аммо мавжуднинг ҳаммаси ҳам махлуқ эмас. Шундай қилиб мавжуд бор нарса ва махлуқ яралган мавжуд дегани. Мана шунинг учун оқилу фасиҳ ота-боболаримиз инсонни ақл ва нутқ эътибори билан энг шарафли махлуқ деб атаганлар. Мутафаккир шоиримиз Навоий ўзининг лингвистик асари «Муҳокамату-л-луғатайн»ни «Алҳамду лиллази маййаза-л-инсона мин сойири-л-махлуқот би шарафи-н-нутқ» яъни, инсонни ўзга махлуқлардан нутқ шарафи билан мумтоз қилганга олқиш, деб бошлайди ва бошқа асарларида «ашра-фу-л-махлуқот» деган иборани турли таркибларда ишлатади.

Қадимги ҳақимлар ер куррасини қуршаган муҳитни тўққиз қабат деб таърифлаб, ҳар бир қабатини «фалак» деб атайдилар. Ҳар бир фалакни алоҳида жисм ҳисоблаб, уларнинг ҳам нафси бор дейдилар

ва бундан уларни, жумладан, сайёраларни ҳаракатга келтирувчи кучни тушунадилар. Аммо фалак нафсларининг умуман ерга ва хусусан инсонга ҳам таъсири бор деб биладилар. Булардан ердаги ҳаётга бевосита алоқадори фалакларнинг энг қуйиси фалаку-л-қамар, ой фалаги ҳисобланади ва унинг нафсига «воҳибу-с-сувар», суврат бағишловчи, яъни шакллантирувчи деган лақаб берилган. Бундан фазодан келган нурларнинг ердаги мавжудот ва ҳаёт шаклини олиши тушунилади.

«Жисм-и кулл», яъни умумий жисм «фалаку-л-аф-лок», яъни фалаклар фалаги, «фалак-и атлас» ва «арш» деган номларга эга бўлган энг юқори — тўққизинчи фалакнинг нафси «нафс-и кулл» ҳам дейилади ва баъзан «нафс-и кулл» деганда ўша фалакнинг ўзи ҳам тушунилади.

Классик адабиётда кўп ишлатиладиган ва нафснинг ахлоқий жиҳати билан боғлиқ бир қанча истилоҳий сўз ва иборалар бор. Энди шулардан баъзилари билан танишамиз.

Нафсни мазкур жиҳатдан мухтасар қилиб, уч ёки тўрт ва муфассал қилиб етти турга бўлганлар. Уч турга бўлганда бирини «нафс-и аммора», иккинчисини «нафс-и лаввома» ва учинчисини «нафс-и мутмаинна» деб атаганлар. «Уч нафс» ёхуд «нуфус-и салоса» деганда нафснинг мана шу уч тури, аниқроқ қилиб айтганда ахлоқий даражаси тушунилади. Тўртга бўлганда мазкур учтага «нафс-и мулҳама» дегани қўшилади. Етти турга бўлганда мана шу тўрттага яна учтаси қўшилади ва булар «нафс-и розия», «нафс-и марзия» ва «нафс-и комила» деб аталади.

«Нафс-и аммора»нинг луғавий маъноси доим буйруқ бериб турувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафс буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларнинг нафсига нисбатан қўлланади. Бу нафс кишиларни ўғри-

лик, зўравонлик, бузуқликка ва ичкиликпарастликка олиб боради ва кишини турли балоларга гирифтор қилади. Аччиқланиш, ўзини катта олиш, ўзгалардан устун келишга ҳаракат қилиш, ўчакиш, кек сақлаш, бировни кўролмаслик, қурумсоқлик, жанжалкашлик, бировларнинг орқасидан гапириш каби манфий хислатлар нафс-и амморанинг амалий белгиларидан ҳисобланади.

Киши билиб ёки билмасдан нафс фармонида бўлиши мумкин. Бола эси киргунга қадар билмасдан нафсга бўйсунди. Боланинг оқибатини ўйлаган ва ўзлари яхши тарбия олган ота-оналар, оға ва эгачилар уни бошдан бошлаб йиғлаганига ва бошқа ўжарликларига қарамасдан нафснинг амморалик хусусиятини йўқотишга ўргатиб борадилар. Натижада бола ўз нафсига мағлуб бўлмасдан ундан ғолиб киши бўлиб етишади. Баъзан тарбиянинг йўқлиги ёки нотўғрилиги туфайли бола нафсига мағлуб бўлиб ўсади ва ёш жиҳатидан қариганда ҳам нафс жиҳатидан гўдаклигича қолади. Катта бўлганда фақат нафс буйруғи билан бўладиган ҳаракатнинг шакли ўзгаради. Масалан, навқирон йиғит ёки қиз, мўйсафид чол ёки кампир бировнинг нарсасини ўзлаштириш учун ўзини ерга отиб, тепиниб йиғламайди, балки куч ёки турли макру ҳийлаларни ишга солади. Булар ўзларининг нафс қулига айланганликларини билмайдилар ва ўзларини ғолиблар қаторига қўшадилар.

Била туриб нафсга бўйсунуш эса, иродасизлик туфайли бўлади. Билмасдан нафс амрига бўйсунувчи кишининг нафсини баъзан «нафс-и баҳима» деб ҳам атайдилар. «Баҳима» чорва дегани.

Уришқоқ, ўзгаларнинг нарсасини тортиб ёки сўроқсиз ўзлаштирадиган, чекишдан ўзини тиёлмайдиган мактаб болалари, бўккунча овқат ейдиган, ичкиликка берилган, ўзгаларни норози қилиб, алдаб тирикчилик қиладиган катта кишилар, амални сунстеъмол қилувчи:

чи амалдорлар, ўз халқи ва ўзга халқларни таловчи подшолар, бутун оламни эгаллашга ҳаракат қилувчи империалистларнинг нафси «нафс-и аммора» бўлиб, мазкур шахслар оқибатда ўз нафсларининг қурбони бўладилар.

Энди «нафс-и лаввома» иборасининг мазмунига келсак. «Лаввома» доим койиб турувчи деган маънони билдиради ва нафс жиловини ўз қўлига олган, нафсини ақлига бўйсундирган ва нафс голиб келганда ўзини-ўзи койиб яна нафсини мағлуб қилиб оладиган кишининг нафси «нафс-и лаввома» деб аталади.

Нафс-и лаввома соҳиблари кишининг яшаши учун зарур бўлган нафсоний талабларини ҳалол йўллар билан меъеридан оширмасдан қондирадилар. Натижада бундай кишилар ўзгаларни ҳам мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечирадилар.

Нафс-и аммора соҳибига қаҳру ғазаб хос бўлгани ҳолда нафси лаввома эгасига меҳру шафқат хос. Унга тажовуз хос бўлса, бунга ибо, тортиниш хос. Унга уятсизлик, сурбетлик хос бўлса, бунга ҳаё, адаб хос. Унга манманлик, мутакаббирлик хос бўлса, бунга камтарлик ва тавозу хос. Унга ҳаромийлик, бунга ҳалоллилик хос. Унга ҳирс, очкўзлик хос бўлса, бунга қаноат хос. Унга ўзгаларни кўролмаслик хос бўлса, бунда ҳатто ўзида йўқ нарсалар ўзгаларда бўлса, худди ўзида бордай хурсанд бўлиш хислати бор. Нафс-и аммора соҳибларини ҳамма қораласа, нафс-и лаввома соҳибларини ҳамма ҳурмат қилади. Шунинг учун соғлом жамият аъзосининг аксарини нафс-и лаввомага эга бўлган кишилар ташкил қилиб, нафс-и аммора эгалари соғлом кишилар орасида кам бўлади.

Энди нафс-и мулҳамага келсак, мулҳаманинг луғавий маъноси илҳомланган, илҳомлидир. Илҳом деганда кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади. «Нафс-и мулҳама» деганда эса ки-

шида турли жозибали истакларни уйғотувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, ҳикмат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай нафс эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилик, гўзаллик ва санъатни севиш каби хислатлар хосдир.

«Нафс-и мутмаинна» иборасидаги «мутмаинна» сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. «Нафси мутмаинна» соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафсининг ғалаёнидан қутулиб хотиржам бўлган кишилардирлар. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини хаёлига ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хосдир.

«Жавҳар» сўзи. Бунинг асли «гавҳар» сўзидир. Лекин ҳозир булар икки мустақил сўзга айланган ва «жавҳар»нинг «гавҳар»га нисбатан маъноси кўпроқ. «Гавҳар» сўзининг «гуҳар» шакли ҳам бор. «Гуҳар» шакли назмда вази талаби билан унинг биринчи ҳижоси қисқа бўлиши керак бўлганда ишлатилади. «Гавҳар» сўзининг ёлғиз ўзи «та-нан» рукнига тўғри келади, «гуҳар» деб айтилганда у «та-нан» рукнида бўлади. «Гавҳар» деганда умуман карим тошлар ва хусусан марварид¹ ёки ҳар бир нарсанинг асли ҳамда моддаси тушунилади. Огаҳийнинг қуйидаги байтида «гавҳар» сўзи дур, яъни йирик марварид маъносида ишлатилган:

Мусаффо тишлари кулгу чоғи паль-и лаби ичра
Дарахшон ҳуққа-йи ёкут аро покиза гавҳардур.

(Дарахшон — порлоқ; ҳуққа — жавоҳир ва атриёт қутичасидир).

«Гавҳар» сўзи форс тилидан араб тилига «жавҳар» шаклида ўтган ва шу шаклда форс тилига қайтиб ке-

¹ Классик адабиётда: марварид.

либ, бошқа тилларга ҳам тарқалган. Араб адабий тилида «г» товуши йўқ, аммо адабий тилдаги «ж» товуши ўрнида миср лаҳжасида «г» ишлатилади. Мисрликлар «мажлис»ни, «мағлис», «жамол»ни «гамол» деб айтадилар. Мана шу хусусиятга асосан ажам, яъни ғайри-араб сўзларидаги «г» товуши араб адабий тилида «ж» товушига айланади. «Гавҳар» сўзининг араб тилида «жавҳар» шаклини олишининг сабаби шунда. «Жавоҳир» сўзи «жавҳар»нинг кўплиги бўлиб, бу сўз кўпроқ асл тошларнинг умумий оти сифатида ишлатилади. Аммо «жавҳар»нинг маъноси ва ишлатиш доираси «гавҳар»га нисбатан ҳам кенг. Лекин «гавҳар» сўзи унинг дур маъноси назарга олинганда истиора тарзида фарзандга нисбатан ишлатилиши мумкин. Чунки садафнинг қийматга эга бўлган маҳсули дур бўлганидек, фарзанд кишининг энг қадрли маҳсулидир. Аммо Навоий фарзанд маъносида «гавҳар»нинг умумий маънога эгаллигини ҳисобга олиб, махсус сўз — «дур»ни ишлатган. Шоир «Фарҳоду Ширин» достонида Чин хоқонининг фарзандсизлик даврини тавсиф қилиб, шундай дейди:

Не чеккай кўкка бошин тождоре,
 Йўқ эрса бир дур андин ёдгоре.
 Валаддур ул дуру волид садафдур,
 Садаф яъни отаву дур халафдур.

Агар «гавҳар» ва «жавҳар» сўзларининг мажозий маъноларини назарга олмасак, уларнинг ҳақиқий маъноси иккитадир. Биринчиси қийматли тош. «Гавҳар» ёки «жавҳар» деганда инжу, яъни марвариду дур, лаъл, ёқут, зумуррад, забаржад, олмос, феруза каби қарим тошлар тушунилади. Демак, «гавҳар» ва «жавҳар» сўзлари қийматли тошларнинг умумий номи сифатида қўлланар экан. Бу жиҳатдан «гавҳар»нинг «жавҳар»дан фарқи шундаки, «гавҳар» тор маънода марваридга нисбатан қўлланиши мумкин. Бунини юқорида Ога-

хий байтида кўрдик. Аммо «жавҳар» сўзи асл тошларнинг айрим турларига нисбатан ишлатилмайди.

Иккинчи маъноси бир ниманинг аслий моддасини ва асосини билдиради. Бу маънода «жавҳар» «гавҳар»га нисбатан кўпроқ ва кенгроқ истеъмол қилинади. «Жавҳар-и лиму» деганда «жавҳар» сўзи лиму (лимон)нинг асосий моддасини, «сирка жавҳари» деганда сирканинг таркибидаги суви йўқотилган сирка моддасини билдиради.

«Жавҳар» сўзининг мазкур иккинчи маъносига асосланган ҳолда, уни илмий истилоҳ сифатида ҳам ишлатилади. Уни илмий атама қилиб қўллаганда «араз» атамасига қарши қўядилар. Жавҳар мавжудот таркибининг ўзича мавжуд бўлган, араз ўзича мавжуд бўлмай, жавҳар туфайли бор бўлиб турадиган жиҳатидир.

Агар бир кийимга шу нуқтаи назардан назар соладиган бўлсак, унинг матоси жавҳар бўлади, ранги араз бўлади. Чунки матонинг зотан, яъни мато сифатида бор бўлиб туриши учун маълум бир рангнинг аҳамияти йўқ. Лекин ранг матосиз ўзича бор бўлолмайди, ёғочдан қилинган буюм бўлса, ёғочи, темирдан ясалган бўлса, темири жавҳар бўлади. Шу буюмнинг жавҳар туфайли мавжуд бўлиб турган ва ўз вазифасини бажариши учун зарур бўлмаган устамалари араз бўлади. Аммо унинг ўз хизматини адо этиши учун зарур бўлган шаклий жиҳати «суврат» дейилади. Масалан, кўйлак тани, қўлларнинг ҳаракатига халал бермайдиган ва бошни очиқ қолдирган ҳолда ўраб турадиган шаклга эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, кўйлак энгли ва ёқали бўлиши зарур. Бу унинг сувратидир. Кўйлакнинг ранги, ёқа, энг, этак, тугма кўринишлари ва ҳоказолар араздур. «Суврат» сўзи «маъно» тушунчасига қарши мазмунда ҳам ишлатилади. Бунда у ўзгача маъно касб қилади.

«Суврат»нинг аразга ўхшаш жиҳати бор, бу унинг

Ўзича бор бўлолмай, жавҳарга ўрнашган ҳолда бор бўлишидир. Масалан, кўйлакнинг суврати намоён бўлиши учун у матога ёки бошқа бирор нарсага ўрнашиши керак. Сувратнинг шу жиҳатини назарда тутиб, баъзан уни амалда араздан фарқ қилмайдилар. Аммо дақиқбин олимлар, жумладан Ибн Сино сувратни жавҳарнинг бир тури деб қарайдилар. Сувратга маҳал, яъни ўрин бўладиган жавҳарни «ҳаюло» деб атайдилар. Суврат ҳаюлосиз намоён бўлолмаганидек, ҳаюло ҳам сувратсиз бор тусини ололмайди. Кўйлак вужудга келиши учун унинг ҳаюлосига, яъни кўйлакка мўлжалланган жавҳарига кўйлакнинг суврати ўрнашиши керак. Ўрнашишни «хулул», ўрнашувчини «ҳолл» дейлади. Аразнинг эса бундай вазифаси йўқ. Шунинг назарга олиб сувратни ҳам жавҳар турларидан деб биладилар.

Биз «жавҳар»нинг маъносини яхшироқ тасаввур қилиш учунгина мисолга кўйлакни олдик. Суҳбат тикувчилик мавзуда борганда ҳозир биз ишлатган сўзлар ишлатилмайди. Бу соҳанинг ўзининг «кўйлаклик», «улгу» ёки «аңдоза», «ёқали», «ёқасиз», «енгли», «енгсиз», «калта енг» сингари махсус сўзлар бор. «Жавҳар»у «араз», «ҳаюло»ю «суврат», «ҳолл»у «маҳалл»у «хулул» сўзлари мавжудот ҳақиқатини билишда қўлланадиган терминлар бўлиб, буларнинг маъносини билмасак, классик асарларнинг ғоясини ва эстетик принципларини яхши тушуна олмаймиз. Бу эса ўз навбатида нутқимизга салбий таъсир кўрсатади. Нутқ одобига риоя қилиш учун жавҳар тошдан жонни, фотосуратдан мавжудот сувратини, боланинг аразидан табиат аразини фарқлашимиз керак.

«Истиора» сўзи. Бу сўзнинг луғавий маъноси «ориятга олиш»дир. «Орият» аслида олди-бердига оид сўз бўлиб, ўзга кишининг нарсасидан бадалсиз, яъни текинга фойдаланишдир. Бадаллик бўлса, яъни фойдаланиш эвазига пул, меҳнат ёки бирор нарса берилса,

ижора ёки ижара ҳамда киро ёки кира бўлади. Орият ва ижорада ориятга ёки ижорага олинган нарсанинг фақат манфаати олинади, ундан вақтинча фойдаланилади, эгалик ҳуқуқи эса ўз эгасида қолади. Агар ўша нарсанинг ўзи ҳам олинса, яъни эгалик ҳуқуқи ҳам олувчига ўтса, бунинг бадаллигини «байъ», жумладан пул бадалига олинганини «сотиб олиш», бадалсизини «ҳиба» ёки «совға» дейилади.

Демак, орият ўзгага тегишли нарсадан бебадал фойдаланиб туриш экан.

Энди истиорага қайтайлик. Истиоранинг луғавий маъноси ориятга олиш дедик. Услубда ҳам сўзни, бир нарсани ориятга олиб ишлатишга ўхшатиб қўллаш бор. Масалан, «арслон» сўзи ҳаммамизга маълум йиртқич ҳайвонни англатиш учун яратилган. Арслон сўзининг ўша ҳайвонни англатиши унинг вазъий ёки ҳақиқий ёхуд аслий ва яна ўз маъноси дейилади. Бу замонавий лингвистикада «номинатив маъно» деб аталади. Рус тилшунослигида «номинатив маъно» терминдан бошқа яна иккита «прямое значение» ва «собственное значение» деган терминлар қўлланади. Баъзи ўзбек тилшунослари сўзнинг ўз маъносини «сўзнинг тўғри маъноси» деб атайдилар. Бу ўша «прямое значение»нинг нотўғри таржимасидан иборат. «Прямое дополнение»ни, яъни бевосита тўлдирувчини «тўғри тўлдирувчи» деб бўлмаганидек сўзнинг ҳақиқий маъносини ҳам «тўғри маъно» деб бўлмайди. Илмий лингвистик асарларда «номинатив» атамасини ишлатган маъқул. Оммабоп нутқда «ҳақиқий», «аслий» ва «ўз» сўзларининг ҳаммасидан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, арслон сўзининг ўз маъноси маълум ҳайвон, яъни шерни билдиришдир. Мана шу «арслон» ёки «шер» сўзини сўзловчи арслонга ўхшаган шижоатли ва мардона йигитга нисбатан ишлатса, бу истиора бўлади. Бунда сўзловчи арслонни билдириш учун яратилган сўзни йигитни ифодалаш учун ориятга олган-

дай бўлади. Бу бадий восита бўлиб, санъат ҳисобланади ва «истиора» деб аталади. Истиора ўхшашлик асосида вужудга келади. Шунинг учун истиорани ўхшатишнинг қисқарган шакли деб тушуниш мумкин. Агар мард йигитни «арслондай» ёки «шердай йигит» дейилса, ўхшатиш ёки ташбиҳ бўлади, агар «йигит» сўзини тушириб «арслон» ёки «шер» дейилса, истиора бўлади. Агар муғамбир кишини, «тулкисифат киши» дейилса ўхшатиш, агар «тулки» дейилса, бу истиорадир. Мазмун жиҳатдан истиорага яқин бўлган «метафора» деган тушунча ҳам бор. Лекин метафора бир жиҳатдан қисман ташбиҳни ва иккинчи жиҳатдан сўзнинг тил доирасидаги маъно кўчиришини ҳам ўз ичига олади. Истиора эса мазмун жиҳатдан метафорага нисбатан тор бўлиб, услубга хос атамандир. Шунинг учун рус шарқшунослари аниқ таъбир керак бўлганда «истиора»ни таржима қилмасдан ишлатдилар. Ўз навбатида метафора ҳам таржима қилинмасдан ўзича қўллана беради. Аммо метафорани билган кишига истиорани, истиорани билганга метафорани тушунтиришда буларни қиёслаб изоҳлаш мумкин.

Шеърда «май» сўзи ва унинг маънодошлари истиора тарзида илму маърифат ва ишқу муҳаббат маъноларида қўлланиши мумкин. Сўзни назарда тутмасдан шу сўз билдирган нарсанинг ўзини эътиборга олганда, яъни, масалан, «май» сўзини эмас, майнинг ўзини илму маърифат ва ҳоказоларнинг тимсоли деб тасаввур қилинганда, буни «ишора», «рамз» ёки «символ» деб атайдилар. Агар шу тасаввурга асосланиб яна сўзга қайтилса-ю, сўзнинг маъноси назарга олинса, буни рамзий ёки символик маъно дейилади. Агар рамз ёки символлар системаси эътиборга олинса, буни «ишорот», «румуз» ёки «сивмолика» дейдилар.

Энди шоир сўзларини, жумладан «май» сўзини ўз маъносида ёки истиора тарзида қўллаганини қандай

биламиз, деган савол туғилади. Бунинг жавоби шундай:

Биринчидан, шоирнинг қайси адабиётга мансублигини назарга олиш керак. Қабиҳ адабиёт вакилидан маърифат эмас, фисқу фужур ўрганиш мумкин. Классик шоир ва буюк олимдан эса ичкиликбозликнинг тарғиб қилишини кутиш мумкин эмас.

Иккинчидан, асарнинг мавзуи ва мазмунини ҳисобга олиш керак. Агар мавзу ичкилик ҳақида бўлса, «май» сўзи ва унинг маънодошлари асар мазмунида бўлади ва бунда шоирнинг ичкиликка бўлган муносабати баён қилинади. Агар мавзу илму маърифат бўлса, мазкур сўзлар асарнинг формасида бўлади ва бу ҳолда улар ўз маъносида қўлланмаган бўлади.

Учинчи белги шундан иборатки, мазкур сўзлар ичкилик даражасига сиғмайдиган мутлақ тушунчаларга нисбатан қўлланган бўлади ёки шундай тушунчалар таркибида берилади. Масалан, шоир майни мен ток вужудга келмасдан илгари ичганман ёки «қабрим ёнидан ўтган одам, май ҳидига маст бўлади» деса, гап ичкилик ҳақида эмаслиги маълум бўлади.

Энди мисолларга ўтайлик. Майпарастликда машҳур бўлганлиги учун Умар Хайёмдан бошлаймиз. Умар Хайём буюк олим бўлган. Шунинг учун унинг ўзига мансуб рубойларида «май» сўзи ва унинг маънодошлари илм ва унинг лаззатини ифодалаш учун истиора қилинади.

Илмий маълумотдан хабар топишнинг, айниқса бирор илмий ҳақиқатни кашф қилишнинг кишига улур лаззат бағишлашини энг қадимги олимлардан тортиб ҳозирги олимларгача таъкидлаганлар. Кашф қилинган ёки идрок этилган ҳақиқатнинг даражаси қанча улур бўлса, унинг лаззати ҳам шунчалик лазизроқ бўлади. Бу лаззатни татиб кўрган олим илмни ўзга мақсадлар учун, жумладан обрўю шуҳрат, мансаб қозониш воситасига айлантирмайди.

Илми воситага айлантирганлардан ҳақиқат йироқлашади ва уларнинг ўзи ҳам илмий янгиликдан кўра, эски бўлса ҳам, жамият ва унинг аъзолари, жумладан ўзларига зарарли бўлган майда гапларни, турли ғийбатларни афзал кўрадиган кишиларга, тўғрироғи нокишиларга айланадилар. Бундай олимларга нисбатан илмга қизиққан омиёлар яхшироқ бўлиб, булар илм хосиятидан мазкур илмфурушларга нисбатан кўпроқ баҳраманд бўладилар.

Энди Умар Хайёмга қулоқ солинг. Унинг бир рубоийси шундай:

Акнун ки гул-и саъодатат пур бораст
Даст-и ту зи Жом-и май чиро бекораст
Май хўр ки замона душмане ғаддораст
Дарёфтани рўз-и чунин душвораст.

Яъни ҳозир саодатнинг гули серҳосил пайтда нега қўлинг май жоми билан машғул эмас. Май ичиб қол: чунки замона ўта бевафо душмандир. Бугунгидай кунни топиш қийиндир.

Мана шу рубоийдаги «май» ва «жом» сўзлари истиора бўлгани учун буни қуйидагича тушуниш керак:

Ҳозир куч-қувватга тўлган саодат гулидан мўл ҳосил олишинг мумкин бўлган навқирон пайтингда ўзингни ўзинг ичкилик билан захарламасдан ва бошқа беҳуда ишлар билан машғул бўлмасдан, ирода қўлини ишга солиб, кўнгил жомини маърифат майи билан тўлдир, кишини бадбахт қиладиган ичкиликни эмас саодатга мушарраф этадиган маърифат майини ҳозир имкон борида ичиб қол. Чунки замона ҳозирги ёшлигинг куч-қувватинг ва имкониятингдан ва охири жонингдан ҳам сени жудо қиладиган ғаддор душмандир. У сени қаритиб, турли дардларга мубтало қилганда бундай кунларни тополмайсан ва бу дунёдан ўкинчу надоматлар билан ўтасан.

Ҳофиз Шерозий:

Алоё аййуха-с-соқий, адир каъсан ва новилҳо
Ки ишқ аввал намуд осон, вале ўфтод мушқилҳо

яъни: «Қани, эй соқий, бир косани айлантриб уни менга ҳам етказ, чунки ишқ аввал осон кўриниб, кейин қийинчиликлар юз берди»,— дейди.

Бу байтдаги соқийдан мурод маърифат тарқатувчи кишидир. Косадан мақсад маърифатдир, ишқ эса маърифат ишқидир. Бинобарин бу байтнинг ҳақиқий мазмуни шундай бўлади:

Эй, маърифат ошиқларининг устози, маърифат идроки менга аввал осондек кўринган эди, аммо бунинг кўпгина қийинчиликлари чиқиб, менинг унга бўлган ишқимни сусайтира бошлади. Шунинг учун сен давранга йиғилган шогирдларингни, жумладан мени маърифат сирларидан бир озгина огоҳ қилиб, совиятган кўнглимизни қиздир!

Абдураҳмон Жомий:

Жаҳд-и мул кунки, боз аҳд-и гуласт,
Аҳд-и гулро қарина жаҳди муласт,

яъни: гул аҳди, гул фасли келди, мул жаҳдини, яъни май ҳаракатини қил. «Гул аҳди» ибораси билан «мул аҳди» ибораси вазн, қофия ва шаклдошлик жиҳатдан бир-бирига мос бўлгани учун бир санъатли сажънинг икки бўлагидан иборатдир. Буларнинг бири иккинчисининг ҳам бўлишини тақозо қилади.

Бу байтда ҳам мул, яъни май маърифат, гул аҳди, яъни гул вақти эса умр баҳори ва маърифат касби учун иштиёқ бор ёки қулай пайтдир. Шунга кўра байтнинг ҳақиқий мазмуни мана бундай:

Табиатинг баҳори гуллаб маърифат майдан лаззат олиш учун қулай шароит туғилди. Шунга ҳозирлик кўр, вақтни қўлдан берма. Шундай қилиш керак-

лигини «гул аҳди» билан «мул жаҳди» иборалари орасидаги шаклий уйғунлик ҳам талаб қилиб турипти.

Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур
Ҳар кимки, бу кун дунёда ҳушёр топилса

дейди. Бу байтдаги гул давридан мурод яна ўша умр баҳори, яъни кишининг илм ўрганиб, ҳунар эгаллайдиган ёшлик даври ва бода, яъни майдан мақсад маърифатдир. Бинобарин бу байтни баҳорни ичкиликбозлик қилиб кўнглини айнитиб, бошингни оғритиб ўтказ деб эмас, балки қуйидагича тушуниш керак:

Умрдан яхши ҳосил олиш учун унинг гул давридагидек гуллайдиган ҳосилга замин тайёрловчи ёшлик даврида ичкилик эмас, маърифат бодасини ич, кимки бу дунёда ичкилик туфайли эс-ҳушини йўқотмаган бўлса-ю, ҳунар ўрганиб илм олиб ҳақиқат сирларини билишга интилиб, камолот ҳосил этишга ҳаракат қилмаса, уни ақлли киши деб ҳисоблаб бўлмайди.

Гадонийнинг бир ғазали:

Васл-и нигору фасл-и баҳору шароб-и ноб
Ҳар кимга даст берса, зиҳе бахт-и комёб,

деган матла билан бошланади. Бундаги «васл-и нигор»дан мурод мақсадга эришиш, «фасл-и баҳор»дан мақсад ҳаёт баҳоридир, «шароб-и ноб» эса соф маънавий муҳаббатдир. Шоир мана шу нарса кишига муяссар бўлса, бу кам топиладиган улуг бир бахт, дейди.

«Май»у «майхона» ва «соқий»у «паймона» каби сўзларнинг классик адабиётда истиора сифатида қўлланишини билмаганлар, масалан, Навонийнинг:

Зоҳид сенга ҳуру менга жонона керак
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак,
Майхона аро соқию паймона керак
Паймона неча бўлса тўла яна керак

деган рубойисини ўқиганда Навоий ичкилик тарафдори экан, деган хулосага келиши мумкин. Кўпгина ёшларимиз Шарқ адабиёти классикларининг шеърларини ўқиганда май, шароб каби сўзларнинг истиора сифатида қўлланишини ҳисобга олмаслик натижасида ичкилик ва классик шоирларимизнинг ичкиликка бўлган муносабати ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўладилар. Каминанинг ўзи ҳам бу ҳақда бирламчи манбаларни мутаола қилгунга қадар Умар Хайёмни майпарастларнинг пири деб ўйлаганман. Абдураҳмон Жомийнинг «Эй бодапарастан дар-и майхона кужаст», яъни «Эй майпарастлар, майхонанинг эшиги қаерда», Навоийнинг «Қофирмен агар қилмасам ошом қадаҳ» каби шеърларини ўқиганимда булар ичкиликдан парҳез қилмаган экан, деган фикрда бўлганман.

Ваҳолонки, у азизлар жамиятни амалпарастлик, нафспарастлик, хурофот, уруғчилик ва диний таасуб натижасида келиб чиқадиган иллатлардан даволашга ҳаракат қилган ҳақпарастлар экан.

Жамиятни соғломлаштириш фикрида бўлган улур боболаримиз ичкилик, гиёбандликнинг ҳамма турларига қарши бўлганлар. Навоий ўзининг «Мажолис-ун-нафойис» асарида бир шоирнинг яхши шеърларининг намунаси сифатида:

**Арра-йи барг-и каноп, эй бангиён з-он тез шуд
То бурад бех-и ниҳол-и ақлу иймони шумо**

деган байтни келтиради. Бу байтнинг мазмуни шундай:

Эй бангийлар, яъни наша чекувчилар, сизнинг ақл ва келажакка, амалингиз оқибатига бўлган ишончингиз кўчатининг томирини қирқиш учун наша бутасининг барги ўткир арра бўлди.

Бу услуб нуқта-йи назаридан шоирона ҳусн-и таълилдир. Лекин бу ҳусн-и таълил фақат шеър нуқтайи

назаридан эмас, илмий нуқтайи назаридан ҳам тўғри-дир. Чунки наша мутахассисларнинг фикрига кўра кишининг миясини ишдан чиқариб, унинг ақлий фаолиятини ғоят даражада сусайтиради. Энг ёмон томони шу ердаки, ичкилик ва гиёлар наслга ҳам таъсир қилади. Гуноҳсиз маъсумларнинг касалманд бўлиб туғилишига сабабчи бўлиш жиноят эмасми?!

Етук санъаткорларнинг, жумладан классик шоирларнинг асарини ўқиганда унинг икки жиҳатини — маъно ва сувратини, яъни мазмун ва шаклини ҳисобга олиш ва маънонинг бирламчилигини эсдан чиқармаслик керак. Навоий «маъно аҳли маънога, суврат аҳли сувратга боқар» дейди. Бинобарин асарни тўғри тушуниш учун унинг маъносига етиб бориш керак. «Май» сўзи ва унинг маънодошлари асарнинг маъносида келганда ичкиликни билдиради. Лекин сувратда келганда ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради. Бу ҳолда май сўзи истиора тарзида қўлланади, яъни «май» сўзи мазмунан «ҳақиқат майи», «ишқ майи» ва «васл майи» деган ибораларга тенг бўлади. «Ҳақиқат майи» дейилса ташбиҳ, яъни ўхшатиш бўлади. Иборани қисқартириб «май» дейилса, истиора вужудга келади. Демак истиора ўхшатиш натижаси экан. Бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатиш учун асос керак. Уларнинг ўхшаш жиҳати бўлса, шу ўхшатишга асос бўлади. Ўхшатишга асос бўлган ўхшаш жиҳат ёки жиҳатларни услубшунослар «важҳи ташбиҳ» ёки «ташбиҳ важҳи» деб атайдилар. Меҳру муҳаббат билан май ўртасида қандай ўхшашлик бор, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга Абдураҳмон Жомий ўзининг «Лавомий» деган асарида жавоб бериб, май билан муҳаббат орасидаги ўхшашликлардан ўнтасини баён қилган.

Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан-ўзи қайнаб ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги

яширин ишқ ҳам ташқи бир сабабсиз ғалаён қилиб, зуҳур этишга интилади.

Иккинчиси, май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга қуйилса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳури муҳаббат аҳлининг қобиляти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгул идишига боғлиқдир.

Учинчи ўхшашлик шундан иборатки, майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялпи жараёндан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек ишқ ҳам ошиқнинг қону жонига кириб, унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май ўзининг ичкучисини, ишқ севгучини марду сахий қилиб қўяди. Аммо май масти пулни аямаса, ишқ масти жону жаҳонини, бору йўғини бахшида қилади.

Бешинчи ўхшашлик, май ҳам, ишқ ҳам кишини қўрқмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишқ шижоати ҳақиқат нурининг ғолиблигидандир. Биринчиси шахсни фалокату ҳалокатга олиб боради, иккинчиси абадий ҳаёту саодатга бошқаради.

Олтинчиси, май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру ҳавони учиради ва ниёзу тавозуга туширади. Бироқ ичкиликнинг оқибати хорлигу разолатдир, пок ишқ натижаси иззату шарофатдир.

Еттинчиси, май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқату маърифат сирларини ишқ юзага чиқарган.

Саққизинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуд қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва ғафлатнинг энг тубан даражасидир, ишқ беҳушлиги эса сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир.

Тўққизинчиси, майпараст майни ичган сари яна кўп-

роқ ичкиси келади, ишқпараст ҳам ишқ дардига муб-
тало бўлган сари яна ортиқроқ берила боради. Лекин
ичкучи борган сари одамийлик қиёфасини йўқота бора-
ди, севгучиннинг эса инсоний фазилатлари орта боради.

Унингиси, май ҳам, ишқ ҳам номусу ҳаё пардасини
кўтаради. Бироқ ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб,
халққа озор беришдан уялмайди, севган эса ўзгалар
учун ўзини хору зор қилишдан ор қилмайди.

Демак, ишқнинг май билан ўхшаш жиҳатлари кўп,
лекин оқибат жиҳатидан улар бир-бирига тамоман зид
экан.

Натижа эътибори билан май заҳр ва ишқ нўш
экан, нима учун ишқни май билан таъбир қилинади,
деган савол туғилиши ҳам табиийдир. Бунинг жавоби
шундай:

Тажрибасиз ёшларнинг тасавурида ичкилик бор
неъматларнинг энг олийси ва мастлик лаззатларнинг
лаззатидир. Агар ичмай ҳавас қилувчиларни ҳам ҳи-
собга олсак, бундай хато тасаввурга эга бўлганлар
дунёда кўп. Бинобарин ишқни «май» деб аталганда,
биринчидан, мавзуга кўпчиликнинг диққати тортилган
бўлади, иккинчидан май билан ишқ орасидаги ташқи
ўхшашлик билан ички зиддият лаззатталабларга рав-
шан бўлиб, мутлақ лаззат ҳақиқат муҳаббатиде ва уни
идрок этишда эканлиги аён бўлади.

Шу йўсинда шоир ҳамма излаган, излаётган ва из-
лайдиган бахту саодат ва ҳаззу роҳат ичкиликда эмас,
ишқда, яъни ҳақиқату маърифатнинг кучли жозибаси-
да эканлигини ошкор қилиб, ҳақпарастни ҳам, майпа-
растни ҳам ўз тарбияси остига олади.

Шундай қилиб, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Аб-
дурахмон Жомий, Лутфий, Навоий ва Фузулийларнинг
майпарастлиги инсонпарварлигу ноҳақликдан мубарро
ҳақпарастликдан, илму фан севгисию маърифат ишқи-
дан иборат.

Бинобарин Навоий «Зоҳид, сенга ҳуру менга жоно-

на керак» деб бошланадиган рубойида «майхона» деганда ичкиликхонани эмас, ҳақиқат ошиқларининг васлгоҳини назарда тутган.

Май ва майхонанинг рамзий маънолари аён бўлди. Навоийнинг «менга майхона керак» деганда унинг қовоқхона ёки винохона, умуман ичкилик бор жойни назарда тутмагани маълум бўлди. Навоий ўз салафлари сингари «майхона» деб маърифат ҳосил бўладиган ерни тушунар ва уни жаннатдан афзал кўрар экан. Мазкур рубойда «жонона» деган сўз ҳам бор бўлиб, у «хур» сўзига қарама-қарши қўйилган. Энди шуни ҳам изоҳлаб берсак, рубойининг шарҳи мукамал бўлади ва бошқа саволга ўрин қолмайди.

«Хур» сўзи «ҳавро» сўзининг кўплиги бўлиб, сочи, қоши, киприги қоп-қора, кўзи ҳам тимқора ва катта бўлган оппоқ қиз «ҳавро» деб аталади. Диний эътиқодга кўра жаннат қизлари «ҳавро» кўринишидадир. Бинобарин «хур» сўзи жаннат қизлари деган маънода ҳам қўлланади.

Зоҳид охират, жумладан жаннату ҳур талабида ёки шу баҳонада хотин ва фарзандларидан кечган киши. Навоий зоҳид ўзининг ғайриинсоний қилмиши ва фарзли амали билан ўзини ўзгалардан устун ҳисоблагани учун уни танқид қилган.

«Жонона» сўзидаги охирги «а» «замона» сўзидаги каби аниқликни билдиради. Агар аниқлигини назарга олмасак, «жонон» билан «жонона» сўзлари маъно жиҳатидан тенгдир. «Жонон» сўзидаги «-он» эса нисбат билдиради. Демак, «жонон» жонга тегишли дегани, «жонона» жонга тегишли муайян вужуд ёки шахс дегани. Мана шу маънога асосан «жонона» сўзи маъшуқ маъносида ҳам қўлланади. «Жонон» сўзи ҳам отлашган ҳолда «жонона» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Аслида эса «жонон» билан «жонона» ўртасида номуайянилик ва муайянилик ёки умумийлик ва хосликда фарқ бор.

Фалсафий шеърда «жонона» ёки «жонон» деганда борлиқнинг кoinот ва ундаги мавжудотнинг узлуксиз ҳаракатини таъмицлаб бор қилиб туриш сифати тушунилади. Буни вужуднинг қайюмият сифати дейилади. Қайюмиятнинг бир кўриниши физикада «сақланиш қонуни» деб аталади. «Жонона» ва «жонон» сўзларининг бу маъноси мазкур сифатни жонга ўхшатиб, уни борлиқнинг жони деб тасаввур қилиш ёки тушунтириш натижасида вужудга келади.

* * *

Навоийнинг «бемор» сўзи истиора тарзида ишлатилган қуйидаги байти бор:

Сунбул-и зулфи агар ошуфтадур айб этмаким,
Гул юзида ётқан икки нозанин бемори бор.

Бу байтдаги «бемор» сўзининг маъносини тушунтирилмаса, «кишининг юзида ҳам бемор ётадимми?» деган савол ёки байтнинг тўғрилигига шубҳа туғилиши табиийдир. Бинобарин, мазкур саволга жавоб бериб, шубҳани бартараф этамиз ва бу шоҳбайтнинг мазмунидан баҳра оламиз.

Юқоридаги байтда зулф, яъни манглай ва чакка атрофидаги соч сунбулга ўхшатишган. Соч сунбулга икки жиҳатдан ўхшатилади. Шакл ва хушбўйлик жиҳатларидан. Чунки сунбул шаклан сочга ўхшайди, хушбўй ҳиди ҳам бор. Мана шу сунбулсифат зулф ошуфта, яъни паришон дейилган ва бундай дейишга унинг тўзғиб турган ҳолати асос бўлган. Паришонликни кишининг руҳий ҳолатига қиёсланганда, у ташвиш натижаси бўлиши мумкин. Шунга биноан паришон зулф бошига ташвиш тушиб паришонҳол бўлган кишига ўхшайди.

Шахснинг ташвишига яқин кишининг беморлиги сабаб бўлиши мумкин. Энди, зулфнинг бемори ким?

Унинг бир эмас иккита бемори бор. Бунинг устига улар нозанин, яъни нозик ва эрка бўлиб, гул юз устидадирлар. Уларнинг вазияти ҳам «ётмоқ» феъли билан ифодаланиб «беморлик» аломати ҳам қайд қилинган. Бемордан мурод эса кўз бўлиб, ўта сузук кўзга истиора тарзида классик адабиётда «бемор» сўзи ишлатилади. Сузук кўз «усрук», «уло», «мастона», «хумор», «махмур» каби сўзлар билан сифатланади. Агар кўз ўта сузук бўлса ёки шоир муболаға қилса, «бемор» сўзи истиора этилади.

Энди «айб этма» иборасига диққат қилинг. Бу ердаги «айб этма» ибораси сабаб муносабатини ифодалаш учун ишлатилган, чунки иккинчи мисрада таълил бор, яъни паршонликнинг сабаби айтилган ва бу таълил Навоий таъбирида ҳусн-и таълил бўлиб чиққан. Агар нотик бирор воқеага гўзал қилиб шоирона сабаб кўрсатса, бу санъатга «ҳусн-и таълил» дейилади. «Таълил»нинг луғавий маъноси, иллатини айтиш, яъни сабаб келтиришдир. «Иллат» сўзининг сабаб маъноси ҳам бор. Мазкур байтдаги ҳусн-и таълил шундан иборатки, нуктапардоз шоиримиз зулфнинг ошуфталигига кўзнинг сузуклигини сабаб қилиб кўрсатган ва уни маҳорат билан шоирона ишотлаган. Бунга «бемор» сўзининг ҳақиқий ва мустаор маъноларидан фойдаланиб эришган.

Энди нима учун шоир «сабаб» муносабатини аниқ ифодаловчи, «не учунким», «негаким», «зеро», «ул сабабданким», «сабаб бу ким» сингари сўз ва иборалардан фойдаланмаган деган савол туғилиши табиий ва бунга юзаки қаралса, «айб этма» иборасининг сабаб билдирувчи сўзлар ўрнида ишлатилиши айб, яъни нуқсон бўлиб кўрилиши ҳам мумкин.

Бироқ чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бунда ҳам айб эмас, санъат бор. Чунки «айб этма» иборасининг бу ўрнида қўлланишининг мазкур ва бошқа сабаб муносабатини ифодаловчи сўзлардан бирини истеъмол эти-

лишига нисбатан ҳам мазмунан, ҳам шаклан афзаллиги бор. Мазмуний афзаллиги шундаки, шоир айбжўй ағёрга, яъни шоирнинг манзуридан айб изловчи ёт кишиларга танбиҳ берган.

Гап шундаки, кишидан айб топишга одатланган ёки ўзгаларнинг айбини кўрганда ё эшитганда хурсанд бўладиган ичи қора кимсалар қасддан, ёхуд эшитганини кўрганига татбиқ қилолмайдиган, юзаки мулоҳаза қиладиган, ақли кўзида бўлган тақлидчилар жаҳлан ҳақиқий гўзалликни юзаки, сохта далиллар билан инкор қиладилар.

Нодонлиги туфайли билмасдан ҳақиқий гўзалликни инкор қилғучини маъзур тутиб, қасддан, яъни била туриб атайин ҳасад ёки такаббур юзасидан ҳусни инкор эткучини олсак, у ўз даъвосини мантиқан шундай исботлайди:

Тартиблилик, саранжомлик, текислик ҳусн, гўзаллик шартларидан бири, тартибсизлик, бесаранжомлик, нотекислик, қубҳ, хунуклик аломатларидан бири, қисқача қилиб айтганда жамълик, яъни йнғиқлик ҳусн, паришонлик яъни тарқоқлик қубҳ. Биз жамълик ва паришонликка мутлақ ҳодиса сифатида қараганимизда мана шу ҳукм тўғри бўлади. Аммо бу ҳукмни муайян ҳодисаларга нисбатан истисносиз равишда қўллаб бўлмайди. Шундай ҳодисалар борки, унда мазкур ҳукмнинг акси ҳукм суриши мумкин. Буни равшанлаштириш учун соддароқ мисол келтирамиз. Агар мутлақ ҳодиса сифатида ҳукм чиқарадиган бўлсак, «илон заҳри кишини ўлдиради» деймиз, аммо муайян шароитни ҳисобга олсак, «илон заҳри кишининг соғлиғини тиклайди» дейишимиз мумкин. Мутлақ ҳодиса сифатида ҳукм чиқарганда «қанд кишига озук ва дори» деймиз, лекин у қанд касалига мубтало бўлган кишини заҳарлайди ва олдини олинмаса, ҳалок қилиши мумкин. Сув мутлақ ҳаёт манбаи, аммо айрим шароитда у ўлим, ҳалокату вайронлик манбаи. Яна бир мисол, йнгламоқ

умуман олганда ноҳушлик аломати, кулмак шодлик аломати, аммо киши шодлик натижасида йиғлаши, ғазаб натижасида кулиб қўйиши мумкин.

Худди шунингдек паришонлик айрим ҳолларда ғўзаллик аломати бўла олиши мумкин. Аммо бояги ичи қора ғайр ўз рақибига устун келиш ниятида мутлақ ҳодисага оид ҳукми унинг акси жониз бўлган ҳолда ҳам далил қилиб келтиради. Шунини ҳам айтиш керакки, ундай киши ўзининг дўстини душман, ҳамқору ҳамкасбини эса рақиб деб тасаввур қилади ва унга қилинган яхшиликни ҳам ёмонликдай қабул қилиб, руҳий азоб чекади. Бунинг сабаби унинг ўзининг ниятининг бузуқлигидир. Ўзи ўзгаларга фақат ёмонликни раво кўриб, бутун амалини шахсий манфаатига қаратгани учун ўзгаларни ҳам ўзидай билади ва холис яхшилик қилиш мумкинлигини қоракўнглию тор миясига сиғдира олмайди. Эзулик нурини унинг зулмат босган юраги идрок этолмайди. Мана шунинг учун Навоий ағёрга хитобан:

«Сунбул-и зулфи агар ошуфтадур айб этма» дейди.

Ғайр Навоийнинг манзурини камситиш учун унинг сочи тўзғиган, ошуфта, бу эса ҳусн эмас, қубҳ аломати дейиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу ошуфталикнинг шундай сабаби борки, у бу паришонликни ҳуснга айлантиради, дейди. Бу ошуфталик бемор ташвишининг натижаси бўлгани учун ҳусн ҳисобланади. Буни суврат аҳли англамаслиги мумкин. Аммо маъно аҳли сохта, ташқи ҳусн эмас, ҳақиқий ҳусн тарафдори бўлгани учун ҳуснга асосий мезон қилиб, унинг ташқи кўринишини эмас, ички оламини ва амалини олади. Албатта, уйда ёки хизмат жойида кечиктириб бўлмайдиган ишлари бўла туриб ёки касал кишига бўлсаю унга қараш, дори-дармон қилиш ўрнига шошилмасдан соатлаб сочини тараб ўзига пардоз берадиган кишидан соч тараб эсига келмасдан фидокорлик билан ўз вазифасини адо этадиган киши афзалроқдир.

Яхши ният ва ғайрат билан иш қилаётган кимсанинг тўзғиған сочи ишەқмас дангасанинг силлиқ сочига нисбатан ҳусни тўғри тушунадиган кишига чиройлироқ бўлиб кўринади.

«Айб этма» иборасининг бошқа сўз ва ибораларга нисбатан мазкур байтдаги мазмуний афзаллиги мана шунда. Шаклий афзаллиги эса «айб» сўзининг «ошуфта», «ётқан» ва «бемор» сўзларига уйғунлигидадир. Байтдаги қолган сўзлар ҳам бир-бирига уйғун: сунбул, гул, нозанин. Ҳар бир сўз ўз ўрнида мустаҳкам ҳолатда. Салбий тушунчалар «ошуфта»ни «сунбул»га боғлаш йўли ижобийлаштирилган. Чунки ошуфталик сунбулга хос бўлса ҳам, сунбул гўзал ўсимликдир. Бу ўз навбатида Навоий манзурининг сочдаги паришонликнинг унга ҳусн бўлиб тушганини яна бир бор исбот қилади. Байтда зулф сунбулга ўхшатилагани учун юз ой ёки яна бошқа нарсаларга ўхшатилмасдан гулга, яъни атиргулга ташбиҳ қилинган.

«Одамий» сўзи. Бу сўз «Одам» исмидан ясалгандир. «Одам» биринчи инсоннинг оти бўлиб, «-ий» нисбат қўшимчаси. Шунинг учун «одамий» сўзининг маъноси одам боласига тўғри келади ва бунда инсондаги азалий эзгу хусусиятлар эътиборга олинади. «Одамий»нинг мазмунини Навоий жуда гўзал шаклда ифодалаган:

Одамий эрсанг, демагил одамий
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу байтда «Инсон халққа хизмат қилиши керак» деган фикр айтилиб, халқпарварлик ғояси тарғиб қилинган. Агар Навоий бу фикрни юқоридаги шаклда ифодаламаганда эди, уни ҳеч ким ёдламас ва бу ибора кишиларни халққа хизмат қилишга ундаш вазифасини асрлар давомида бажара олмас эди.

Биринчидан, бу байтда тил қондаларига риоя қилинган, шеъринг воситаларнинг ҳеч бири унга салбий таъ-

сир кўрсатмаган. Натижада фикр ўзининг гўзал бадий ифодасини топган.

Иккинчидан, ватанпарварлик ва шахсиятпарастлик каби қарама-қарши хусусиятга эга бўлган икки турдаги киши бир сўз, яъни «одамий» сўзи билан ифодаланган ва зиддият бошқа сўз, яъни «демагил» феъли билан ифодаланган. Натижада ҳар икки турдаги кишининг ташқи кўринишда бир хил эканлиги, лекин моҳият нуқтаи назаридан, яъни феълига кўра бутунлай бир-бирига қарама-қарши вужуд эканлиги шаклан исботланган.

Учинчидан, шоир мисрани «одамий» сўзи билан бошлаб, шу сўз билан тугатган. Бу билан у одамийлик масаласининг кенглигини ҳар бир ҳаракатнинг бошланишида ва охирида, яъни натижасида одамийлик бўлиши кераклигини таъкидлаган. Бу ерда сўзнинг ўрни шу сўз билан ифодаланган хислатнинг мартабаси улуғлигини кўрсатиб турибди.

Тўртинчидан, Навоий эҳтиёж ва уни қондиришга қаратилган фаолиятини бир сўзнинг икки формаси, «ғам» сўзининг «ғамидин» ва «ғами» формалари билан ифодалаб, бу икки нарса умумий бир ижтимоий ҳодисанинг икки жиҳатидан иборатлигини равшанлаштирган.

Бешинчидан, бу сўзларнинг ёнма-ён берилиши шахс фаолияти халқ манфаатидан узоқ бўлмаслиги лозим, уларни бир-биридан ажратадиган ҳеч нарса бўлиши керак эмас, деган мазмунни англатувчи шаклий восита бўлиб, улар орасидаги боғлиқлик шахсий манфаат билан ижтимоий манфаат бир-бирини тақозо қилишини кўрсатувчи далилдир.

Олтинчидан, санъаткор ҳам халққа, ҳам шахсга нисбатан ғам сўзини қўллаб, «ғами» йўқ кишининг одамий эмаслигини шаклан тасдиқлаган: халқ одамийлар йиғиндисидан иборат. Демак халқда бор «ғам»нинг бир улуши унга аъзо бўлган якка шахсда ҳам

бўлиши керак. Агар унда бу нарса бўлмаса, унинг аъзолик даъвосини қилишга ҳақи ҳам йўқ. Одамий эса жамиятсиз яшай олмагани учун ундай шахсни «одамий» деб ҳисоблаш ҳам керак эмас.

Еттинчидан, қофия хушоҳанг, байтнинг маъно ва бошқа шаклий воситаларига салбий таъсир қилмаган, аксинча ижобий таъсир кўрсатган. Бунда «одамий»нинг қофияга тушиши унинг муҳимлигини ва «ғами» сўзининг унга қофияланиши ғамнинг одамийга алоқадор хусусият эканлиги шаклда тасдиқлаган.

Саккизинчидан, вазн равон чиққан ва вазн туфайли на тил қондаси бузилган, на маъно зарар кўрган ва на бошқа бадий воситаларга ҳалал етган.

Тўққизинчидан, сўзларни такрорлаш, ортиқча сўз ва гап бўлақларини тушириб қолдириш ҳисобига мўъжизликка эришилган, оз сўз билан кўп маъно ифодаланган.

Унинчидан, халқни ўйламайдиган кишига бўлган салбий муносабат кўпол сўзлар билан ифодаланмаган. «Одамий демагил» дегани фикр нуқтаи назаридан «ҳайвон» дегани билан баробар. Лекин биринчиси одоб доирасидаги фикр ифодаси, иккинчиси одобдан ташқаридир. Фикрни беадаб шаклда ифодалаганда у қанчалик тўғри бўлмасин, ўқувчи ёки эшитувчига салбий таъсир кўрсатади.

«Шоир» сўзи. «Шоир» сўзининг луғавий маъноси туйғучи бўлиб, урфий маъноси шеърчидир. «Шеър»нинг луғавий маъноси «туйғу» бўлиб, урфда асосан ҳиссиёт ва қисман тафаккур, қисқача қилиб айтганда завқ натижасида вужудга келган бадий сўзламни билдиради. Аммо шоир сўзи ўзининг билдириши нуқтаи назаридан теран мазмунга эга бўлиб, махсус фазилатга эга бўлган кишини билдиради. Бундай киши биринчи навбатда инсон даражасига эришишга ҳаракат қилиши шарт. Бу фақат шоирга эмас, ҳамма учун керак. Лекин бу бўлмаса, шоирликнинг пойдевори, содда қилиб айтганда таги бўш бўлади. Пойдевори бўш имо-

рат тез смирилганидек, инсоний асоси сушт бўлган шоирнинг шеърин ҳам, ўзи ҳам тез шикаст ейди.

Ҳозир китобхонларимизда «биз инсон боласи бўлсак, инсон даражасида эмасмизми, яна кўтарилишимиз керак бўлган қандай инсоний даража бор», деган савол туғилади. Бу саволнинг жавоби шундай:

Коинотдаги мавжудотга уларнинг ташқи ҳаракати — ҳаракатсизлиги нуқтаи назаридан қарасак, тош, тупроқ, олтин, олмос каби жисмларда на ўсиш, на ҳис ва на ақл бор. Чунки мазкур жисмларни экиб ўстириб бўлмайди. Улардаги катта бўлиш жараёни ўсиш ҳисобига эмас, қўшилиш ҳисобига бўлади. Ўсиш ўсувчи жисмнинг, яъни ўсимликнинг ўзга моддаларни ўзлаштириб, ўз моддасига айлантиришидан иборат. Масалан, олмани олсак: олма дарахти ҳам, унинг гули ҳам, меваси ҳам тупроқда мавжуд бўлган, лекин на дарахт, на гул ва на олма меваси шаклида бўлмаган моддаларни қуёш нури таъсирида ўзлаштириб, қайта ишлаши натижасида пайдо бўладиган жисmdir.

Агар ўсимликни олсак, унда ўсиш бор, лекин сезги ва ихтиёрий ҳаракат ҳамда ақл йўқ. Масалан, дарахтни кессангиз у оғриқ сезмайди ва ўзича бир ердан иккинчи ерга бормади.

Агар ҳайвонни олсак, унда сезги ва ихтиёрий ҳаракат бор, лекин ақл йўқ.

Инсонда эса ҳам сезги ва ихтиёрий ҳаракат, ҳам ақл мавжуд.

Шундай қилиб инсонда бошқа жонсиз, ўсувчи ва жонли мавжудотга хос ҳамма хусусиятлар бор ва шу билан бирга уларнинг ҳаммасида йўқ бўлган ақл ва яна нутқ ҳам бор.

Мана шунга биноан ҳар бир кишининг икки жиҳати бор. Бирининг ҳайвон билан муштарак томони, иккинчиси инсоний жиҳати. Киши онадан етук инсон бўлиб туғилмайди, лекин етуклик истеъдоди ҳаммада бўлади.

Чақалоқда ақл ишга тушмагани учун унда кишининг

инсоний жиҳати жуда кучсиз бўлади, эси киргандан кейин унийг инсоний томони дастлаб тақлид йўли билан, кейинчалик йбрат олиб, онгли равишда ўрганиш ва ўз ақлини ишлатиш йўли билан ривожланади.

Мана шунинг учун саодатга эришаман деган ҳар бир бола ўзининг инсоний жиҳатини ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун нима қилиш керак?

Бунинг учун киши ёмон хислатларни яхшилари билан алмаштириши лозим. Биринчи навбатда ичқораликни йўқотиб, оққўнгил бўлиши, яъни ёвуз ният ва ёмон фикрларни эсга ҳам келтирмайдиган бўлиб, фақат эзгу ният ва яхши амал билан ўзини машғул қилишни зарур.

Иккинчидан, кўролмасликни кўнгилдан бутунлай чиқариб, унинг ўрнига хайрхоҳликни мустаҳкам қилиб ўрнатиши керак. Ўзгаларнинг муваффақиятига сидқидилдан хурсанд бўлиши лозим.

Учинчидан, очкўзликдан тамоман қутулиб, кўзи тўқликни одат қилиши шарт. Табиат ва жамият неъматларидан фойдаланганда ўзгаларни, ҳатто келгуси авлодларни ҳам ҳисобга олиши керак.

Тўртинчидан, ўзини ёки наслу насабини ўзгалардан устун деб бйлмаслиги лозим. Чунки ҳар қандай киши тугилишидан тортиб то дафн қилингунга қадар ўзгаларга муҳтож, унинг ҳаёти ўнлаб эмас, миллионлаб кишига боғлиқ.

Бешинчидан, сурбетлик, уятсизликни ҳаё билан алмаштириши шарт. Ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларга шафқат қилиши керак.

Олтинчидан, бутун аъзосини пок тутиши, жумладан кўзи пок, қулоғи пок, луқмаси пок, сўзи пок бўлиши шарт. Кўз поклиги қараш керак бўлмаган нарсаларга қарамаслик, қулоқ поклиги эшитиш керак бўлмаган гапларни, жумладан ғийбатни эшитмаслик, луқма поклиги ўзгаларнинг тегиши бўлган, манъ қилинган ва

зарарли бўлган нарсалари еб-ичмаслик, сўз поклиги беадаб сўзларни тилга олмасликдир.

Еттинчидан, дангасалик, танбаллик ва эринчоқликни вужудидан қочириб, ўзини меҳнатсеварликка ўргатиши ва меҳнатдан роҳат оладиган даражага етиши лозим. «Эринчоқлик бошга бало келтирар» деган мақолнинг мазмунини англамаган, меҳнатнинг жисмоний ва руҳий саломатлик ҳамда моддий фаровонлик учун энг зарур нарса эканлигини билмаган ёшлар меҳнатдан қочиб, ўзларига ўзлари жабр қиладилар.

Саккизинчидан, бесабрлик, тўзимсизликдан қутулиб, ўзни сабр қилишга ва бардошли бўлишга ўргатиш шарт. Халқимиз сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар, сабрсизлар ўз оёғидан йитар, дейди.

Тўққизинчидан, ортиқча талаблар ўрнини қаноат билан тўлдириш лозим. Қаноатли киши азиз бўлади, деган башоратли сўз бор.

Унинчидан, иложи борича кўпроқ ҳунар ўрганиб, илм олиш керак. «Ҳунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишининг», «Ҳунар — ҳунардан унар», «Олим бўлсанг олам сеники» деган мақоллар бекорга вужудга келган эмас. Келажакда ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма учун зарур бўлган инсоний хислатларнинг асосийлари шулардан иборат. Бу хислатларга эга бўлган киши саодат эгаси бўлади.

Улуғ мутафаккирларимиз ва классик шоирларимизнинг, хусусан Навоийнинг фикрича ҳар бир кишининг саодати унинг амалига боғлиқ. Ҳаётини эзгу амалларга бағишласа, бахтиёр бўлади, чунки ўзини эзгуликка бағишлаган зотга ёвузлик юзланмайди, агар ёвуз ишлар билан машғул бўлса, бадбахт бўлади, чунки ёвузлик бор ерда эзгулик бўлмайди. Инсонни вужудга келтирган борлиқ шуни тақозо қилади.

Борлиқ одам жинсини ҳамма нарсадан ҳам комил, гўзал ва покиза қилиб, фикрлаш, сўзлаш ва яратиш қобилиятига эга қилиб яратган экан, киши ўз вужуди-

даги ҳайвонга хос камчиликлардан қутула бориши, ҳақиқат сирларини англашга ҳаракат қилиши, эзгу амаллар қилиб ўз саодатини таъминлаши ва жаҳон гўзалликларидан баҳраманд бўлиши керак. Инсон мавжудотнинг энг етуги бўлганлиги учун киши дастлаб инсонпарвар бўлиши зарур.

Инсон бошқа мавжудотдан ақл, кўнгил ва тилга эгаллиги билан афзал. Ейиш, ичиш, уйқу ва бошқа нафсоний талаблар унинг бошқа мавжудотлар билан муштарақ томони. Демак, инсоннинг инсонлиги унинг руҳий оламида намоён бўлади. Шундан маълумки, борлиқ томонидан инсон учун белгиланган вазифа унинг маънавий томони билан боғлиқ экан. Навоийнинг фикрига кўра, бу вазифа мутлақ борлиқнинг сифатини акс эттиришдан иборат. Шахснинг муваффақияти унга юклатилган мана шу инсоний вазифани бажариш-бajarмаслигига боғлиқ. Киши ўзининг маънавий томонини ривожлантирган сари у мутлақ борлиққа яқинлаша боради, нафсоний томонини ривожлантирса, бошқа маҳлуқотга яқинлашади, агар ақлини ҳам нафсга бўйсундирса, уни юқорида қолдириб, ўзи ундан ҳам тубанлашиб кетади. Ҳақиқий инсоннинг ҳақ билан ноҳақнинг фарқини кўра билиши ҳам, тўғри нияти ҳам, ҳалол меҳнати ҳам, меҳнатининг баракали самараси ҳам унга лаззат бағишлайди. Меҳнат жараёнида хайрли натижа умиди билан хурсанд бўлади. Натижада унинг учун лаззатсиз нарса қолмайди. Бу лаззат миқдори ҳам, давомати ҳам чексиздир. Бундай киши ўз йўлида ҳар хил тўсиқларга учраши ва нохушликлар юз бериши мумкин, лекин булар муваққат ҳодисалар бўлиб, уни тўғри йўлдан қайтаролмайди. Унинг ўзи буни мақсад йўлидаги табиий қийинчиликлар тарзида қабул қилади ва ундан ортиқча таъсирланмайди.

Шоир мазкур инсоний хислатларга эга бўлиши билан бирга яна умуман санъат аҳлига хос бўлган фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Булардан бири сезгирликдир. Санъаткор, ҳунарманд, олим, ёзувчи ва шоир пайқаш қийин бўлган жуда нозик нарса ва воқеаларни сеза оладиган киши бўлиши зарур.

Бундай хислатларнинг яна бири кузатувчанликдир. Кузатувчанлик кишига ҳар бир нарса ва ҳар бир ҳодисанинг сабабини аниқлаб оқибатини олдиндан кўра олишга ёрдам беради.

Яна бири ваҳм, фантазиянинг кучли бўлишидир. Бу хислат янги буюм ясаш ва янги асар яратишнинг бош омилидир.

Яна бири завқ бўлиб бу инсоннинг гўзаллик, етуклик ва гўзалликдан лаззатлана олиш қобилияти ва лаззатланишидир.

Энди мана шу завқдан шоирга хос бўлган хислат ва шеърнинг муваффақиятини таъминловчи омилларга ўтамиз.

Шеър шоир завқининг махсус қондаларга бўйсунган нутқий ифодасидир. Шоир ўз завқини бадий сўз билан ифодалаш санъатини эгаллаган завқ аҳлидир. Шеърни назмдан фарқ қилиш керак. Назм вазн ва қофияли нутқ бўлиб, у шеър хусусиятларидан холи бўлиши мумкин. Масалан, вазн ва қофияга солинган илмий рисолалар ҳамда барча завқ натижаси бўлмаган баёнлар назм, лекин шеър эмас. Шунинг учун завқ талабига жавоб берадиган насрий нутқни ҳам баъзи олимлар шеър сирасига киритадилар. Ўз нутқини назм билан ифодалай оладиган киши нозим дейилади. Нозимлик хусусиятигагина эга бўлган кимсани шоир деб бўлмайди. Нозим шоир даражасига кўтарилиши учун, биринчидан, завқ эгаси бўлиши лозим, иккинчидан, ўз завқини санъаткорона ифодалай билиши керак. Шеър шоирнинг «дарди»ни ўзгаларга билдиришга бўлган табий эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Аммо маъно аҳлига мансуб соғлом завқли шоирнинг бу дарди халқ дардидан иборат ва инсон манфаатига қаратилган

бўлади. Ҳар қандай меҳнат самараси сингари шоир ижодининг натижаси — бадий асар ҳам халқ учун фойдали бўлиши керак. Бадий асарнинг элга берадиган файзи унга лаззат билан бирга камолот бағишладан иборат.

Инсон камолотга билиш ва хайрли амал билан эришгани учун солим завқли шоир табъидан яратилган асар маърифий, тарбиявий, ва бадий қийматга эга бўлади. Ўз навбатида солим шинаванда ҳам мана шу уч талабга жавоб беролмайдиган асардан қониқмайди. Асосан билим ташнагини асарнинг маърифий томони қондиради, амалда эса, эзгу йўлга солиш вазифасини унинг тарбиявий жиҳати бажаради ва завқ талабига унинг бадиияти жавоб беради. Асос эътибори билан вазифаларнинг тақсимооти шундай. Аммо асарнинг бу уч жиҳати ўз вазифасини бажаришда бир-бирига кўмаклашади. Бадиий асарнинг тарбиявий таъсирининг ортишига ва маърифат жиҳатининг яхши ўзлашишига ёрдам беради. Тарбиявийлик маърифатга бўлган интилишни ва бадииятнинг таъсирини оширади. Маърифийлик асарнинг тарбиявий ва бадий томонларини мустаҳкамлайди. Асарнинг ҳар бир вазифасини унинг учала жиҳати биргаликда бажаради.

Шеърни тушуниш ва айтиш учун зарур бўлган хислатлардан яна бири хуштаъблик ва нозиктаъбликдир. Киши табиатан дағал бўлса, нозик нарсалар унинг кўнглини ҳаракатга келтиролмайди.

Яна бири тезфаҳмлик ва нуктабинликдир. Шоир нукта, яъни мазмундор ва гўзал гапларни тез тушуна оладиган ва ўзи ҳам айта оладиган бўлмоғи лозим.

Булардан ташқари яна шоир бўлмасқчи бўлган кимса тилни яхши ўрганиши, жуда кўп сўз билиши, классик ва замонавий шеърятни жуда кўп ва яхши тушуниб ўқиши ва иложи борича кўп шеър ёдлаши керак. Масалан, Навоий ўзга шоирларга мансуб юз минг байтдан ортиқ шеърни ёддан билган.

Шу билан бирга шеър қоидаларини, қофия, вази ва санъатларни яхши ўрганиши шарт.

«Чинор сўзи». Ҳозирги «чинор» сўзи аслида «чароғ» шаклидаги сўз бўлиб, қадим «чанор», кейинчалик «чароғ» сўзи «чироғ» шаклини олгандай «чанор» ҳам «чинор» деб аталадиган бўлган.

Классик адабиётда чинор шохи қўлга ўхшатилади барги панжасимон бўлгани учун. Масалан, Шамс Табризий ўзининг бир байтида:

Чанор фаҳм кунад андаке зи роз-и чаман
Ҳазор даст барорад кушу дуо кунад,

яъни, чинор чаман сирини озгина тушунади, шунинг учун яхшилаб минг қўл чиқариб дуо қилади, дейди. Бунда чинорнинг узоқ умр кўриши ҳам назарда тутилади.

Навой ўзининг «Маҳбубу-л-қулуб» асарида чинорнинг мевасизлигини, лекин унинг улуғлигини назарга олиб, қўлида моли йўқ, лекин олийҳиммат меҳнаткаш камбағални чинорга, хасис бойларни эса тупроққа ўхшатиб шундай дейди:

«Соҳибҳиммат муфлислик била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас. Чанор илги холийлиғидин бийиклигига не нуқсон, тупроққа, ниҳон гапжлари била не улувв-и шон».

Яъни соҳибҳиммат, ҳимматли киши муфлислик, яъни камбағаллик билан пасткаш бўлиб қолмайди, ҳиммати йўқ киши ганж, яъни хазина топса ҳам буюк шахсларга тенг бўлмайди. Чинорнинг қўли холий бўлгани билан унинг улуғлигига нуқсон етмайди, тупроқнинг ўзи яшириб ётган хазиналари бўлса ҳам, у улуғлиққа эришолмайди.

Яна Навой ўзининг «Ҳайрату-л-аброр» асарида ўзи фақир, лекин меҳнаткаш ва халқ учун фойда келтирувчи, хушфеъл кишиларга, жумладан деҳқонларга бағишланган бобни шундай деб бошлайди:

Саҳобдек («саҳоб» булут дегани) нафрасонлар бобидаким (нафрасон — фойда етказувчи дегани), арақ-и пешоний била (яъни пешона тери билан) раёҳин зеболари бошига гавҳарафшон бўлурлар («раёҳин» — хушбўй ўсимликлар дегани. Бу ерда деҳқоннинг экини назарда тутилмоқда ва экинзорнинг ҳар бир ўсимлиги бир гўзалга ўхшатишган. Деҳқоннинг пешона тери гавҳарга ташбиҳ қилинган, «гавҳарафшон бўлурлар» гавҳар сочадилар дегани) ва булуторо барқдек (булутга ҳусн бағишловчи чақмоқдек) хандонлик юзларида пайдо ва шабнам тўкилган чинордек обила-йи каф-и даст билан (яъни кетмон қабартган ва қадоқ қилган кафтлари билан. Бу ерда деҳқоннинг кафтидаги қабариқлар чинор баргига тушган шабнамга ўхшатишган) ерга паст бўлган хасу хошокни сероб қилурлар ва чанордек дилсўзлуқлари (яъни ичдан куйиб ёнишлари, иш учун жон куйдиришлари) аҳволларида ҳувайдо (яъни ошкор). Энди бу сарлавҳани узлуксиз ўқинг:

Саҳобдек нафрасонлар бобидаким, арақ-и пешоний била раёҳин зеболари бошига гавҳарафшон бўлурлару булуторо барқдек хандонлиқлари юзларида пайдо ва шабнам тўкулган чанордек обила-йи каф-и даст била ерга паст бўлган хасу хошокни сероб қилурлару чанордек дилсўзлуқлари аҳволларида ҳувайдо.

Демак, чинорнинг улугворлиги, баргининг панжасимонлиги, мевасизлиги, ўздан ўт чиқиб ёниши классик адабиётда шоирона тавсиф учун фойдаланилган экан.

«Бор» сўзи. «Бор» шаклига эга бўлган бир неча сўз бор, энди шулар билан танишамиз. «Бор» шаклидаги шаклдош сўзларнинг бири «йўқ» сўзининг зидди бўлиб мавжуд деган маънодадир. Бир нимани мавжуд дегани бўлсак, «бор» деймиз.

Бу сўз — «дир», «эрур» маъносида ҳам қўлланилади. Масалан, «бормен мусофир ҳам ғариб» деганда «бор» сўзи — «дир», «эрур» маъносида қўлланган. Баъзан йўқ сўзи билан бирга «бору йўқ» ёки «йўғу бор» тар-

зида, баъзан ёлғиз ўзи ва кўпинча учинчи шахс эгаллик қўшимчаси билан «бори» ёки «бари» шаклида «ҳамма» маъносида ҳам ишлатилади.

«Бор» шаклидаги сўзлардан яна бири «бормоқ» феълнинг ўзаги ва унинг буйруқ формасидир. «Бормоқ» феълнинг кетмак маъносида ишлатилишини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Масалан, «мактабга бор» дегандаги «бор» сўзи «бормоқ» феълнинг буйруқ формасидир.

«Бор» шаклидаги сўзлардан яна бири қабул маъносидаги «бор» сўзидир. «Боргоҳ» сўзи мана шу қабул маъносидаги «бор» сўзидан ясалган бўлиб, қабулхона деган маънодадир. «Неча бориб эшигига бор топмадим» деган мисрадаги «бор» сўзи мана шу қабул маъносидаги «бор»дир. «Бор аҳли» дегандаги «бор» сўзи ҳам қабул маъносидадир. Бор аҳли ёки қабул аҳли рад аҳлининг зиддидир.

Яна юк ва оғирлик маъноларидаги «бор» сўзи ҳам мавжуд бўлиб, юк ташувчи, оғирлигини тортувчи деган маънолардаги «бор» сўзига тортар маъносидаги «каш» сўзини қўшиб ясалгандир.

Яна мева маъносидаги «бор» сўзи ҳам мавжуд бўлиб, у юк маъносидаги «бор» сўздан ажралгандир. Навоийнинг:

Ғам гулшанида қадим эрур ул ёғочким,
Пайкону бор-и ҳажринг анинг баргу боридур

деган байтидаги биринчи «бор» юк, оғирлик маъносидаги «бор» сўзи ва иккинчиси мева маъносидаги «бор» сўзидир.

Яна «марта» маъносидаги «бор» сўзи ҳам бор. Масалан, «бир бор», «икки бор» дегандаги «бор» сўзи марта маъносидадир.

Яна ёғар, ёғдирар, сочар маъноларидаги «бор» сўзи мавжуд бўлиб, ёш сочар маъносидаги «ашкбор», мушк

сочар маъносидаги «мушкбор» каби сўзларнинг таркибида учрайди.

Лутфийнинг машҳур бир туюғи бўлиб, унда мазкур «бор» шаклига эга бўлган сўзлардан тўрттаси ишлатилган. Туюқ шундай:

Эй кўнгул, ёрсиз сенга не бор бор
Қайдаким ул зулф-и анбарбор бор
Чек жафову жавру нози борини
Бир кун ўлғайким, дегайлар «бор бор».

Бу туюқнинг радифидаги «бор» сўзи мавжуд маъносида. Биринчи мисра қофиясидаги «бор» мева маъносидаги «бор» бўлиб, ҳосил, натижа маъносида қўлланган. «Эй кўнгул ёрсиз сенга не бор бор», яъни қандай ҳосил, натижа бор. Иккинчи мисра қофиясидаги «анбарбор» анбар ёғдирувчи, анбар сочувчи деган маънодадир. Қайдаким ул зулф-и анбарбор бор — қаерда ўша анбар ёғдирувчи, яъни хушбўй қора зулф бўлса, чек жафову жавру нози борини, демакдир. Тўртинчи мисра қофиясидаги «бор» эса қабул маъносидаги «бор»-дир: Бир кун ўлғайким, дегайлар бор бор, яъни жавру жафоси нозини тортаберсанг охир бир кун қабул бор дегайлар, яъни қабулга эришасан.

«Перо» сўзи. Ўзбек тилида «перо» сўзи фақат темирдан қилинган ёзув қуролига нисбатан қўлланади. Рус тилида эса бундан ташқари «пат» ҳам «перо» деб аталади. Темир перо ясалмасдан бурун Европада хат ёзиш учун патдан, асосан ғоз патидан фойдаланганлар. Темир перо қурол сифатида патнинг вазифасини бажаргани учун бу янги қуролни ҳам «перо», яъни «пат» деб атаганлар. Фарқлаш керак бўлганда темир перони «стальное перо», яъни «пўлат пат» деб атайдилар. Ўзбекчадаги «перо» сўзи маъно жиҳатдан русчадаги «стальное перо»га тўғри келади. Униси ўзбекчада «пат» ёки «патқалам» дейилади. Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда «пат» ёзув қуроли сифатида ишлатилмаган.

Фақат мусаввир (рассом)лар тасвир (расм солиш)да каптар патидан фойдаланганлар. Қалам эса қамишдан ясалган. Телевизорда баъзан ўзбек классик шоирларининг қўлига патқалам туғқизиб қўйилади. Бу тўғри эмас. Уларда қалам, яъни қамишдан ясалган ёзгич бўлган ва қалам бошқа ёзув асбоблари билан бирга қаламдонда сақланган. Ҳозир биз Европача қаламни бизга руслар олиб келгани учун уни русча сўз билан «ручка» деб атаيمиз. «Ручка» сўзининг луғавий маъноси аслида «қўлча» «тутқич» дегани. У қўл маъносидаги «рука» сўзидан ясалган. Аслида форсча «даста» сўзи ҳам қўл маъносидаги «даст» сўзидан худди «ручка»га ўхшатиб ясалган. «Даस्ता»даги «-а» қўшимчаси қадим «-ака» тарзида бўлган ва бу ҳозирги русчадаги «-ка» қўшимчаси билан бир манбаага эга.

Ҳозирги ўзбек тилида «қалам» сўзи ёзув қуролининг икки турига нисбатан ишлатилади, қамиш қаламга нисбатан ва графит қаламга, яъни карандашга нисбатан. «Карандаш» сўзининг ўзи рус тилига туркий тиллардан ўтган бўлиб, асл шакли охириги тадқиқотларга мувофиқ «қалам тош»дир.

Қамиш қаламни пат қаламдан фарқ қилиш зарур бўлганда руслар уни «тростниковое перо» ёки «калям» ёхуд «калам» деб атайдилар. «Тростник» қамиш дегани, таржимон Лев Пеньковский Навоийнинг «Фарҳоду Ширин» достонини русчага таржима қилганда «қалам» сўзини «калам» шаклида берган. У Навоийнинг «Фарҳоду Ширин»даги:

Қаламким, раҳнавард-и тезтакдур,
Азалдин манзили фавқу-л-фалакдур

деган байтини:

Калам! Ты нашей мысли скороход
Превысил ты высокий небосвод

деб таржима қилган.

«Қалам» сўзининг асл луғавий маъноси умуман кесим, хусусан қамиш кесимидир. Шунинг учун бир кесим қазини «бир қалам қазини» дейилади, парраклангандан сўнг «япроқ» дейилади. Демак бутуни битта қазини, асосан бир суям узунлигидаги бир кесими «бир қалам қазини», бир парраги «бир япроқ қазини» дейилар экан.

«Масса» сўзи. Бу сўз аслида лотинча бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали ўзининг асосий ва физикага оид маъноси билан ўтган. Рус тилида унинг бир неча маъноси бор. «Масса» сўзининг рус ва ўзбек тиллари учун умумий бўлган асосий маъноси ҳажм ва миқдор эътибори билан жисмнинг моддасидир. Эски вақтда ўзбек тилида шу маънода шарқ тиллари учун умумий бўлган «жирм» сўзи қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида «масса» сўзи норма тусини олган. Ҳозир, рус «масса земли» дегани ўзбек «ер массаси» дейди. Рус «масса тела» дегани ўзбек «жисм массаси» дейди. Эски ўзбекчада «ер жирми», «жисм жирми» дейилган.

Аmmo рус тилида бу сўзнинг ўзбек тилида йўқ бўлган бошқа маънолари ҳам бор. Шулардан бири бўтқа маъносидир. Масалан, қоғоз ишлаганда хомашёнинг бўтқа ҳолига келтирилганини «бумажная масса» деб атайдилар. Агар молга бериладиган ем ҳам бўтқа ҳолатида бўлса, унга нисбатан ҳам рус тилида «масса» сўзи ишлатилиши мумкин. Бўтқа кўк ўсимликдан тайёрланган бўлса, уни бадий қилиб ифодалаш мақсадида «зеленая масса», яъни «кўк бўтқа» деб ҳам атайдилар.

Мана шу ҳолдан баъзилар айрим ҳолларда суистеъмол қиладилар. Масалан, «жўхориюя ўриб олинди» дейиш ўрнига «кўк масса ўриб олинди» дейдилар. Бу тил нуқтаи назаридан тўғри эмас. Чунки жўхориюя бўтқа эмас, ундан ташқари бўтқа ўриб олинмайди. «Масса» сўзини бу ҳилда ишлатиш рус тили нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Чунки «зеленая масса» ибo-

расини русчада ҳам жўхоринояга нисбатан ишлатиш мумкин. Яна рус тилида «масса» сўзининг тўп, тўда маъноси бор. Масалан, «масса муравьев» деганда қумурисқа тўдаси, «масса камней» деганда тош тўпи тушунилади. Яна бу сўзнинг «омма» маъноси ҳам бор, масалан, омма билан алоқада бўлишни «связь с массой» дейилади. Булардан ташқари «масса» сўзининг кўп, кўплаб деган маъноси ҳам бор. Масалан, «одам кўп йиғилди» деган гапни русча «собралась масса людей» дейиш мумкин.

«Компьютер» сўзи. Бу сўз инглизча бўлиб, ҳисобламоқ маъносидаги «кампйў:т» феълига «чи» маъносидаги «э» деб айтиладиган «эр» қўшимчасини қўшиб ясалган сўздир. Мазкур сўз инсонга нисбатан ҳам, ускунага нисбатан ҳам ишлатила беради. Бинобарин «компйўтер» сўзи ўзбекчадаги «ҳисобловчи» ёки «ҳисобчи» ва «ҳисоблагич» сўзларига тўғри келади. Аммо рус тилига «компьютер» сўзи «ҳисоблагич» маъноси билан ўтган ва электрон ҳисоблагичга нисбатан қўлланади. Рус тилида электрон ҳисоблагичнинг тавсифий номи ҳам вужудга келтирилган. Бу «электронно-вычислительная машина» деган ибора бўлиб, бунинг ЭВМ деган қисқартма номи ҳам бор. Мана шу русча ибора ва қисқартма номдан ўзбек тилида «электрон ҳисоблаш машинаси» деган бирикма ва ЭҲМ деган қисқартма ном пайдо бўлган.

Бу масалада нима учун ҳозирги пайтда русчада «электронно-вычислительная машина» ўрнида «компьютер» сўзи кўпроқ қўллана бошлади, деган савол туғилиши табиийдир. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчи ва асосий сабаби ҳозир фан тараққиёти натижасида электрон ҳисоблагичларнинг вазифаси кенгайди. Улар ҳозир мақсад ва натижа эътибори билан математик амалларни эмас, илму фаннинг бошқа соҳаларига оид амалларни ҳам бажармоқда. Масалан, тиббиётда касал турини аниқлашда ҳам ҳисоблагичдан

фойдаланилмоқда. Иккинчи сабаби бир сўзнинг иборатига нисбатан ихчамлигидир. Тилда ихчамликка интилиш асли бор. Буни лингвистикада «тежаш принципи» деб атайдилар. Рус тилида «вычислительная машина» деганда ускуна ҳисоб билан чекланган деб тушунилади. Аммо «компьютер» деганда аслан инглиз тилида мавжуд бўлган «ҳисоб» маъноси русчада ўқилмайди. Мана шу сабабларга кўра ҳозир «компьютер» сўзи кўпроқ қўллана бошлади.

«Спиритизм» сўзи. Бу сўз лотинча арвоҳ маъносидаги «спиритус» сўзидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси арвоҳчиликдир. Махсус маъноси ўлган кишининг руҳи билан алоқа боғлашдир. Бунга ишонувчи ёки шу иш билан шуғулланувчини «спирит» дейилади. Арвоҳни чақириб, билинмоқчи бўлган ишга унинг муносабатини билишни истаган кишига етказувчи мутахассисни «меднум» яъни воситачи деб атайдилар.

Спиритизм хурофотга асосланган фирибгарликдан иборат бўлиб, Ғарбий Европа ва Америкада кенг тарқалган. Революциядан олдин Россияда ҳам спиритизм машҳур бўлган.

Меднумнинг машҳур амали стол атрофига спиритларни ўтказиб, уйни қоронғи қилиб ё столнинг ўзини, ёки стол устига қўйилган тақсимча ёки шунга ўхшаш бирор нарсани ҳаракатга келтиришдан иборат. Киши тегмасдан содир бўлгандек намоёиш қилинган ҳаракат арвоҳнинг келганлиги ва унинг бирор ишни маъқул ёки номаъқул топганини билдиради.

Шарқда бу амалнинг ўзи Европадагидек маълум бўлмаса ҳам, номи бор. Буни «истиҳзор» ёки «истиҳзору-л-арвоҳ» деб атайдилар.

«Абстракция» сўзи. Бу сўзнинг луғавий маъноси аритиш, айириш бўлиб, бу сўз хориждаги, яъни зеҳндан ташқаридаги мавжудотнинг бир ёки бир неча жиҳатини, хоссасини ёки улар орасидаги муносабатни фикран ажратиб олишни ва шу фикрий амал натижаси-

да зехнда ҳосил бўлган тушунчани билдиради. Демак «абстракция» сўзи ҳам фикрий амални, ҳам фикрий амал натижасини англатади. Амални билдирганда у «абстрагирование» сўзига маънодош бўлади. «Абстракция» сўзи фикрий амални билдирганда, яъни маъно жиҳатдан «абстрагирование» сўзига тўғри келганда эса ўзбек тилида қўлланган «тажрид» ва «муфорақа» сўзларига муодилдир. Амал натижасини, яъни зехнда мавжуд тушунчаларни англатганда эса «муфорақ», «мужаррада» ва «эътибор» сўзларига эквивалентдир. Бу сўзларнинг кўплиги «муфорақот», «мужаррадот» ва «эътиборот» шаклидадир. Ўзбек тилида абстракциянинг бир турига нисбатан «маъно» сўзи ҳам қўлланган. Ҳозир «абстракция» сўзи ўзбек тилига ҳам ўтган ва у илмий нутқда қўлланади.

«Абстракция» сўзини равшанлаштириш учун мисол келтирайлик. Масалан, мавжудот бир-биридан ранги билан ҳам фарқ қилиши мумкин. Оқ олма бор, қизил олма бор, оқ гул бор, қизил гул бор, сариқ гул бор, пушти гул бор ва ҳоказо. Биз олмадан олмани, гулдан гулни фарқлаш ёки олма билан гулни ранг жиҳатидан бирлаштириш учун олмалар ва гуллардан уларнинг рангини фикран ажратиб оламиз. Мана шу фикрий амал «тажрид» ёки «муфорақа» ва «абстракция» ёки «абстрагирование» деб аталади. Мазкур фикрий амал натижасида онгимизда «қизиллик» тушунчасини ҳосил қиламиз, бу тушунча вужуд нуқта-йи назаридан фақат бизнинг онгимизда мавжуд бўлиб, хорижда алоҳида «қизиллик» деган нарса йўқ. Қизил гул, қизил олма ва бошқа қизил нарсалар бор, лекин фақат қизил туснинг ўзидан иборат нарса йўқ. Бўёқнинг ҳам ўз моддаси бор, у ҳам соф тусдан иборат эмас. Мана шу тушунча ҳам «абстракция» дейилади.

Абстракцияга яна бир мисол. Эшмат билан Тошмат, Зайд билан Амир, Иван билан Андрей деган кишилар ўзларининг инсоний вазифаларини яхши билганликлари

ва оқибатни тасаввур қилганликлари туфайли бир-бирларини ҳурмат қилиб, бир-бирларига фақат яхшилик қиладилар ва фақат яхшиликни истайдилар. Булар орасидаги муносабат оқилона ва ижобий муносабат бўлиб, бу муносабат ҳам Тошматни, ҳам Эшматни, ҳам Амирни, ҳам Зайдни, ҳам Иванни, ҳам Андрейни фақат яхшиликка олиб боради.

Энди яна бошқа бир-бирини ва бошқаларни кўролмайдиган Қора, Оқбола, Чёрный, Белый деган лақабли гуруҳ бор. Буларнинг иши фақат ўзларига ва ўзгаларга зарар етказишдан иборат.

Биринчи гуруҳнинг муносабатини уларнинг ўзларидан ажратиб олиб, онгимизда «дўстлик» деган тушунча, иккинчи гуруҳнинг муносабатини уларнинг ўзидан ажратиб олиб «душманлик» деган тушунча ҳосил қиламиз. Бу ҳам абстракция деб аталади.

«Реализация» сўзи. Бу сўзнинг иккита маъноси бор. Биринчиси, амалга ошириш, ижродир. Масалан, «реализация проекта» лойиҳани амалга ошириш дегани, «реализация идеи» фикрни амалга ошириш дегани.

«Реализация»нинг иккинчи маъноси пуллашдир. Масалан, «реализация товара» молни пуллаш дегани. Бунинг асли икки сўз бўлиб, бир сўздай ўқилиб кетган ва луғатларда ҳам икки маъноли бир сўз деб қайд қилинади ҳамда лотинча «буюм» деган маънодаги «реалис» сўзидан олинган деб тахмин қилинади. Ҳақиқатда эса «реализация» сўзи биринчи, яъни амалга ошириш маъноси билангина «реалис» сўзига алоқадордир. «Реалис» сўзидан ясалган «реализация»нинг туб луғавий маъноси буюмлашиш ва буюмлаштириш бўлиб, зеҳндаги ёки қоғоздаги нарсани бирор нарсага, буюмга айланиши ёки айлантириш назарда тутилади. Мана шу «реализация» ўзбек тилида ўрни билан «реаллашиш» ёки «реаллаштириш», «вужудга келиш» ёки «вужудга келтириш», «бажарилиш» ёки «бажариш», «амалга

ошиш» ёки «амалга ошириш», ижро, таҳаққуқ дейилади.

Иккинчи, «реализация» пул маъносидаги «риёл» сўздан ясалган. Бу сўз ҳозир Эронда пул бирлиги сифатида ишлатилади. Испанияда эски вақтдаги оқ кумуш танга «реал» деб аталган. Ўзбек тилида кумуш танга оқча ёки «ақча» деб аталади. Мана шу ақча маъносидаги риёл сўздан пуллаш маъносидаги «реализация» сўзи ясалган. Бу «реализация» ўзбек тилидаги «пулланиш ва пуллаш» сўзларига тўғри келади. Ҳозир бу сўз худди шу шаклда ўзбек тилида ҳам, хусусан илмий нутқда ҳам қўлланилмоқда.

«Миссия» сўзи. Бу сўзнинг ўзаги «юбориш» маъносига эга бўлган лотинча «миссио» сўзи бўлиб, ҳозирги рус тилида унинг бир неча маъноси бор. Дастлаб бу сўз диний маънода қўлланган ва «миссия» деганда христиан динини тарғиб қилиш ва шу иш билан шуғулланувчи ташкилот тушунилган. Шу маънода миссия билан шуғулланувчи, яъни ўзга диндагиларни христиан динига киритишга амалий ҳаракат қилувчиларни «миссионер» дейилади. Миссионерлар империалистик мамлакатларнинг дастлабки ва ўзларининг гўё ҳолисона яхшиликлари билан ерли халқларни тузоққа туширишга хизмат қиладиган жосуслардир. Булар борган ерларида ўз динларига ва миллатларига чуқур муҳаббат ва ерли халқ вакилларини бир-бирига ёмон кўрсатиб нифоқ чиқариш мақсадида жуда эҳтиёткорона, миллий урфу одатларга камоли эҳтиром билан муносабатда бўлиб, касалларни даволаш, хайру эҳсонлар қилиш каби амалларни ҳолисона шаклда амалга ошириб, уларни ўз динлари ва ҳукмдорларининг асоратига туширишга тайёрлаб берадилар. Битта-иккита фариштасифат миссионерларни кўрган содда халқ буларни юборган империалистларнинг ҳаммаси шундай экан деб тасаввур қилади ва уларга дарвозани кенг очиб беради. Улар бостириб келгандан кейин мақсадлари ерли халқ-

ни эксплуатация қилиб, уларни алоҳида халқ сифатида йўқотишга қаратилган ҳаракатлари аён бўлганда вақт ўтган бўлади.

Миссиянинг диний жиҳатдан муқаддаслигини назарда тутган ҳолда «миссия» сўзини сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган элчилик ва шунга оид нарсаларга нисбатан ҳам ишлатадиган бўлганлар. Натижада ҳозир бу сўз бирор ерга муҳим бир вазифа билан боришни ва умуман топшириқни билдиради.

Менинг қиладиган ишим ёки вазифам ёхуд менга топширилган иш сиз билан аҳднома тузишдан иборат, деган гапни русча «моя миссия заключается в исполнении договора с вами» дейиш мумкин.

«Миссия» сўзи касб ва ҳунар билан боғлиқ вазифага нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, «миссия поёта» шоир бурчи, «миссия искуства» санъатнинг вазифаси дегани. Бунда вазифанинг юксаклиги назарда тутилади.

Яна миссия сўзи бир давлатнинг иккинчи давлатдаги вакиллари ва уларнинг идорасига нисбатан ҳам қўлланади. «Советская миссия в Сирии» деганда Суриядаги совет ваколоти ва ваколатхонаси тушунилади.

Ундан ташқари бир давлатдан иккинчи давлатга юборилган махус вакиллар ҳам «миссия» деб аталади. Масалан, «торговая миссия»— савдо вакиллари дегани.

«Аберрация» сўзи. Бу сўзнинг луғавий маъноси четлашиш бўлиб, илмда асосан кўриш ва кўриш асбобларида юз берадиган ноаниқликка нисбатан ишлатилади. Кўзга ёки оптик асбобларда аксининг бузилиб, чаплашиб ёки хира тушиши, ернинг қуёш атрофида айланиши натижасида осмон жисмларининг чаплашиб кўриниши, рангсиз нурнинг турли рангда ёйилиши аберрациядир.

Биологияда бу сўз зотнинг айнишига нисбатан ҳам қўлланади.

Рус тилида «аберрация» сўзи гайриилмий, лекин китобий нутқда ҳам қўлланади ва ҳақиқатдан четлашиш, адашиш деган маъноларни билдиради.

«Мораторий» сўзи. Бу сўзнинг асли лотинча бўлиб, кечиктирувчи деган маънога эга. Ҳозирги бир неча тилда бу сўз иқтисодий атама сифатида фавқулудда ҳодисалар натижасида тўловни кечиктириш маъносига қўлланади. Аммо яқинда мораторий сўзи яна бир янги маъно касб этди. Бунга Совет Иттифоқининг ядро қуроллари синовини бирёқлама муваққат равишда тўхтаиб қўйиши сабаб бўлди. Ушбу воқеага нисбатан кечиктириш, орқага суриш маънолари борлигини назарга олган ҳолда «мораторий» сўзи оммавий хабар воситаларида кўп қўланди. Натижада мазкур сўз фақат иқтисодий маънода эмас, ҳарбий, сиёсий маънода ҳам қўлланадиган бўлди.



ИБОРАЛАР ҲИКОЯТИ

Бу суҳбатни баъзи мазмундор ибораларга бағишлаймиз ва уни Навоийнинг «Хурмат-и волидайн фарзайн» деган мақолга айланган жумласи билан бошлаймиз. «Хурмат-и волидайн — фарзайн» дегани отанани ҳурмат қилиш бир эмас, икки зарурий амалдан иборат, деган мазмундаги ҳикматли сўзидир. Бундай

болиғу фасих сўз Навоий сингари пок қалб эгаси бўлган ўткир зеҳли чечан шоир тилига келиптими, буви уқиб, амал қилган ҳар бир боланинг умри ҳам, ўзи ҳам ўзгалар учун қутлуғ ва баракали бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

«Хурмат-и волидайн» изофали бирикма бўлиб, «волидайн» аниқловчи, «хурмат» сўзи аниқланмишдир. «Хурмат» сўзига қўшиб, лекин урғусиз талаффуз қилинган «и» изофа кўмакчисидир. «Хурмат-и волидайн»-ни бошқача қилиб айтганда «волидайн хурмати» бўлади. «Волидайн» ва «фарзайн» даги «-айн» қўшимчаси иккиликни билдиради. «Волид» ота, «волида» она, «волидайн» ота-она дегани. Қилиниши инсон учун зарур бўлгани «фарз» дейилади, «фарзайн» икки фарз дегани. Демак, «хурмат-и волидайн — фарзайн»нинг мазмуни ота-онанинг ҳар икковини хурмат қилиш бола учун икки фарз, яъни уларнинг амрига бўйсунуш, уларга чин кўнгилдан, мамнуният билан хизмат қилиш, ширин муомалада бўлиш, аҳволларидан доим хабардор бўлиб туриш инсон қаторига қўшилмоқчи бўлган ҳар бир бола ва ёшу қари учун бир эмас, икки карра зарурдир. Навоийнинг бу ҳикматли сўзини эс-ҳуши бор фарзандларимиз ҳеч ёдларидан чиқармайдилар ва бунга доим амал қиладилар, деган умиддамиз. Бу биринчи навбатда уларнинг ўзлари учун керак.

Энди ота-онани тилга олганда ишлатиладиган сўзларга келсак, отага нисбатан «бобой», онага нисбатан «кампир» сингари сўзларни ишлатиш нутқ одобидан, хусусан ва умуман одобдан ташқаридир. Адабий тилда отани «отамиз», «падаримиз», «волидимиз», «қиблагохимиз» деб, онани «онамиз», «волидамиз», «она-йизоримиз», «волидай-йи меҳрибонимиз», «оқ сут берган онамиз» каби сўз ва иборалар билан тилга олинади.

Гўдакликдан рус тилини ўрганиб ўсаётган болалар отасини «папам», онасини «мамам» деб зикр қиладилар. Бу ҳам нутқ одобига зид бўлмаган ижобий

ҳодисалардан ҳисобланади. Аммо «бобой», «кампир» каби сўзлар боланинг беодоблигидан нишонандир. Ота оила боши бўлгани учун унга улуғворликни билдирувчи сифатларни, онада болага нисбатан меҳр ориққроқ бўлгани ва кўпроқ машаққат чеккани учун унга меҳрибонлик, мушфиқлик ва меҳнату машаққат англатувчи сифатлар берилади.

Энди ота-онага мурожаат қилганда ундов сифатида қўлланадиган сўзларга келсак, отага нисбатан баъзи шеваларда «ота», айримларида «дада», бошқаларида «ада» ва ўзга сўзлар, онага «она», «ойи», «буви», «опа», «аба» ва ҳоказолар ишлатилади. Буларнинг ҳеч бири бугунги кун учун нутқ одобидан ташқари эмас. Бу ерда фақат бир нарсани эслатиб ўтишимиз мумкин. У ҳам бўлса, «хурмат-и волидайн фарзайн»ни ҳисобга олиб, «жон» сўзини қўшиб, «отажон» ёки «дадажон» ёхуд «адажон» ё «ойижон» деб мурожаат қилинса, ота-онага бўлган эҳтиром шартларидан бири адо этилган бўлади. Аммо бу мурожаат тил учуда эмас, аздаҳидил бўлиши керак. Жон сўзи жондан чиқса, ота-онанинг жони фарзанд жонига барака бағишлайди. Агар тил учидан чиқса, волидайн ҳар қанча меҳру шафқат кўргузмасин, боланинг иши юришмайди.

Онани ҳурмат қилишнинг аҳамияти ҳақида бир ривоят бор, шуни айтиб бермасам, суҳбатимиз тўлиқ бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳақим Термизий деган жуда машҳур олим ўтган. «Термизий» — термизлик дегани. Қишининг қаерга мансублигини билдирадиган отини «нисба» дейдилар. Ҳақим Термизийнинг туғилган йили номаълум, вафоти тахминан 932-йилга тўғри келади. Термизлик ўқувчилар кўрган бўлишлари керак, мақбараси ҳозир ҳам Термизда. Ҳақим Термизийнинг улуғ олим бўлишига унинг ўз онасини ниҳоят даражада ҳурмат қилганлиги сабаб бўлганлиги ҳақида ривоят бор. Бу ривоятнинг хулосаси шундай. Муҳаммад Али ўгли Ҳақим Термизда мактабни аълога

тугатгандан сўнг ўзининг бир мактабдош дўсти билан олий маълумот олиш учун Самарқанд, Бухоро ва Богдадга ўхшаган илм марказларига таҳсил олиш учун бормоқчи бўлади. Бу вақтда Муҳаммаднинг, яъни Ҳаким Термизийнинг отаси вафот этган бўлади. Муҳаммад онасининг ёлғиз қаровсиз қолиб кетишини ҳисобга олиб, аҳдидан қайтади ва мазорга бориб, отасининг қабри устида унинг бевақт вафот қилганлигини, шу туфайли илм олишдан маҳрум бўлганлигини айтиб, аччиқ-аччиқ йиғлайди. Тасодифан мазорни зиёрат қилиб юрган бир аллома боланинг онага бўлган бу ҳурмати ва илмга бўлган ишқини кўриб, унга ҳафтада икки кун дарс беришга ваъда қилади ва уни улуғ олим даражасига етказди. Шундай қилиб, Ҳаким Термизий бошқалар сарсонун саргардон бўлиб кўп машаққатлар чекиб ололмаган илмни тез фурсатда, яна ўз шаҳрида эгаллашга муяссар бўлади.

«**Асфалу-с-софилин**» ҳам шарҳталаб иборалардан дир. Бунинг луғавий маъноси тубанларнинг тубанидир. Софил — тубан, пастки дегани, «ин» кўплик қўшимчаси, шунинг учун софилин тубанлар, «пасткилар» дегани. «Асфал» тубанроқ, энг тубан дегани. «Асфалу-с-софилин» «асфала-с-софилин» шаклида ҳам ишлатилади. Булар орасида классик араб тили нуқтаи назаридан фарқ бўлса ҳам, ўзбек ва тожик тиллари нуқтаи назаридан фарқ йўқ. Аммо «асфала-с-софилинга кетди» деганда «асфал»нинг арабча формаси сақланган. Чунки «асфалу-с-софилинга» кетди дейилмайди. «Л» товушидан сўнг «у» эмас, «а» айтилади.

«Асфалу-с-софилин» мавжудотга нисбатан қўлланганда тупроқ ёки тўрт унсурнинг табиати, яъни иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик тушунилади. Ер оламнинг маркази деб олинганда тупроқ энг тубан маконда бўлади. Шунинг учун уни асфалу-с-софилин деганлар. Тўрт унсур, яъни ўт, ҳаво, сув ва тупроқнинг табиати бўлмиш иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқ-

лик маъдан, ўсимлик ва ҳайвон нафси ёки руҳига нисбатан энг тубан хоссадир. Шунинг учун булар ҳам асфалу-с-софилинга киритилган. Бундан ташқари, дўзахнинг энг тубан қаватини ҳам киноя йўли билан асфалу-с-софилин дейдилар. Халққа озор етказувчи зolim киши ўлганда «асфала-с-софилинга кетди» деганда мазкур иборанинг мана шу маъноси назарда тутилади. Бундан ташқари асфалу-с-софилин деганда кишининг ўзининг ёмонлиги туфайли вужудга келган аянчли аҳволи ҳам тушунилади.

Табиатида яхшилик асари бўлмаган киши мансаб ёки молу мулк эгаси бўлиб қолса, мансаби ёки молу мулкидан ободончилик учун эмас, элни хароб қилиб, мамлакатни обод қилгучи меҳнаткашнинг молу ному-сига тажовуз қилиш учун фойдалана бошлайди.

Бу амал унинг заволидан ва оқибатда қаттиқ хор бўлишидан нишона бўлганини ҳисобга олиб, халқимиз бундай кишини ҳам асфала-с-софилинга кетди, дейди. Бу ҳукмининг тўғрилигини тарих кўплаб исботлаган.

* * *

Классик адабиётда «қамар даври» ёки «даври қамар» ибораси кўп ишлатилади. Энди шу иборанинг мазмуни билан танишайлик.

«Давр» сўзининг биринчи луғавий маъноси айланнишидир. Унинг мана шу айланиш деган маъносидан айлана, тўгарак ва тегра деган маънолари ҳам вужудга келган. «Давра» сўзи «давр» сўзининг айлана, тўгарак маъносини назарга олиб ясалган сўздир. Суҳбат аҳлининг асосий тўгарак шаклида ўтириши ҳисобга олиниб, унга «давра» дейилган.

«Давр» сўзининг илмий маъноси ҳам бор бўлиб, унга бу жиҳатидан икки хил илмий таъриф берилади. Биринчи таърифга кўра, бир нарсанинг ўзининг дастлабки нуқтаси ёки ҳолатига қайтиши тушунилади. Шу маънога асосан бир ниманинг маълум бир муд-

датда такрорланиши ёки ўзгаришларга учраб, асл ҳолатга қайтиш замони ҳам давр деб аталади. Мана шу нуқтаи назардан давр узлуксиз давом этади. Ғарб тилларида бу маънода «сайкл» ва «цикл» сўзлари қўлланади.

Иккинчи таърифга кўра, икки нарсанинг бир-биридан келиб чиқиши тушунилади. Масалан, товуқ тухумдан пайдо бўлади, тухум товуқдан.

«Қамар даври» иборасида «давр» сўзининг биринчи илмий маъноси назарда тутилган. Энди «қамар» сўзига келсак, бу осмондаги ойнинг янги ёки тўлинлигини эътиборга олинмаган номидир. Ойнинг ўроқ шаклидаги ҳолатини «ҳиллол» ёки «янги ой», унинг тўгарак шаклини «бадр» ёки «тўлиной» дейдилар. «Қамар», «моҳ» ва «ой» сўзлари ойнинг ҳамма шаклига нисбатан қўлланади.

Ҳозир бизга маълум ой ернинг йўлдоши, лекин қадимги олимлар ойни сайёра деб билганлар. Ойнинг ана шу сайёралик жиҳатини назарда тутганда ҳам уни «қамар» деб атайдилар.

Гелиоцентрик, яъни олам маркази қуёш деб олинган назарияга кўра ернинг ўзи сайёра, ой эса унинг йўлдоши, Геоцентрик, яъни ер оламнинг маркази деб ҳисобланган ва ҳозир эскирган назарияга кўра ер сайёра эмас, қуёш, жумладан ой ҳам сайёрадир. Бинобарин қамар ер куррасига энг яқин сайёра ҳисобланган.

Мунажжимларнинг илмий асосга эга бўлмаган фикрига кўра ҳар бир сайёра етти минг йиллик даврга эга. Дунё яратилиши ўн саккизинчи аср охиригача ердан энг узоқ сайёра ҳисобланмиш зуҳал, яъни сатурн даврида бошланиб, қамар даврида Одам вужудга келган. Мунажжимларнинг мана шу фикрига асосан «қамар даври» ибораси классик адабиётда «одам вужудга келгандан бери» деган маънода қўлланган. Бу иборани моҳир шоирлар инсон юзини тавсиф эт-

ганда қўллайдилар. Ой ўзининг шакли ва ранги билан юзга ўхшайди. Шунинг учун шоирлар нуроний ва кулча юзни ойга ўхшатадилар. Шунга асосан гап юз ҳақида кетаётганида одам вужудга келгандан бери деган маънодаги бошқа сўз ва ибораларга нисбатан «қамар даври» энг муносиб иборадир. Ундан ташқари бу иборадан ийҳом яратиш ҳам мумкин. Чунки бу иборадан ой атрофи деган маъно ҳам чиқади. Масалан, «фалоннинг юзида қамар даврида кўрилмаган нур бор» десак, бундан ҳам «одам пайдо бўлгандан бери кўрилмаган», ҳам «ой гардишида кўрилмаган» деган фикр англашилади. Мана шу ийҳом ҳисобланади.

Шу ўринда аҳамият берилиши зарур бўлган бир масала бор. Бадий асарни тўғри тушуниш учун буни билиш зарур. Беруний, Ибн Сино каби олимларимиз, Лутфий, Навоий сингари шоирларимиз мунажжимларнинг фикрлари ғайриилмий бўлгани учун қабул қилмайдилар, аммо бадий асарда уларнинг сўз ва атамаларидан фойдаланадилар. Нима учун шундай? Бадий асарнинг, эскича қилиб айтганда, маъно ва суврати, янгича қилиб айтганда мазмун ва шакли ҳисобга олиниши керак. Шакл ёки суврат учун ишлатиладиган сўз ва иборалар ҳақиқатга мос бўлиши шарт эмас. Илмий нуқтаи назардан «қамар даври» аниқ эмас, аммо шеър нуқтаи назаридан ўз ўрнида ишлатилса, гўзал ибора. Қуёш ҳар куни бир шахсни кўриш учун ер устидан айланмайди. Аммо шоир ўз манзурига қуёш фақат сенинг юзингни кўргани чиқади, дейиши мумкин.

* * *

Энди «Нур устига ало нур» ибораси ҳақида гаплашамиз. Аввало шуни айтиш керакки, адабий тил нуқтаи назаридан «устига ало» дейиш тўғри эмас, ё «нур устига нур» ё «нур ало нур» дейиш керак. «Нур устига ало нур» деганда «устига» ёки «ало» сўзи

ортиқчадир, чунки «ало» дегани «устига», аниқроғи устида деган маънодадир. Ҳозир кўпчиликка «ало» сўзининг маъноси номаълум бўлгани учун иборага «устига» сўзи қўшилган, шу билан бирга илгари иборанинг аслида «ало» сўзи бўлганлиги учун уни тушуриб қолдирилмаган. Натижада шеваларда «нур устига ало нур» деган вариант вужудга келган. Аммо адиблар ё «нур устига нур» ёки «нур ало нур» дейдилар. Адабий тил шевалар ҳисобига бойиб боргандек, баъзан шеваларга ҳам адабий тилдан сўз ва иборалар ўтади ва кўпинча улар шакл ва маъно жиҳатдан ўзгаришларга учрайди. Мазкур иборада ҳам шу ҳодиса рўй берган.

Аслида «нур ало нур», тўлиқ шакли «нурун ало-н-нур» фалсафий ибора бўлиб, буни шундай тушунилади:

Нур ҳаёт манбаи, қуёш нури бўлмаса, ер юзида ҳаёт бўлмайди. Аммо қуёш ва унинг нурнинг манбаи бўлмиш бир энергия ҳам бор. Мана шу энергия бутун коинотни ўз ичига олади ва унинг ҳаётини таъминлаб туради. Мана шу энергияни қадимги мутафаккирлар «нур устидаги нур» деб тавсиф қилганлар. Бу тавсифдан яна нурлар нури деган тушунча ҳам вужудга келган бўлиб, бу борлиқнинг зотига, яъни азалий ва абадий жиҳатига нисбатан қўлланади.

«Нур устидаги нур» деб аталган мутлақ энергия борлиқнинг энг олий даражаси бўлгани учун «нур ало нур» ибораси оммавий нутқда яхшиликнинг олий мартабасига нисбатан «нур устига ало нур» шаклида ишлатилган. Шундан кейин бу ибора «нур устига нур» тарзида устама яхшиликка нисбатан ҳозирги адабий тилда ҳам қўлланадиган бўлган. Аммо мазкур нурлар нури назарда тутилганда «нур ало нур» ёки «нур устида ё устидаги нур» дейилади. Шундай қилиб, бир иборадан ҳозирги адабий тилимизда икки маънодаги икки ибора вужудга келган.

Бинобарин, сўзловчи бу ибораларни қориштирмас-

дан: «устига ало» демасдан «яхши устига яхши, яъни жуда яхши демоқчи бўлса, «нур устига нур», мазкур фалсафий тушунчани билдирмоқчи бўлса, «нур устида нур» ёки «нур устидаги нур» деса мазкур иборалардан тўғри фойдаланган бўлади.

* * *

Айрим йигитчалар, уларни бир лагандан ёки бир дастурхондан таом ейишга таклиф қилинганда «шериклик ошни ит емайди, мен ейманми?» деб таклифни рад этадилар. Мазкур мақолни бундай ишлатиш мутлақо нотўғридир. Чунки бу мақсл ошни ит ва итга ўхшаганларгина емайди, инсон эса аксинча таомни ўзгалар билан баҳам кўради, ёлғиз таом еёлмайди, деган мазмундадир. Кўпчиликнинг бир лагандан ош ейиши аҳиллик аломати ҳисобланади ва бу болаларни аҳилликка ҳамда бир-бирга меҳрибон бўлишга ўргатиш учун махсус қилинади. Шунда кичкина болалар бир-бири билан чиқишолмай қолсалар, уларга одам боласи бир-бири билан ҳеч нарсани талашмаслигини, талашиш, уришиш ҳайвонга, айниқса итга хос эканлигини тушунтириб, болаларни тартибга ўргатиш мақсадида «шериклик ошни ит емайди» дейилади. Агар бола бирор нарсани ўзи ҳам емай, бировга ҳам бермаса, унда у болага, итлик қилди, дейилади. Чунки ит ўзи тўйгандан кейин ҳам ириллаб, овқат олдига бошқаларни йўлатмайди.

Демак, шериклик ошни ит емас экан, инсон боласи эса ақлли, эси, ҳуши бўлгани учун шериклик ошни ер экан ва бу унинг инсоний хусусияти экан.

* * *

Энди «ўн саккиз минг олам» ибораси ҳақида. Бунинг учун аввал «олам» сўзининг маъносини билиш керак. Бу сўз «жаҳон», «қоинот», «дунё», «очун» ёки «ожун» ва «гетий» деган сўзлар билан маънодошдир.

Булардан «очун» ва «гетий» сўзлари эски ўзбек тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида истеъмождан чиққан. Тарихий жиҳатдан очун туркий, жумладан ўзбекча, «гетий» эса форсий ёки тожикча сўздир. Ўзбек тилида ҳозир «очун» сўзи қўлланмаганидек, «гетий» сўзи ҳам тожикчада эскирган сўзлар қаторига кирган.

«Очун» билан «гетий»ни ҳисобга олмасак, «олам» сўзининг маъносини аниқлаш учун уни «коинот», «жаҳон» ва «дунё» сўзлари билан қиёслашимиз керак бўлади. Моддий ва сезиш мумкин бўлган табиий мавжудотнинг ҳаммаси коинотга киради. Фазо ҳам муҳит сифатида коинот таркибидадир. «Коинот»нинг асл луғавий маъноси бўлувчи, яъни вужудга келувчи нарсалардир. Бинобарин, коинот азалий эмас ва маълум бир вақтда пайдо бўлган ва доим ўзгаришда. Олимларнинг фикрига кўра, дастлаб коинот бир нуқта шаклида бўлган, охири ва кенг тарқалган назарияга кўра буюк портлаш натижасида вужудга келган ва ҳозир ҳам кенгайиб бормоқда. Дунё деганда инсон ҳаёти билан боғлиқ табиий ва сунъий мавжудот тушунилади. Шунинг учун «дунё» сўзи бойлик, молу мулк маъносида ҳам қўлланади. «Жаҳон» сўзида «коинот» билан «дунё»га хос хусусийлик йўқ ва у «олам» сўзининг энг яқин маънодоши сифатида ҳам қўлланади.

«Олам» сўзининг ўзига хос томони шундаки, у фақат моддий мавжудот эмас, маънавийга нисбатан ҳам қўлланади. Ундан ташқари «олам» сўзи борлиқнинг азалий ва абадий жиҳатини ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтан назардан «олам» сўзи «дунё» ва «коинот» сўзларига нисбатан мазмунан кенгдир. Аммо «олам» сўзининг қўлланишини ҳисобга олсак, у мавжудотнинг айрим турларига нисбатан ҳам қўлланганини кўрамиз. Масалан, ҳайвонот олами, санъат олами, илм олами, кишининг руҳий олами каби иборалар тилимизда кўп. Бу жиҳатдан эса «олам» сўзи «дунё», «жа-

ҳон» ва «қоинот» сўзларига нисбатан маъно жиҳатдан чекланган ҳолда бўлади.

Инсон жуда мураккаб тузилишга эгаллиги, у махлуқотнинг энг мукаммали бўлганлиги учун олам сўзини инсонга нисбатан ҳам қўллаб, уни «кичик олам» деб атайдилар ва бу ҳолда бутун оламни «улуғ олам» дейдилар.

Қўплаб тилларда, жумладан, ўзбек тилида «икки олам», «ўн саккиз олам» ва «ўн саккиз минг олам» деган иборалар мавжуд. Уқувчиларимиз бу ибораларнинг ҳақиқатини ҳам билишлари керак. Бинобарин, булар ҳақида ҳам қисқача маълумот беришга тўғри келади.

«Икки олам» деганда охиратга эътиқоди бор кишилар дунё ва охиратни, ўзгалар бутун оламни тушунадилар ва уни муболаға учун ишлатадилар. Икки олам фалсафий мазмунда ҳам қўлланади. Бу ҳолда эски мутафаккирларимиз ғайб олами ва шаҳодат олами деган тушунчани назарда тутадилар. Ғайб олами деганда борлиқнинг сезиб бўлмайдиган ички жиҳатини ёки инсоннинг маънавий томонини, шаҳодат олами деганда уларнинг ташқи жиҳатини, кўринишини тушунадилар.

Ҳикоятларнинг бирида бир киши иккинчисидан: Фалончи ҳақида миш-миш гаплар юради. Шу киши ҳақида қандай фикрдасиз, деб сўраганда, у зоҳири, яъни ташқи кўриниши яхши, ботини, яъни ичиғайб оламини мен билолмайман, деб жавоб беради.

«Ҳн саккиз олам», «ўн саккиз минг олам», «етмиш минг олам», «уч юз олтмиш минг олам» деган иборалар ҳам бор бўлиб, булар илмий асосга эга эмас. Булардан «ўн саккиз минг олам» машҳур бўлиб, муболаға учун қўлланади. Навоий ҳам бадий мақсадда бу иборадан ўзининг бир ғазалида фойдаланган:

Ҳн секиз минг олам ошуби агар бошиндадур
Не ажаб чун сарвнoзим ўн секиз ёшиндадур.

Навоийнинг сарвнози агар ўн саккиз ёшда бўлмаганда у «ўн саккиз минг олам» иборасини ишлатмаган бўлар эди.

* * *

Юлдуз билан боғлиқ «истараси иссиқ» деган ибора бор бўлиб, у юзида яхшилик аломати сезилиб турган, илиқ муомалалик кишига нисбатан ишлатилади ва бундаги «истара» юлдуз маъносидаги «истора» ёки «ситора» сўзидир, «астрономия», «астрология», «астрофизика» деган сўзларнинг «астро» қисми ҳам ана шу «истора»га тарихан алоқадордир.

Демак, «истараси иссиқ» луғавий жиҳатдан юлдузи иссиқ дегани экан. Юлдузнинг, мунажжимлар эътиқодига кўра, кишининг табиатига таъсири бор. Шунга биноан, «юлдузи иссиқ» табиатан илиқ деган маънони беради.

Мазкур иборага маънодош «меҳргийёси бор» деган ибора ҳам мавжуд. Бу иборадаги «меҳргийё» сўзининг тарихи қизиқ.

Қўпчилик ёқтирадиган, халқ меҳрини қозонган кишига унинг «меҳргийёси бор» ёки «меҳргийёси бўлса керак» деган ибораларнинг келиб чиқишига халқ орасида бор, лекин ғайриилмий бир нақл сабаб бўлган. Бу нақлга кўра «меҳргийё» деб аталган ўсимликни ёнида олиб юрган киши кўпчиликнинг меҳрига муяссар бўлади. Меҳргийё қандай ўсимлик, деган саволга бир неча хил жавоб бор. «Ғиёсу-л-луғат»да бунинг кунгабоқарнинг гулига нисбатан ишлатилиши айтилган. Бу ҳолда «меҳр»дан мурод қуёш бўлади. Чунки «меҳр» сўзининг қуёш маъноси бор. Бунинг қадимги шакли «митра» бўлиб, офтобпарастлик маъносидаги «мирракульт» сўзи таркибида сақланган. «Ғиё» асли «ғиёҳ», ўт дегани. Уша луғатда яна меҳргийёга, томири инсон шаклига эга бўлган ўт, деб маъно берилган. Бунда меҳргийё юнонча ва русча номи «мандрагора» бўлган

ўтнинг оти бўлади ва бу ҳолда унинг меҳр қисми инсон, эр маъноларига эга бўлган «мартия» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб чиқади. «Мандрагора» сўзининг «мандра» қисми ҳам ана шу «мартия» сўзига алоқадордир. Ҳозирги «мард» сўзининг асли ҳам «мартия»дир. Демак «меҳргийё» сўзининг луғавий маъносини «қуёшўт» ва «инсонўт» деб тушуниш бор экан.

Буларнинг тўғриси «инсонўт» бўлиб, мазкур ўсимликнинг томири шаклан инсонга ўхшаган бўлгани учун уни «меҳргийё» деб атаганлар. Аммо «меҳргийёси бор» деган иборанинг келиб чиқишига «меҳр»ни ҳозир машҳур бўлган шафқат, муҳаббат маъносида тушуниш сабаб бўлган.

* * *

Деҳқонларимизга хос ой ҳисоби ва шу ойларнинг номи билан боғлиқ «Хут кирди— деҳқоннинг ичига қурт кирди», «ҳамал кирди — амал кирди», «асад — экиннингни ясат», «сунбулада сув тинади», «сабзи ва туруп қавс сувини ичиши керак» деган ибора ва гаплар бор. Буларнинг маъносини яхши англаш учун қуйидаги маълумотга мурожаат этишимиз керак.

Мазкур ойлар табиий қуёш йилига мансуб бўлиб, унинг табиийлиги шундаки, бунда табиатдаги қуёш билан боғлиқ бўлган фаслий ўзгаришлар ҳисобга олинган. Шунинг учун бу йил ҳисоби «фаслий» деб аталади. Фаслийда йил баҳорнинг биринчи кунидан бошланади ва қишнинг охириг кун билан тугайди. Йилда икки марта тун билан кун баробар бўлади. Биридан кейин кун тунга нисбатан узая бошлайди, иккинчисидан сўнг тун кунга нисбатан узая бошлайди. Кун узая бошлагандаги тун-кун тенглигидан баҳор, тун узая бошлагандагисидан куз бошланади. Кун билан туннинг тенг бўлган пайтини «эътидол» ёки «тенгкунлик» дейилади. Руслар «равноденствие» дейди. Баҳор куннинг энг узун ва туннинг энг қисқа бўл-

ган давригача давом этиб, шундан кейин ёз фасли бошланади. Бунини «ёзги инқилоб» ёки «ёзги кун қайтиши», русча «летнее солнцестояние» деб атайдилар. Кун қайтишини, «солнцестояние» сўзини назарда тутиб, «қуёш туриши» деб ҳам атайдилар. Ёз фасли кун қисқаришга юз тутиб, кузги эътидолгача давом этади. Куз туннининг энг узун ва куннинг энг қисқа бўладиган вақтигача давом этади. Шу пайтдан қиш бошланиб, кун узайишга юз туттади. Бунини «қишки инқилоб» ёки «қишки кун қайтиши», ёхуд қишки кун туриши, русча «зимнее солнцестояние» дейилади. Қиш баҳорги эътидолгача давом этади ва шу билан йил ва унинг тўрт фасли тугайди. Бу йилнинг ойлари буржларнинг номи билан аталади. Баҳорнинг биринчи кунини йил боши ҳисобланади ва у «наврўз» деб аталади. Қуёш наврўздан, яъни баҳорги эътидолдан бошлаб 31 кун, буржларнинг қадимги ўрнига кўра, ҳамал буржида бўлади. Шунинг учун баҳорнинг биринчи ойини «ҳамал ойи» ёки қисқача «ҳамал» деб атайдилар. Бу ойда экиш-тикиш ишлари амалий тус олганлиги сабабли «ҳамал кирди — амал кирди» деган ибора қўлланади. Ҳамалнинг биринчи кунини мартнинг йигирма биринчисига тўғри келади.

Офтобнинг бир бурждан чиқиб, иккинчи буржда киришини «таҳвил» дейдилар. Навоий ўзининг «Фарҳоду Ширин» достонида

**Ҳамал таҳвили эткач меҳр-и гулчеҳр —
Очар юз гул замона кўргач уч меҳр**

дейди. Яъни гулчеҳрли қуёш ҳамалга таҳвил эткач, ҳут буржидан чиқиб ҳамал буржигача киргач, замона ул қуёш ва табиат меҳри тўфайли турли-туман гулларни очади.

Баҳорнинг иккинчи ойи «савр» дейилади. Саврнинг биринчи кунини апрелнинг йигирма биринчи кунига тўғри келади.

Кейинги ой «жавзо» деб аталади. Жавзонинг биринчи куни майнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Жавзо кўклам фаслининг учинчи, яъни охирги ойидир.

Шундан кейин саратон ойи келади. Унинг биринчи куни июннинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Саратонда сув кам бўлиб ёки бошқа сабабларга кўра экин қондириб суғорилмаса, яхши авж олмайди. Шунинг учун деҳқонларимиз, экин саратон сувига қонмаса, авжи бўлмайди, дейдилар.

Ёз фаслининг иккинчиси «асад» бўлиб, бу ойда экин ҳосилга кира бошлайди. Бу ойда экинга яхши ишлов берилса, ҳосил мўл бўлади. Шунинг учун деҳқонларимиз «асад — экинингни ясат!» дейдилар. Асаднинг биринчи куни июль ойининг йигирма учинчисига тўғри келади. Ёзнинг охирги ойи «сунбула» бўлиб, бунда ариқ ва дарёлардан тиниқ сув оқади. Шунинг учун «сунбулада сув тинади» дейилади. Сунбуланинг биринчи куни августнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Куз фаслининг биринчи ойи «мезон» бўлиб, унинг биринчи куни сентябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Кейинги ой «ақраб» деб аталади. Ақраб куз мавсумининг иккинчи ойидир. Ақрабнинг биринчиси октябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Ақрабдан сўнг «қавс» келади. Қавснинг биринчи куни ноябрнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Деҳқонлар орасида, туруп ва кечки сабзи қавс сувини неча яхши бўлади, деган гап бор.

Қавсдан сўнг қишнинг биринчи ойи «жадй» келади. Бу сўзда де ҳарфидан кейин йе ҳарфи келади. «и» ҳарфи йўқ. Жадйнинг биринчи куни декабрнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Жадйдан сўнг қишнинг иккинчи ойи «далв» келади.

Шундан кейин «хут» бошланади. Хутнинг бирин-

чи кунн февралнинг йигирманчи кунига тўғри келади. Жадй, далв ва ҳут ойлари қиш фаслига оиддир. Қишнинг охирги ойи — ҳутда деҳқончилика тайёргарлик бошланади. Бинобарин «ҳут кирди — деҳқоннинг ичига қурт кирди» дейилади. Чунки ҳут ойида деҳқонлар гап-гаштакларни йиғиштириб, шошилинич тарзда экиштикиш асбобларини тузатиб, уруғ, кўчатларни экишга ҳозирлай бошлайдилар.

Фаслий ойлари ҳозирги астрономия фанида «тропик йил», «астранимик баҳор» ва «астранимик куз» деб аталадиган табиий мавсумларни ўзда аниқ акс эттиради.

Аммо бу ойларни бугунги астранимик хулосалар билан солиштирганимизда бурж билан шу бурж номига қўйилган ой ўртасида ихтилоф мавжудлигини кўрамиз. Ҳозирги астрономияда баҳорги тенгкунлик нуқтан ҳамал буржида эмас, ҳут буржида деб кўрсатилади, лекин карта ва жадвалларда бу нуқтага қадимгича ҳамал белгиси қўйилади.

Баҳорги тенгкунлик нуқтаси эса, ҳозирги астрономияда мезон буржида эмас, сунбула буржида деб кўрсатилади, лекин қоғозда бу нуқта қадимгича мезон белгиси билан ифодаланади. Бу ихтилофнинг сабабини билиш учун аввал «бурж нима» деган саволга жавоб бермоқ лозим.

Маълумки, ер куррасини, яъни ер шарини осмон қуршаб олган. Ерни қуршаган осмон ҳам шар шаклида тасаввур қилинади. Ернинг ўз ўқи атрофида ва қуёш атрофида айланиши ҳамда оғиши натижасида осмоннинг ва ундаги жисмларнинг ерга нисбатан ўрин ўзгартириши «кўринма ҳаракат» дейилади. Ернинг қуёш атрофидаги йиллик ҳаракати қуёшнинг айланадан иборат йиллик кўринма ҳаракатини ҳосил қилади. Қуёшнинг мана шу айланма ҳаракат йўлини «буржлар минтақаси», «буржлар фалаги» ёхуд «эклептика» деб аталади. Айланани тенг ўн иккига бўлганда ўттиз

пуктаси баҳор эътидолига тўғри келади. Мана шу ҳар бир бўлакни қуёш бир ойда босиб ўтади. Ҳар бир ой ҳадди ақалл, яъни минимум йигирма етти кун ва ҳадди аксар, яъни максимум ўттиз икки кундан иборат. Мана шу ҳар бир бўлак «бурж» дейилади ва ҳар бир бурж шу буржда мавжуд бўлган юлдуз туркумининг номи билан аталади. Юлдуз туркумларининг ҳар бири бирор нарсанинг сурати шаклида тасаввур қилингани учун улар «суврат» ёки «шакл» деб аталади. Бурж русча «знак зодиака» дейилади. Қадимги тилда бурж маъносида «укак» деган сўз ҳам ишлатилган. «Бурж» ва «укак» сўзларининг ҳақиқий маъноси русча «башня» сўзининг маъносига тўғри келади. «Экклентика» сўзи эса тутилиш деган маънода бўлиб, қуёшнинг тутилиши унинг мазкур йиллик йўлида содир бўлгани учун буржлар минтақасини «эклептика» деб атаганлар.

Ҳамал буржидаги суврат, яъни юлдуз туркуми қўй шаклида тасаввур қилинган ва осмон атласларида шу шаклда берилган. Шунинг учун бу буржни «ҳамал» ёки «қўзи» деб атаганлар, русчада овец. Ҳозир араблар «кабш» деб ҳам атайдилар. «Кабш» қўчқор дегани.

«Савр» ҳўкиз, буқа дегани. Савр буржининг суврати буқа шаклида. Қадимги туркийда «уд» ёки «уй» ҳам дейилган. «Уд» ва «уй» қорамол дегани. Навоий, Бобур ва бошқалар қорамол, яъни сигир, буқа ва ҳўкизнинг умумий номи сифатида «уй» сўзини ишлатганлар. Саврнинг русчаси телец.

Жавзонинг суврати эгизак шаклида, лекин «жавзо» сўзининг лугавий маъноси бели оқ-қора қўйдир. Бундай қўй қора қўйлар орасида яхши ажралиб туради. Жавзо суврати ҳам бошқа сувратлардан аниқ ажралиб тургани учун шундай деб аталган, дейилади. Жавзон яна тавъамон деб ҳам атайдилар. Тавъамон эгизак дегани. Русчаси Близнецы, яъни эгизакдир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржни «эрандиз» деган.

Саратоннинг суврати қисқичбақа шаклида. Саратон ва унинг қадимги туркий номи «қўчиқ» ҳам, русчаси «Рак» ҳам қисқичбақа деган маънода.

Асаднинг суврати арслон шаклида. «Асад» ва бунинг русчаси «Лев» ҳам арслон дегани. Юсуф Хос-Ҳожиб асад буржини «арслон» деб атаган.

Сунбуланинг суврати қўлига буғдой бошоғи ушлаб олган қиз шаклидадир. «Сунбула» буғдой бошоғидир. Юсуф Хос-Ҳожиб сунбула буржини «Буғдой бошоғи» деган. Русчаси «Дева» бўлиб, маъноси қиздир. Арабчада «Азро» деган сўз ҳам сунбула буржининг сувратига нисбатан ишлатилади. «Азро» ҳам қиз дегани.

Мезон — тарози дегани. Мезон буржининг суврати тарози шаклидадир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржини «Улгу» деб атаган. Русчаси «Веси» бўлиб, бу тарози деган маънодадир.

Ақраб — чаён дегани. Ақраб буржининг суврати чаён шаклидадир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржини чазан, яъни чаён деган. Русчаси «Скорпион» бўлиб, бу ҳам чаёндир.

Қавснинг суврати белидан қуйи қисми от шаклидаги ва ёйдан ўқ отаётган одамдир. «Қавс» сўзининг луғавий маъноси ёйдир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржини «ё» деб атаган. Русчаси «Стрелец» бўлиб, ўқ отувчи деган маънодадир. Арабчада «Ромий» деган сўз ҳам ишлатилади. Бу ҳам «отувчи» деган маънодадир.

«Жадй» сўзи эчкини билдиради. Жадй буржининг суврати белидан пастки қисми балиқ думидан иборат шохли эчки шаклидадир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржини «Ўғлоқ» яъни улоқ деб атаган. Русчаси Козерог бўлиб, эчкишох ёки эчки шохи деган маънони билдиради.

«Далв»нинг луғавий маъноси қовға, яъни қудуқдан сув чиқарадиган кўпдан ишланган мешдир. Далв буржининг суврати қўлидаги идишдан сув тўкиб турган

киши шаклидадир. Юсуф Хос-Ҳожиб Далв буржини Қўнак деган. Русчаси Водолей, яъни «сувтўкар»дир.

Балиқнинг каттаси ёки китни «Хут» дейилади. Хут буржининг суврати думлари бир-бирига тасма билан боғланган балиқлар шаклидадир. Юсуф Хос-Ҳожиб бу буржни «Балиқ» деб атаган. Русчаси «Рыбы», яъни балиқлардир.

«Шамсий» ёки «қуёш йили», «қамарий» ёки «ой йили», «тақвимий» ёки «календарь йили» деган атаmalar ҳам бор. Агар йилнинг ой кунлари ер куррасининг қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиши ёки кўринма ҳаракат нуқтаи назаридан ўн икки буржни айланиб чиқиши билан белгиланса, уни «шамсий» ёки «қуёш йили», русча «солнечный год» деб атайдилар.

Агар йил давоматини осмондаги ойнинг янгиланиши билан белгиланса, бундай йилни «қамарий» ёки «ой йили», русча «лунный год» дейдилар. «Тақвимий» ёки «календарь йили» деганда йилнинг тақвимда, календарда, яъни қоғоздаги акси тушунилади. Календарнинг ўзи ҳам икки хил бўлади. Шамсий акс этган календарни «шамсий тақвим» ёки «қуёш календар» русча «солнечный календарь» деб, қамарий акс эттирилган календарни «қамарий тақвим» ёки «ой календар» русча «лунный календарь» деб атайдилар.

Ер қуёш атрофини уч юз олтиш беш куну беш соат ва тахминан чорак кам қирқ тўққиз минутда айланиб чиқади. Демак қуёш йили уч юз олтиш беш куну беш соату чорак кам қирқ тўққиз минутга тенг экан. Календарда фақат кунларнинг сони акс эттирилиб, соат ва минутлар акс эттирилмайди. Календардаги йил 365 ёки 366 кунда тугайди. Календарь йили қуёш йилидан орқада қолиши, узайиб кетмаслиги учун тўрт йилда бир бор 366 кунлик қилиб тузилади. Қўшилган бир кунни «кабиса» дейилади. Кабисали йилни «кабиса йили» дейилади, русчаси эса, «высокоосный год» бўлади.

Ой йилига тузиладиган календарларда ҳам табиий ой йили аниқ акс этмайди. Чунки ой йигирма тўққиз куну ўн икки соату қирқ тўрт минутдан сал ортиқроқ вақтда янгиланади ва ой ўн икки марта янгиланганда уч юз эллик тўрт куну сал кам тўққиз соат вақт ўтади. Шундай қилиб ой календариди ҳам табиий ой йили аниқ акс этмас экан.

Табиийсидан қоғоздагисини фарқлаш учун «календарь йили» деган термин вужудга келган. Наврўз ва умуман, фаслий ойларнинг боши ҳозирги календаримизнинг аниқ бир кунига тўғри келмаслигининг сабаби ҳам шунда. Наврўз, яъни ҳамалнинг биринчи кунини календарнинг кабисали йилида тахминан мартнинг йигирма биринчи кунига, кабисасиз йилида эса, йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Қолган ойлар ҳам шу хилда фарқ қилади.

Энди «тропик йил» ва «бессель йили» деган терминларга ҳам изоҳ берайлик. Ҳозирги астрономияда фасл ҳисобга олинган қуёш йилини «тропик йил» деб аталади ва бу мазмунан «фаслий йил» терминига тўғри келади. Бессель йили Григорий календарига мослаштирилган сунъий қуёш йилининг биринчи кунини декабрнинг ўттиз биринчи ёки январнинг биринчи кунига тўғри келади. Бессель йили астрономияда осмон жисмларининг ҳаракат ва ўрнини белгилашда ишлатилади. Григорий календари халқаро миқёсда қўллангани учун Бессель йилининг амалий қулайлиги бор.

Энди нима учун қадимги астрономияда баҳорги эътидол нуқтаси ҳамал буржида, кузгиси эса мезон буржида деб кўрсатилган, аммо ҳозирги астрономик маълумотларга кўра баҳорги тенгкунлик нуқтаси ҳут буржида, кузгиси эса сунбула буржида деб кўрсатилади, деган саволга жавоб беришимиз керак. Агар бунинг сабабини айтмасак, қадимги олимлар хатога йўл қўйган, деган хулосага келиш ҳам мумкин, ҳолбуки, хато қилинган эмас. Ерга нисбатан буржларнинг ўрни

бир оз ўзгарган. Шунинг учун қадимги вақтда ҳамал буржида кузатиладиган нуқта ҳозир ҳутда, мезондагиси сунбулада кузатилади. Бу силжишнинг сабаблари шундай. Сайёраларга нисбатан собита, яъни турғун юлдуз деб аталадиган юлдузлар ҳам аслида ҳаракатга эга юлдузлардир. Буни Абурайҳон Беруний ҳам таъкидлаб ўтган. У турғун юлдузларнинг ҳаракати сезиларсиз даражададир, дейди. Буржларнинг ерга нисбатан силжишининг ҳозир астраномияда ҳисоблаб аниқланган сабаби шуки, ернинг ўз ўқи атрофида текис айланмасдан тебраниб айланиши ва ўз ўқини ўзгартариши натижасида осмонга нисбатан силжиш рўй беради, натижада тенгкунлик нуқталари ҳам буржлар доирасида қуёшнинг йиллик ҳаракатига қарши йўналишда илгарилаб боради. Бу «прецессия», яъни илгарилаш деб аталади. Ўз ўқи атрофида айланаётган жисмнинг тебраниши ҳозирги илмда «нутация» дейилади. Аммо биологияда «нутация» сўзи бир оз бошқачароқ маъно касб этган. Ернинг нутация даври ўн саккизу ўндан олти йилга тенг, прецессия даври эса 26 000 йилга тенг. Бу тенгкунлик нуқталари буржлар доирасини 26 000 йилда бир марта айланиб чиқади, деган сўз. Бир буржни эса 2166 йилдан сал ортиқроқ муддатда босиб ўтади. Шу ҳисобга биноан, баҳорги ва кузги эътидол нуқталари бир йилда бурж минтақасида қуёшга қарама-қарши йўналишда тахминан беш секунд илгарилайди. Бултур астраномияда, ернинг йиллик даври олдинги йилларга нисбатан бир секунд узоқроқ бўлган, деган гап бўлди. Бу ҳолда мазкур силжиш масофаси ҳам камроқ бўлган бўлади.

Шундай қилиб, собитларнинг, яъни турғун юлдузларнинг хусусий ҳаракати ва ер курраесининг нотекислиги, қуёш ва ойнинг таъсири натижасида бўладиган нутация ва прецессиялар натижасида буржларнинг вазияти кўринма ҳаракатда ерга нисбатан ўзгарар экан. Шунинг учун ҳозирги пайтда баҳорги эътидол

ҳамалда эмас, ҳудда содир бўлар экан. Лекин қоғозда баҳорги эътидол нуқтаси илгаригидек ҳамал аломати билан белгиланади. Кузги эътидол эса, ҳозир сунбулада юз берса ҳам, традицияга кўра мезон белгиси билан ифодаланади.

* * *

Энди «ҳол тили билан сўзламак» деган иборанинг мазмуни билан танишинг. «Ҳол тили билан сўзламак» деганда асосан тилсиз мавжудотнинг сўзсиз бир нарсани билдирмаги тушунилади. Зийрак кишилар ҳар бир нарсани кўрганда унинг кўринишини ўзлаштириш билан чекланмай, ҳар жиҳатдан мулоҳаза юритиб, унинг моҳияти ҳақида фикр юритадилар, сабаб ва натижасини кўз олдига келтирадилар, фойда ва зарарини аниқлайдилар, шу нарса билан боғлиқ ўзга нарса ва воқеаларни хаёлларига келтириб ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб оладилар. Натижада ўша нарса бундай кишига сўз воситаси билан эмас, ўз ҳоли орқали ўша воқеаларни сўзлагандай бўлади. Шунини «ҳол тили билан сўзламак» ёки «забон-и ҳол билан демак» дейдилар. Масалан, эсли болага тамаки ёки наша каби чеккилик ҳол тили билан шундай дейиш мумкин:

«Мен иродасиз, ўзини тиёлмайдиган болаларни чекишга ўргатиб, уларни турли дардларга гирифтор қиладиган заҳарли гиёҳман. Мендан ҳосил бўладиган бадбўйлик фақат чекувчининг оғзини эмас, атрофдагиларнинг димоғини ҳам нохуш қилади. Менинг тутуним кашанданигина эмас, унга яқинлашган кишининг ҳам соғлиғига зарар келтиради. Менинг ису қурумум фақат менга тутқун бўлган кишини йўталу балғам билан безовта қилмасдан унинг уйдагиларнинг уйқусини ҳам харом қилади. Менинг таркибимдаги оғу фақат чекувчининг ўпкасию бошқа марказ мучалла-

рини азобли касаллар билан заҳарлаб қолмасдан, унинг наслини ҳам дардманд қилади».

Ҳол тили мавжудот сирларини баён қилувчи бадий восита бўлгани учун у шоирлар тилида ҳам намоён бўлади. Машҳур шоир Жалолоддин Румийнинг «Маскавий-и маънавий» деб аталган асарига найнинг ҳол тили билан айтган сўзлари муқаддима бўлган:

Тингла найни, не ҳикоятлар қилур,
Ул жудоликтин шикоятлар қилур:

То қамишлиқтин кесилгандин буён,
Унума эр-хотин айларлар фиғон.

Кўкрагимни тилка-тилка айласам
Иштиёким дарди шарҳин сўйласам.

Кимки, айру тушса гар ўз аслидин,
Баҳра топмоқ истасун ўз васлидин.

Мен қилурмен нола турлуғ зодға,
Жуфт айлаб қайғулуғни шодға.

Ўзича ҳар киши менга ёр эрур,
Билмас аммо ичта не сир бор эрур.

Сирларим ноламдин эрмастур йироқ,
Сезмагай лек ани кўз бирлан қулоқ.

Жонсизин тан, тансизин жон йўқ турур,
Жонни кўрган киши лекин йўқ эрур.

Най уни ўт эрур аслан, ел эмас,
Кимда бу ўт бўлмаса, ул эл эмас.

Ишқ ўтиндиндур ул ўтким, найдадур,
Ишқдиндур ул қизишким, майдадур...

Мақсуд Шайхзодада қуёш баҳор кириши вақтида ҳол тили билан мана шундай деган:

Күөш дерки: — Ерга ёруғ сочаман.
Күчөгимни эркинликка очаман.
Инсонларга уқдираман ҳақини,
Қардошлиқни, ижодни, тараққийни.
Мен табассум бағишлайман юзларга,
Мен латофат келтираман қизларга...
Ерга ҳаёт, қўлга қувват бераман.
Зулматларни ҳайдаб ғорга сураман.
Ишловчини, ишни яхши кўраман.
Эркини севиб ва кузатиб юраман!
Шу учун ҳам энг кўп турган манзилим
СССРнинг бу бепоён тупроғи.
Ҳароратдир чаманимда ҳосилим,
Эркин меҳнат аҳли ишда ўртоғим!
Лекин бордур, афсус, нур ўғрилари,
Тўсиб турар ёруғимни нокаслар.
Аммо, бир кун кўйдираман мен барин,
Бадкирдорлар асти мангу эмаслар.

* * *

«Тўрт фазилат» деган ибора ҳам бор. Бунга биринчи ҳикмат, иккинчи шижоат, учинчи иффат, тўртинчи адолат киради. «Ҳикмат» сўзи фазилат билдирганда шундай тушунилади: Ҳикмат назарий ва амалий қувватлардан иборат бўлиб, зако, зеҳн сафоси, ҳусн-и тааққул ва таҳаффуз деб аталган тўртта хислатни ўз ичига олади.

Назарий қувватдан мурод кишининг мавжудот ҳақиқатини англаб ўз имконияти доирасида мутлақ борлиқни идрок этишдир.

Ҳикматнинг амалий қуввати эса шахснинг ахлоқни яхшилаб эзгу ишлар қилишга ўзини одатлантира олишидир.

Зако кўп нарсани чуқур ўрганиш натижасида киши онгининг кучайиб, сезиб билинадиган нарсалар асосида мантиқий натижалар чиқариб, сезги аъзолари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни англай олишидир. Закога шундай бир мисол келтириш мумкин. Абу Али ибн Сино заррабин, яъни, микраскоп йўқ пайтида

юқумли касалликлар турли микроблар тарқатишини касалнинг тарқалиш хусусиятига асосланиб билган. Яна бир мисол: сувнинг буғ, булут, ёмғир, дўл, қор ва муз шаклларини олиши сингари ҳодисалар асосида олимларимиз, коинотнинг асли ягона бўлган, деб хулоса чиқарганлар.

Ҳофиз Шерозий «Жавонон-и саодатманд гўш до-ранд панд-и пир-и доноро», яъни, доно қарияларнинг насиҳатига бахтли ёшларгина қулоқ соладилар, дейди.

Бугунги ҳар бир ўғил ёки қиз Ҳофизнинг қанчалик тўғри бир ҳақиқатни айтганлигини ўз умри давомида бошдан кечириши ёки мушоҳада қилиши мумкин.

Зеҳн сафоси деганда бир масала, жумбоқнинг ечими ёки бир ишнинг натижасини қийналмай осон ва тез ўйлаб топиш тушунилади.

«Ҳусн-и тааққул» деб тўғри фикр юритиб, хато ва янглишлардан сақланишга, ақлни яхши томонга ишлатишга айтилади. Чунки ният бузилса, киши ақлни сунистеъмол қилиши мумкин. Бу ҳолда киши онгида хато фикрлар пайдо бўлади, мафкура бузилади, натижада киши ҳикматдан йироқлашиб тўғри йўлдан озади.

Таҳаффуз деганда, кўрган, билиб олган ва ўрганган нарсаларни яхши эслаб қолиб, керак бўлган пайтда тезда эсга келтира олиш тушунилади.

Энди шижоатга келсак: бу хавфли вазиятларда кишини тўғри йўл ва асл мақсаддан чекинишга йўл қўймайдиган куч бўлиб, у олтига ҳислатни ўз ичига олади. Буларнинг бири кибр-и нафс, яъни руҳий улуғворлик бўлиб, бу кишини улуғ ишларни амалга ошираётганда роҳат ёки машаққатларга парво қилдирмайди. Бунга шундай бир мисол келтириш мумкин. Ватанни ташқи душмандан ҳимоя қилиш улуғ иш. Бу ишда саодат кўрсатилса жон хатари бор, агар хиёнат

қилинса, душман илтифоти туфайли роҳатга эришиш мумкин. Гоҳо заиф кишилар ўлимдан қўрқиб, ёлғиз ўз жонининг роҳатини кўзлаб, халқига хиёнат қилиб, унинг асоратга тушишига имкон туғдириб бериши мумкин. Аммо руҳан тетик киши жонидан кечади, разилона маишатларни ўзига ҳаром деб билади ва душманга ёрдам бермайди, ўз халқини сотмайди. Қизиғи шу ердаки, бугунгача жон сақлаб роҳат қилган хоинни тарих кўрган эмас. Буларнинг кўпларини у ёрдам қилган ўша душманнинг ўзи турли-туман таҳқирлар билан хору зор қилиб ўлдирган.

Иккинчиси, «улувв-и ҳикмат» деб аталади. Улувв-и ҳикмат инсоний камолот йўлида ғов бўладиган ҳар қандай қийинчиликка эътибор бермай эзгуликка мардона интилишдир.

Учинчиси, хилм бўлиб, бу хислат ҳар қанча ғазаб қўзғайдиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб мулойимлик кўрсатишдан иборат.

Тўртинчиси, тавозудир. Тавозу ўзгаларга, айниқса мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ деб ҳисобламасликдир.

Бешинчиси, ҳамият бўлиб, бу ўз халқининг ва ўзга элларнинг урфу одатларини ҳурмат қилиш, жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш, оиласининг, дўстларининг шарафини сақлашдан иборат.

Олтинчиси, «риққат» деб аталади. Риққат кишининг ўз жинсига, яъни жони бор ҳамма нарсага раҳмдил ва шафқатли бўлиши, ўзгаларнинг дарду аламларини, қийин аҳволини ҳисобга олиб шунга яраша, лекин изтиробга тушмасдан амал қилишидир.

Энди иффатга келдик, иффат деганда шаҳват, яъни лаззат ва манфаатга бўлган интилишнинг ақлга бўйсиндирилиши тушунилади ва бу етти нарсани ўз ичига олади.

Биринчиси, ҳаё бўлиб, бу уят ва енгилтаклик ҳисобланган ишлардан тийинишдир.

Иккинчиси, ҳусн-и ибтидо бўлиб, бу яхши хислатларни эгаллаш ва имкон борича ўз яқинларининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилишдир.

Учинчиси, сабр бўлиб, бу нафсоний қувватларни жиловлашдир.

Тўртинчиси, қаноат бўлиб, бу еб-ичмак ва кийинмакнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмасликдир.

Бешинчиси, виқордир. Виқор талаб қилинган нарсаларға эришишға бўлган ишонч ва бу йўлга шошма-шошарлик қилмасликдир.

Олтинчиси, «хайрият» деб аталади. Хайрият маишатни ҳалол кечирш, молни яхшилик билан топиб, яхшиликка сарф қилишдир.

Еттинчиси, саховат бўлиб, бу ачинмасдан ва аямасдан, лекин ҳаддан оширмасдан, молни керак бўлган ўринларда ўзига, яқинларига ва муҳтожларға сарф қилиш малакасиدير.

Энди адолатға келсак, бу ҳаммани тенг кўриб, ҳаммага бир хил муносабатда бўлишдир. Адолат садоқат, вафо, хизмат, таслим ва таваккул деб аталган хислатларни ўз ичига олади.

Садоқат — чин дўстлик бўлиб, бунда киши ўзига раво кўрганни ўзгаға раво кўриб, ўзига раво кўрмагани ўзгаға ҳам раво кўрмайди.

Таслим — мавжуд қонуну-қоидаларни ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсаларни ўзига ёқмаса ҳам мамнуният билан қабул этишдир.

Хизмат — бу кишининг ўз вазифа ва бурчларини яхшилаб адо этишдир.

Вафо — кишининг ўз навъига, хусусан яқинларига мардона муносабатда бўлишидир.

Таваккул деганда, ҳар бир ҳаракатнинг охири фақат ўзимға ёки ўзга ишончли шахсларға боғлиқ деб ўйламасдан, борлиқ қонунларига ҳам боғлиқлигини ҳисобға олиб иш кўриш тушунилади. Чунки инсон

бажармоқчи бўлган ишнинг натижаси фақат кишининг ўзига ёки ўзга кишиларнинг ихтиёрига эмас, объектив қонун ва ҳодисаларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун шахснинг ҳаракати табиат қонунига мос бўлган тақдирдагина яхши натижа беради. Акс ҳолда ё зое кетади, ё салбий натижа беради.

Демак, тўрт фазилатнинг биринчиси ҳикмат бўлиб, бу фазилат назарий ва амалий қувватларга эга ва зако, зеҳн сафоси, ҳусн-и тааққул, таҳаффуз деб аталган тўрт хислатни ўз ичига олар экан. Иккинчи фазилат шижоат бўлиб, бу кибр-и нафс, улувв-и ҳикмат, ҳилм, тавозу, ҳамият ва риққат деб номланган олти хислатдан иборат экан.

Учинчи фазилат иффат бўлиб, бу ҳаё, ҳусн-и ибтидо, сабр, қаноат, виқор, хайрият ва саховат деган етти хислатни ўз ичига олар экан.

Тўртинчи фазилат эса адолат бўлиб, бу садоқат, вафо, таслим, хизмат ва таваккулдан иборатдир.

Шу ўринда нотўғри фикр ҳосил бўлмаслиги учун бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Биз ҳозир мазкур атамалларга тўрт фазилат деган ахлоқий таълимот нуқтан назаридан маъно бердик. Бошқа ўринларда мазкур сўзларнинг маъноси ўзгачароқ бўлади. Масалан, «адолат» сўзи урфий маънода ёки адлия термини сифатида қўлланганда садоқат, вафо ва таслим каби тушунчаларни қамрамайди. Буни назардан қочириш керак эмас.

* * *

Албатта, «маъно аҳли» деган иборани эшитгансиз. Энди шу иборанинг мазмуни билан танишинг. Маъно аҳли суврат аҳлининг зиддидир. Ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир ҳодисанинг суврати ва маъноси бор. Ҳозирги философияда сувратни «шакл» ва маънони «мазмун» дейилади. «Шакл» ва «мазмун» сўзлари русча «форма» ва «содержание» сўзларининг таржимасидир.

Фалсафий термин сифатида «шакл» ва «мазмун» сўзлари ишлатиладиган бўлгандан кейин «маъно» ва «суврат» сўзлари махсус фалсафий маънода эмас, умумий маънода қўлланила бошлаган. Лекин эски асарларда фалсафий атама маъносида, яъни «шакл» ва «мазмун» сўзлари ўрнида «суврат» ва «маъно» сўзлари қўлланади.

«Суврат аҳли» деб ҳар бир нарсанинг ташқи кўринишига қараб, унга юзаки муносабатда бўладиган кишиларга, «маъно аҳли» деб нарса ва ҳодисаларнинг сабаби, натижа ва оқибатларини ўйлаб оқилона муносабатда бўладиган шахсларга айтилади. Масалан, нонга бўладиган муносабатни олсак, суврат аҳлига мансуб киши унинг бозордаги ёки магазиндаги нархига қараб бир тангалик арзон нарса деб ўйлайди ва уни увол ва исроф қилишдан тортинмайди. Агар шу бир тангалик нон бир-икки кун топилмаса, кишиларнинг қандай аҳволга тушишини, ҳозир дунёда неча миллионлаб кишиларнинг қорни нонга тўймай нобуд бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди, ўз элидаги фаровонлик ўз халқининг кечаю кундуз тинмасдан қилаётган меҳнатининг натижаси эканлигини билмайди.

Маъно аҳлига мансуб киши эса ўша бир тангалик нон вужудга келиши учун деҳқон куздан бошлаб ер ҳайдаб турли ҳозирликларни кўриб, донни экиб, унга тинмай ишлов бериб, ундириб, пишириб, сўнгра жазирама иссиқда уни ўриб, хирмон қилиб, янчиб, донни давлатга топширишини, ундан сўнг уни тегирмончи ёки элеватор ишчиларининг қаттиқ меҳнати натижасида ун бўлишини, кейин нонвойлар туни билан ухламасдан унни нон қилиб чиқаришини, мабодо шу нон бўлмай қолса, кишиларнинг аҳволи қандай бўлишини, дунёда аҳолиси нон тополмай касал ёки ҳалок бўлаётган мамлакатлар борлигини, кечаю кундуз фикри нон билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўлган минглаб олимлар мавжудлигини, инсонни

нон билан таъминлашда бутун табиатнинг, қуёш, ер, сув, ҳаво, турли-туман элементларнинг иштироки борлигини ҳисобга олади ва шунчалик бебаҳо неъматни бир тангага тақдим қилаётган меҳнаткаш халқига ташаккур айтиб, уни қадрлаб истеъмол қилади ва ўз бурчини ўрнига қўйиб адо этади, халқига ҳалоллик ва мамнуният билан хизмат қилади.

Маъно аҳлига хос хислатлардан бири тавозудир.

«Тавозуъ» сўзи тўлиқ ва мукамал ёзилганда охирига айриш белгиси қўйилади. Аммо ҳозирги орфографик қоидамизга биноан сўз охирида унлидан сўнг ва сўз ўртасида икки унли орасида айриш белгиси тушуриб қолдирилади. Ўзбек тилидаги ёзувда айриш белгиси бўғиз ундоши «ъ»ни билдиради. Бу ундош сўз охирида тушиб қолади ва ундан олдинги унлининг чўзиқ талаффуз қилинишига сабаб бўлади. Шунга биноан замонавий текстда айриш белгиси тушурилса, хато ҳисобланмайди. Аммо классик текстда тушуриб бўлмайди. «Мисра», «матла» каби сўзларда бўлганидек, «тавозу» сўзига эгалик қўшимчаларининг ундошдан сўнг қўшиладиган вариантлари орттирилади. «Мисраси», «матласи», «тавозуси» дейилмасдан «мисраи», «матлаи» ва «тавозун» дейилади ва шундай ёзилади. «Тавозу» сўзидаги охирги унли «у»ни «и» деб айтиш ва ёзиш хато ҳисобланади.

«Тавозу» сўзи ахлоққа оид сўзлардан бўлиб, кишининг ижобий хислатларидан бирини билдиради. «Тавозу» деганда ўзгаларга нисбатан камтарона муносабатда бўлиб, эгилиб салом бериш, таъзим қилиш, улуғлаш тушунилади. Тавозу муомалада ўзни кичик олишдир. Бунинг зидди «такаббур» бўлиб, бу ўзни катта олиши, ўзни улуғ деб ҳисоблаб, ўзгаларга катталик қилишдир. Тавозули кишини «мутавозиъ», такаббурли шахсни «мутакаббир» дейдилар. Баъзан оддий сўзлашувда «мутакаббир» сўзи ўрнида «такаббур» ва «мутакаббирлик» ўрнида «такаббурлик» сўзи-

ни ишлатадилар. Сўз усталари «такаббур» сўзини ўзини катта тушуниш маъносида ва «мутакаббир» сўзини ўзини катта тутувчи киши маъносида қўллайдилар. Демак, агар биз «такаббур ёмон хислат» ва «мутакаббир ёмон киши» десак, бу сўзларни тўғри ишлатган бўламиз.

Халқ орасида «эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча» деган мақол бор, мана шу мақолдаги эгилган сўзидан мурод мутавози ва кеккайгандан мурод мутакаббирдир.

Огаҳий ўзининг бир ғазалини:

Юзинг очким, куёш садқанг бўлуб бошингдин
айлансун,
Янги ой юз тавозуъ кўргузуб қошингдин айлансун!

деган матла билан бошлаган. Бунда шоир янги ойга нисбатан «тавозуъ» сўзини ишлатган. Янги ой, яъни ҳилол тавозуъ қилиб турган кишига ҳам ўхшайди, кишининг қошига ҳам. Шоир мана шундан фойдаланиб, ўз манзурининг қошини мақтаган. Огаҳий маҳбубасига янги ой сенинг қошингчалик гўзал эгма шаклга ва қадрга эга эмас. Шунинг учун унинг эгиклиги сенинг қошингга тан бериб тавозу қилганлигидан ва унинг осмонда айланиб юриши, сенинг қошингдан айлангани ва ўзини унга қурбон қилишга ҳозирлигидандир, дейди.

Шоирнинг қуёшни маъшуқанинг юзига, ойни қошига садқа қилишга бирор реал асос борми?

Бор, албатта. Бунинг воқийй асоси шуки, инсон оламнинг энг етук махлуқи ҳисобланади ва бутун табиат инсон учун хизмат қилади. Улуғ шоир ва буюк мутафаккирларимиз инсонни ўзга мавжудотдан устунлигини таъкидлаш билан кишиларни бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишга даъват қиладилар. Уларнинг наздида шахсий манфаат учун ўзгаларни хорлаш борлиқ қонунига зид ҳаракат ҳисобланади ва бундай

хатти-ҳаракат коннот қонунларига зид бўлгани учун кишини ёмон оқибатга олиб келади.

Энди, тавозуга Навоий тили билан яқун ясасак. Улуғ шоиримиз ўзининг «Маҳбубу-л-қулуб»ида тавозунинг фазилатлари ҳақида шундай дейди:

«Тавозуъ халқни киши маҳаббатига¹ шефта қилур ва улусни фонли маваддатига фирефта қилур. Дўстлуғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унсу улфат базмида турлуғ гуллар сочар. Мутакаббир душманға мулоямат сари йўл кўргузур ва муъжиб хасм хотириға инсоият завқини ўлтургузур. Такро-ри ҳаёсиз муддаини уят сарҳаддига бошқарур ва теъдоди инсофсиз адувни ямонлиқдан ўткарур.

Агарчи барча элдин хўбдуру бари халойиқдин марғуб, аммо сарафрозлардин хўбрўқдуру бешмезлардин марғуброқ. Абнойи жинсдин бир-бирига мустаҳсану, акобирдин асоғирға аҳсан. Сахо қилмай элни шод қилуру ато кўргузмай кишини ғамдин озод қилур».

Демак, тавозу, бир жиҳатдан мутавозини эл ҳурмати ва халқ муҳаббатига сазовар қилса, иккинчи жиҳатдан бировни менсимайдиганларни одамийликка, инсофсиз душманларни инсофга келтирар экан. Ушандай кишиларни тарбиялаб тўғри йўлга солишда тавозунинг аҳамияти катта экан. Қайси жамиятда тавозу ортиқроқ бўлса, шу жамиятда аҳиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ортиқроқ бўлади ва бундай жамият ташқи душманлар хавфидан эмин бўлади. Чунки ташқи душман биринчи навбатда ички душманликдан фойдаланади. Улуғ ва азиз кишиларимизнинг тавозуга алоҳида аҳамият берганликларининг сабаби мана шунда.

¹ «Муҳаббат» сўзининг асл шакли «маҳаббат» дир.



МАЪНО ТАФОВУТИ

Баъзан нутқда маъноси бир-бирига яқин сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиш ҳоллари учраб туради. Бу нутққа салбий таъсир кўрсатади. Бу фаслда шундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида бир неча мисол келтирамиз:

Баъзилар «тавсиф» сўзи ўрнида «тасвир» сўзини ишлатадилар. Ваҳолонки «тавсиф» ва «тасвир» сўзларининг орасида маъно фарқи ва уларнинг ҳар қайсисининг ўз ишлатиш ўрни бор.

Бир нарсанинг сифатларининг оғзаки ёки ёзма баёни «тавсиф», суврати, шакли, расми ё схемаси эса тасвир бўлади. Тавсифдан кишида тушунча ҳосил бўлади, тасвирдан тасаввур вужудга келади. Масалан, бир машинани тузилиши ва унинг ишини баён қилиш бу ўша машинанинг тавсифи бўлади. Шу машинанинг расми ёки тузилиш схемаси унинг тасвири бўлади. Яна бир мисол: мия тузилишини сўз билан тушунтириш тавсиф, унинг расми ёки схемаси тасвир бўлади.

Баъзан «тасвир» сўзи баёнга нисбатан ҳам қўлланадигани мумкин. Аммо у фақат бадий баённи англатади ёки тавсиф тасвир даражасида бўлганини билдиради. Масалан, ёзувчи паровозни бирор бошқа нарсага ўхшатса, ёки «паровоз пишқириб келмоқда» деса, аслида бу ҳам тавсиф бўлса-да, яъни сўз билан баён

этилган бўлса ҳам, бунинг асосида тасаввур ётганлиги учун «тасвир» дейиш мумкин. Шундай қилиб «тасвир» сўзи «тавсиф» сўзи ўрнида фақат бадиий тавсифга нисбатангина ва кўчма маънода қўлланishi мумкин экан.

«Чопмоқ» билан «югурмоқ» феъллари орасида ҳам фарқ бор, лекин бир-бирига яқинлашиб келадиган маънолари ҳам бор. Бу феълларни маъно жиҳатдан яқинлаштирган ҳаракат болаларнинг чопиши ва югуришидир. Боланинг чопиши билан югуришида аслида фарқ бор. Агар бола ўзини от мингандек тасаввур қилиб, уни қамчилагандек ҳаракат билан югуриб кетса, «бола чопиб кетди», акс ҳолда «югуриб кетди» дейилади. Лекин бунга эътибор бермаслик натижасида баъзан «чопмоқ» феъли ўрнида «югурмак» ва гоҳ «югурмак» феъли ўрнида «чопмоқ» феълини ишлатиш ҳоллари учраб туради. «Чопмоқ» феълининг туб маъноси қўлни бирор қурол ёки қуролсиз кўтариб уриб бирор ишни амалга оширмақдир. «Ер чопмоқ» деганда кетмонни кўтариб ерга уриш, «қилич чопмоқ» деганда қилични кўтариб уриш, «гўшт чопмоқ» деганда болтани кўтариб уриш, «от чопмоқ» деганда қамчинни кўтариб уриш назарда тутилган.

Ҳозир шеваларда учрайдиган «лой чапти», адабий тилдаги «бетга чопар» деган ибораларда ҳам «чопмоқ» феълининг ўша туб маъноси назарда тутилган. Хулоса шуки, чопмоқ қўлга алоқадор, югурмак оёққа.

Энди «цивилизация» ва «культура» сўзларининг маънолари билан танишамиз.

«Цивилизация» сўзининг асосий маъноси маданият, маданийлашмоқ ва маданийлаштирамоқдир. Маданият маъноси «культура» сўзида ҳам бор. Шу маънода у «цивилизация» сўзига синоним сифатида ишлатилади. Аммо «культура» сўзининг «цивилизация» сўзида йўқ маънолари ҳам бор. Баъзиларнинг тасаввурича «культура» сўзи маъно жиҳатидан «маданият»

сўзининг айнан ўзидир. Мана шу тасаввурга эга бўлганлар «культура» сўзини русчадан ўзбекчага ҳамма ҳолда «маданият» деб таржима қиладилар. Бу ҳол нутқимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, экинни «маданий ўсимлик», ёввойи ўсимликни экинлаштиришни «маданийлаштириш» дейиш ўзбек тили нуқтаи назаридан тўғри эмас. Бинобарин, мазкур сўзларнинг маънолари билан танишиш рус тилини мукамалроқ билиш учун ҳам, ўзбек нутқи учун ҳам аҳамияти бор.

Цивилизация сўзи лотинча «сивил» ўзагидан ясалган бўлиб, биринчи товуши аслида «с»дир. Бу «с» товуши рус тилида «ц»га айланган. Шунинг учун «цивилизация» сўзи русча текстларда «цэ» ҳарфи билан ёзилади. Ўзбекчада ҳам «с» деб айтилса-да. «цэ» ҳарфи билан ифодаланади. Буни орфографияда «график принцип» деб аталади. Бошқа тилга оид сўз, хоҳ у ўзлашган бўлсин, хоҳ ўзлашмаган бўлсин, ўз тилида қандай бўлса, ўзга тилда ҳам шундай ёзилса, унинг имлоси график принципга асосланган дейилади. «Цивилизация» сўзи бизга рус тили орқали маълум бўлгани учун биз уни рус имлосига мувофиқ «цэ» ҳарфи билан ёзамиз.

«Сивил» сўзининг лотин ва баъзи ғарбий европа тилларидаги туб маъноси кенг маънода эл, эллик ва тор маънода шаҳар ва шаҳрийдир. Мазкур «эл»дан мурод кишиларнинг ваҳшиёна ҳаёт кечирishiдан қутулиб, инсон ривожини учун зарур бўлган аҳил бир жамият бўлиб яшашлари ва ҳар бир кишининг шу жамият қонун-қоидаларига бўйсунishi ҳамда бўйсунмаганларнинг жазоланишидир. Шаҳрийдан мурод шаҳарга хос хусусиятлардир. Албатта бунда илму фан, ҳунар ва санъат билан боғлиқ ижобий хусусиятлар назарда тутилади. Бу ўринда шаҳарнинг салбий томонлари ҳисобга олинмайди. «Сивил» сўзига маъно ва истемол жиҳатидан энг яқин сўз арабча «мада-

ний» сўзидир. Чунки маданий сўзи ҳам эл, эллик, шаҳар ва шаҳрий деган маъноларни билдиради. Араб ва форс тилларида Ғарбий Европа тилларидаги текстларни таржима қилганда «сивил» сўзини «маданий» деб таржима қиладилар. Форс тилида баъзан «сивил» сўзининг ўзи ҳам кийимга нисбатан эл кийими, яъни давлат формаси эмас деган мазмунда қўлланади.

«Сивил» сўзининг эл маъноси билан боғлиқ фуқаро, табаа маъноси ҳам бор. Ҳозир бу маънода биз русча граждан сўзини ишлатамиз. Фуқаро ва табаа сўзлари социалистик жамият аъзоларига нисбатан ишлатилмайди. Чунки ғайрисоциалистик тузумдаги фуқаро билан социалистик тузумдаги гражданлар орасида ҳамма жиҳатдан, жумладан, ҳуқуқ томонидан ер билан осмонча фарқ бор. Хусусан, совет гражданларига берилган мутлақ эркин кўҳна тарих ва ер курраси ҳеч қачон билган ва кўрган эмас. Буни ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

«Сивил»нинг мана шу фуқаро, граждан маъносини назарда тутиб, «сивилист» ва «сивилистика» сўзлари ясалган ва бу сўзлар рус ва ўзбек тилларида истемол қилинади.

«Сивилистика» деб фуқаро ёки гражданлар ҳуқуқи ҳақидаги илмга айтилган ва шу илмнинг мутахассиси «сивилист» деб аталади.

«Цивилизация» сўзи «сивил»нинг маданий маъносини назарга олиб ясалган сўздир. Бунинг биринчи маъноси маданийлашиш ва маданийлаштиришдир. Маданийлашиш ва маданийлаштириш ўзбек тили нуқтаи назаридан икки маъно бўлса ҳам рус тили нуқтаи назаридан бир маънодир. Гап шундаки ҳинд-европа оиласига мансуб тилларда кўпгина феъллар ва ишҳаракат номлари ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз бўлиши мумкин. Масалан, рус тилидаги «лечь» ва форс тилидаги «рехтан» феъллари ҳам тўкмак, ҳам тўкилмак маъноларида ишлатилади. Русча «развитие» сўзи ҳам

ривожланишни, ҳам ривожлантиришни англатади. Рус тилининг мана шу хусусиятига биноан «цивилизация» сўзи маданийлашиш ва маданийлаштиришни билдиради. Ҳаракат номи отлашиши мумкин. Шунга биноан «цивилизация» сўзининг иккинчи маъноси маданиятдир.

«Культура» сўзи лотинча бўлиб, унинг ўзаги «культ»дир. «Культ»нинг асл маъноси ардоқдир. Ҳозир рус тилида «культ» сўзи дин, сифиниш, парастлик маъноларида қўлланади. Масалан, офтобпарастлик, яъни қуёшга сифинишни русча «культ солнца», шахспарастликни «культ личности» дейиш мумкин. «Культура»нинг туб маъноси эса ардоқлаш, етиштириш ва етиштиришдир. Бу сўзнинг маъносининг кенглиги уни мавжудотнинг турли навъларига нисбатан ишлатилишига сабаб бўлган. Шу сабабли рус тилида «культура» сўзи ерга, ўсимликка, ҳайвонга, инсон ва унинг фаолиятига нисбатан ҳам ишлатила беради. Масалан, ер ҳайдаб экин экишни «культура почвы» дейиш мумкин. Агар биз буни «тупроқ маданияти» десак, бемаъни ибора ҳосил бўлади. Чунки руслар «культура почвы» деганда ер ишлашни тушунадилар. Пахта экинини, яъни ўстириб етиштиришни, чигит экишни эмас, русча «культура хлопка» деса бўлади, аммо ўзбекчада «пахта маданияти» деб бўлмайди. Рус тилида экиннинг ўзини ҳам «культура» деб аташ мумкин, масалан, «зерновые культуры» дон экинлари дегани.

Бу сўздан «окультурить» деган феъл ҳам ясалган бўлиб, бунда ҳам «культура»нинг экин маъноси назарда тутилади. «Окультурить почву» «тупроқни маданийлаштирмақ» эмас, ерни экинзорга айлантирмоқ, экинзорлаштирмақдир. «Окультурить дикое растение» ёввойи ўсимликни маданийлаштирмақ эмас, экинга айлантирмоқ, экинлаштирмақдир. «Культурное растение» маданий ўсимлик эмас, экиладиган ўсимлик, яъни экиндир.

Культура сўзи инсон ва унинг фаолиятига нисбатан ҳам қўлланади. Бу ҳолда ҳам «культура» сўзининг маъноси «маданият» сўзига нисбатан кенгроқдир. Узбекчада «культура»нинг асосан моддий жиҳатини «маданият», маънавий, хусусан ахлоқий жиҳатини ўрни билан «одоб» дейилади. Масалан, «культура обшениия» «муомала одоби», «культура дискуссии» «мунозара одоби» бўлади.

* * *

Омма тилида маъноси бир-бирига яқин сўзларнинг фарқсиз қўлланиши баъзан қардош тиллар орасидаги фарққа ҳам сабаб бўлади. Бу ҳолни биз «ёғ» ва «мой» сўзларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, қирғиз ва қозоқ тилларида «мой» сўзи «ёғ» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида эса «ёғ» сўзининг «мой» сўзи ўрнида ҳам қўлланганини кўриш мумкин. Масалани равшанлаштириш учун бу сўзларни рус тилидаги шу маънодаги сўзлар билан қиёслайлик. Рус тилида «жир», «сало», «масло» деган сўзлар бор. Бу сўзларнинг ҳаммаси табиатан бир хил моддани билдиради, аммо манба жиҳатдан фарқ қилади. «Сало» деб ҳайвонникини, «масло» деб ўсимлик, сут ва маъданникини, «жир» деб ҳаммасини айтилади. «Жир» асли туркий сўз бўлиб, ўн биринчи асрда Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида қайд этилган. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланади. Озгин киши ёки молга нисбатан «бунга ҳеч жир битмаяпти» деган гапни, гўшт ёки таомга нисбатан «ҳеч жири йўқ» деган жумлани эшитиш мумкин.

Ўзбекчадаги «жир»нинг русча «жир»дан фарқи шу ердаки, у ўзбек адабий тилида кам қўлланади, чунки кўпчилик бу сўзни ўзбекча «ёғ» сўзининг русчаси деб гумон қилади. Асли тожикча бўлган «дазмол» сўзининг маънодоши бўлмиш аслида туркий, жумладан ўзбек-

ча бўлган «утуг» сўзига бўлган муносабат ҳам шундай.

Энди «ёғ» сўзига келсак, бу ўша русча «сало» сўзининг, «мой» эса «масло» сўзининг муодилидир. Бинобарин, «зиғир ёғи» эмас, «зиғир мойи», пахта ёғи эмас, «чигит мойи» дейилса маъқулроқ бўлади.

«Дарс» билан «сабоқ» ҳамда «ўқиш» ва «таҳсил» сўзлари орасида ҳам маъно фарқи бор. Булардан «сабоқ» сўзининг шаклига ҳам изоҳ беришимиз керак. Бу сўз классик адабиётда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирӣ, Ғафур Ғулом каби совет шоир ва ёзувчиларининг асарларида ҳам «сабақ» шаклидадир, яъни иккинчи унли «о» эмас, «а» дир. Бу талаффуз, яъни «сабақ» талаффузи баъзи шеваларда ҳам сақланган. Аммо имло лугатларида ва ўзбек тилининг изоҳли лугатида «сабоқ» шакли берилган. Шунга биноан бу сўзни адабий нутқда «сабоқ» деб талаффуз қиладилар ва шундай ёзадилар. Бундай қилинишига етакчи деб ҳисобланган шаҳар шеваларида «ўроқ», «қулоқ», «сўроқ», «тароқ» каби бирдан ортиқ бўғинли сўзларнинг охиридаги «қ» товуши олдидаги унлининг «а» эмас, «о» деб талаффуз этилиши сабаб бўлган. Мақсад мазкур сўзни имло қондасига мослаштириб, ўқувчиларга имлони енгиллаштириш бўлган. Лекин бундай сунъий енгиллаштиришнинг саводнинг сусайишига олиб келиши ҳисобга олинмаган. Масаланинг мана шу жиҳати бўлмаганда рус педагоглари ва олимлари аллақачон «собака» сўзидаги биринчи унлини «о» ҳарфи билан эмас, «а» ҳарфи билан ёзишни расмийлаштирган бўлар эдилар. Чунки бу ердаги «о» ҳарфи билан ёзилиб, «а» деб талаффуз этиладиган фонема «вода» каби сўзлардагидек эмас. Шунинг учун рус лингвистлари бунини «гиперфонема» деб атайдилар. Гиперфонемаларнинг имлода талаффуз шаклини акс эттирилса, ўқувчига енгиллик туғилади, тил ҳозирги замон нуқтан назаридан ҳеч қандай зарар кўрмайди.

Аммо традиция бузилади. Тил ва уни ёзувда акс эттириш мураккаб ҳодисалардан бўлгани учун унга субъектив аралашув кутилмаган салбий натижаларни келтириб чиқаради. Буни яхши тушунган рус олимлари мана шунинг учун традицияни бузмайдилар ва ўқувчини қийинчиликни енгишга ўргатадилар. Бошқача қилиб айтганда саводни саводсиз ўқувчи даражасига тушурмайдилар, балки ўқувчини саводхон даражасига кўтарадилар.

Бу масалага тўхташимиздан мақсад, сизларни ҳар бир масалани теран ўрганишга, жумладан ўзбек тили билан боғлиқ жумбоқларга ҳам аҳамият беришга ва уларни ҳал этишда фаол иштирок этишга даъват қилмоқдир.

Энди мазкур тўртта сўзнинг маъно фарқларига келсак, биринчи фарқ шундаки, «дарс» ва «сабоқ» сўзлари ҳам ўқувчига, ҳам ўқитувчига тегишлидир. Булар ҳам ўрганишни, ҳам ўргатишни билдиради. «Ўқиш» ва «таҳсил» сўзлари эса фақат ўрганувчига тегишлидир. Бу фарқ мазкур тўрт сўзни иккитадан иккига бўлувчи фарқдир. Аммо «дарс» билан «сабоқ» ва «ўқиш» билан «таҳсил» сўзлари ўртасида ҳам маъно фарқи бор. «Сабоқ»нинг «дарс»дан биринчи фарқи шуки, дарс ҳажман чекланмаган, «сабоқ» чеклангандир. Сабоқ ўқиш ёки ўқитишнинг бир мартадагисини билдиради, дарснинг бир учрашув учун мўлжалланган бўлаги ёки шу бир учрашувда ўтилган бўлаги ва ўтилиши ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи учун «сабоқ» ҳисобланади.

Бу сўзлар орасида ҳозир унутилиш даражасига келиб қолган яна бир фарқ бор. Бу шундан иборатки, «дарс» сўзи умумий маънода эмас, махсус маънода олий-таълимга нисбатан қўлланганда, илмини ўқиб эшиттириш ёки ўқимасдан оғзаки баён этиш тушунилади. Бунинг баён қилинмоғи «дарс айтмоқ», тингланмоғи «дарс тингламоқ» дейилади. Шу йўл билан

Ўргатмак «дарс бермак», ўрганмак «дарс олмоқ» дейилади. «Ўқиш» билан «таҳсил» орасидаги фарқ шундан иборатки, таҳсил сўзи ўрганишнинг тури жиҳатдан «ўқиш» сўзига нисбатан чекланган бўлиб, у фақат олий ўқув юртидаги ўқишга нисбатан қўлланади. Масалан, «фалончи университетда таҳсил кўрди» дейилади, лекин «мактабда таҳсил кўрди» дейилмайди. Аммо ўқиш сўзи ҳаммасига нисбатан қўлланади. Ундан ташқари «ўқиш» сўзи «мутолаа» маъносида ҳам ишлатилади.

* * *

Энди «шамол» сўзининг маънодошлари орасидаги фарқни билиб олайлик. Ҳаво ҳаракатини билдирувчи сўзлар «ел», «бод», «шамол», «жануб», «сабо», «дабур», «довул», «шурта», «эсин», «насим», «шаббода», «тундбод», «гармсел», «самум», «сарсар», «изғирин», «бўрон», «бўрағон», «пурга», «тўфон», «тайфун», «ураған» ёки «ураган», «гирдбод», «қуюн», «уюрма»дир.

Шамол сўзининг ўзи аслида шимолдан эсган елни билдиради. Лекин ҳозирги ўзбек тилида бу сўз кенг маънода қўлланади. Махсус эски китобларда жанубдан эсган ел «жануб» деб аталади, аммо бугунги ўзбекчада жануб сўзи мазкур маънода бутунлай ишлатилмайди. Ғарбдан эсган ел эски китобларда «дабур» деб юритилади, аммо ҳозир бу сўз довул шаклини олган ва вайроналик келтирадиган кучли шамолни билдирадиган сўзга айланган.

«Сабо» сўзи шеърда кўп ишлатилгани учун ўз шакли ва маъносини ўзгартирмаган, Шарқдан эсадиган ел сабо деб аталади. «Сабо»— тонг ели деган фикр ҳам бор. Бу фикрнинг пайдо бўлишига тонгда кўпинча Шарқдан ел эсиб туриши сабаб бўлган. Демак, сабо аслида Шарқдан эсадиган шамол бўлиб, тонг елига

нисбатан ҳам қўлланар экан. Бундан ташқари баҳор ели ҳам сабодир. Сабо баҳорда ҳавони илтиб табиатни уйғотгани ва тонгда қуёш таъсирида ҳавони тозаллагани учун ҳаётбахш ел ҳисобланади. Шунинг учун шоирлар сабога кўп мурожаат қиладилар.

«Эсин», «насим» ва «шаббода» ёки «шабада» сўзлари майин елни билдиради. «Шаббода» аслида кун ботгандан кейин тонггача эсадиган майин елни англатади. Лекин ҳозир кўпчилик кундузги майин елни ҳам шаббода дейди. «Насим» ва «эсин» сўзлари классик адабиётда кўп ишлатилади. «Самум» ва «гармсел» сўзлари иссиқ шамолни, «сарсар», «изғирин» ёки «изгириқ» совуқ шамолни билдиради. Бир ишни қилаётганда кишига ёрдамлашадиган, масалан, кемани керакли томонга сурадиган ел «шурта» деб аталади.

«Бод» ва «ел» сўзлари организмда пайдо бўладиган газларга, шундай газларни ҳосил қиладиган моддаларга нисбатан ҳам қўлланади.

«Бўрон», «буран», «буря», «пурга» деган сўзларнинг келиб чиқиши бир. Булар «бўр» ўзагидан ясалган сўзлардир. Етти юз ўттиз тўртинчи йили захарлаб ўлдирилган Билга ҳоқон қабрига қўйилган битигтошда «Тургас қаған суси ўтча бўрча келти» деган жумла бор. «Су» лашкар дегани. Шу жумладаги «бўр» сўзи замонавий машҳур рус туркшунослари фикрига кўра бўрон маъносидадир. Демак «Тургас ҳоқон суси ўтча бўрча келти» жумласи Тургас ёки Тургаш ҳоқоннинг лашқари ўту бўрондай келди, деган мазмунда экан. Бугунги ўзбек тилидаги «бўрамоқ» ва «бўраламоқ» феъллари ҳам шу ўзакдандир.

Мазкур сўзларнинг рус ва ўзбек тилларидаги маънолари ҳақида гапирадиган бўлсак, русчада «буран» деганда асосан чўл ёки далада қишда ердаги қорни тўзитадиган кучли шамол тушунилади. Рус тилида яна шу маънода «вьюга», «металь» ва «метелица» деган сўзлар ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида бу маънода

«изғирин» ёки «изғирик» сўзлари қўлланади. Тайгада бўладиган шиддатли қорли бўронни «пурга» дейилади.

Ўзбек тилида «бўрон» деганда умуман шиддатли шамол тушунилади. Рус тилида бу маънода «буря» сўзи қўлланади. Америка қитъаси атрофида бўладиган ўта кучли океан шамolini «ураган» ёки «ураган», жануб-и шарқдаги тинч океanning кучли шамolini «тайфун» деб атайдилар. Ёгин, шамол ва сел натижасида ер юзини ёки унинг катта қисмини сув босса, буни «тўфон» дейилади. «Тайфун» билан «тўфон» сўзларининг келиб чиқиши бир.

Айланма шамолга нисбатан ўзбек тилида «қуюн», «уюрма» ва «гирдоб» сўзлари, рус тилида «вихрь», «циклон» сўзи истемол қилинади. Ҳавошуносликда «циклон» деб ҳавонинг булутларни қуюқлаштирадиган айланма ҳаракатига айтилади. Циклонлар орасида юқори ҳаво босими ҳосил бўлган макон «антициклон» дейилади.



ИСМЛАР ХОСИЯТИ

Асли «зумурруд» бўлган «зумрад» деган сўз мавжуд бўлиб, бу қизларга исм қилиб ҳам қўйилади. Бу сўзнинг «зумрат» шакли, сўз охиридаги жарангли товуш «д»нинг жарангсизланиб «т» га айланиши ва ўртадаги «у» ва битта «р» товушининг тушиб қолиши натижасида вужудга келган. Сўз ўртасидаги товушларнинг тушиб қолишини «тортилиш» дейилади. Од-

дий сўзлашув тилида тортилиш кўп учрайди, кабутар — каптар, Муҳаммадамин — Мадамин сингарн.

Классик адабиётда мазкур сўзларнинг «зумрад» шакли ишлатилмайди фақат «зумуррад» ёки «зумурруд» ишлатилади. Шу ерда бир нарсани аниқлаб олсак, араб ёзувида зе, ре, мим ва дол ҳарфларидан иборат сўзни «зумрад» деб ўқиш ҳам мумкин. Унинг «зумуррад» ёки «зумурруд» деб ўқиш кераклигини қарердан билиш мумкин? Буни аниқлаш учун луғатларга, хусусан эски луғатларга мурожаат қиламиз. Масалан, «Ғиёсу-л-луғат»да шу сўзнинг «зумурруд» ва «зумуррад» деб ўқилиши айтилган. Лекин бу билан кифояланмаймиз ва шеърга мурожаат қилиб, шеърнинг вазнидан шу сўзнинг қайси кўринишда ишлатилганини билиб оламиз. Масалан, Ҳусайний шу сўзни фоилотун фоилотун фоилатун фоилун вазнидаги бир шеърда келтирган:

**Ул зумуррад хатки, чиқмиш лалъл-и хандон устина,
Сабзайи-дурким, тушуптур об-и ҳайвон устина.**

«Ул зумуррад»нинг рукни фоилотун. Агар «ул зумрад» десак, «фоилотун» вазнига тушмайди, бошқа «мафъувлун» деган рукн бор, шунга тушади. Бу байтда очиқ юзли, одобли ва болиғу фасих ўспириннинг янги чиққан кўкиш тус олган қора мурти васф этилган. Мурут «зумуррад» хат деб аталган. «Хат»нинг луғавий маъноси чизиқ ва ёзувдир. Мурут ҳам шоир тасавурида борлиқ рассоми ёки хаттоти томонидан инсон юзининг сафҳасига тортилган гўзал чизиқ ёки ҳарфдир. «Зумуррад» дан мурод мўйловнинг янги кўқарган майсадайлиги ва кўкиш тусдаги қоралигидир. Лаъл, яъни ёқутга ўхшаган қизил тошдан мақсад лабдир. «Хандон» кулиб турувчи дегани.

«Ул зумуррад хатки чиқмиш лаъл-и хандон устина»

деганда боғловчи бўлмиш «ки» дан кейинги сўзлар аниқловчи эргаш гап бўлиб, «хат»ни аниқлаб келаяп-

ти. Агар мазкур мисрани «ки» сиз наср билан айтсак, «лаъл»и хандон устина чиқмиш ул зумуррад хат» бўлади. «Лаъл» сўздан кейинги урғусиз талаффуз этиладиган «и» изофа кўмакчиси сўзнинг олдинги сўзга аниқловчи бўлиб келганини билдиради. «Лаъл-и хандон» хандон кулувчи лаъл, иккинчи мисрадаги «об-и ҳайвон» ҳайвон оби, яъни ҳаёт суви дегани. «Ҳайвон» сўзнинг тирик деган маъноси ҳам бор. Шунга биноан тирик организмларнинг ҳаммасини «ҳайвон» дейлади. Байтнинг биринчи мисрадаги «зумуррад», «хат» ва «лаъл» сўзлари истиhora қилинган.

Байтнинг иккинчи мисраси «сабзайи-дурким, тушуптур об-и ҳайвон устина». Бу мисрадаги «сабза» сўзи кўкат, майса деган маънода.

Ундан кейинги урғусиз ва чўзиб талаффуз этиладиган «йи» кўрсатиш юкламасидир. Кўрсатиш юкламаси унли ҳарф билан тугаган сўзлардан кейин «йи» билан «йи» деб ва ундош билан тугаган сўзлардан кейин «йи» сиз «ни» деб айтилади. Демак «сабзайи — дурким»ни «шундай сабзадурки» деб тушуниш керак.

Демак,

Ул зумуррад хатки, чиқмиш лаъл-и хандон устина,
Сабзайи-дурким, тушуптур об-и ҳайвон устина.

байтини «кулиб турган лаб устидаги янги чиққан муррут ҳаёт чашмаси устида унган майсадир» деб тушунишимиз керак экан. Бундай дейишдан шоирнинг мақсади шуки, тиришиб илму ҳунар ўрганаётган, ёмон қилиқ ва ярамас ишлардан ўзини тиёлган хушфеъл йигитчанинг жавоҳири унинг ўзи билан, у турли тошларга муҳтож эмас, бугина эмас, унинг оғзи ҳаёт чашмасидир. Чунки унинг оғзидан ярамас сўзлар эмас, эшитган кишининг умрини узайтирадиган ширин ва фойдали сўзлар чиқади. Шундай боланинг ота-онаси, ёки ака-укаси, ё опа-синглиси, ёхуд дўсти бўлган кишига зумурраду лаъл ва ҳаёт сувининг кераги йўқ.

Мазкур сўзнинг, яъни «зумуррад»нинг «зумрад» шакли ҳам ҳозир адабий тилдан ўрин олган. Аммо ёзганда охириги товуш «д» ҳарфи билан ёзилади. Бинобарин бу сўзни «зумрад» шаклида ишлатиш нормал ҳол ҳисобланади. Масалан, Уйғун:

**«Кумуш қишдан зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати»**

деган. Аммо бадний нутқда «зумуррад» ҳам ишлатилади. «Зумрад кўпроқ оддий услубга хос, масалан, «зумрад кўзли узук олдим» деганда зумрад шакли муносиброқ бўлса, «зумрад кўкда тинчлик кабутари парвоз қилмоқда» деганда «зумуррад» шакли муносиброқ тушади.

* * *

Мазмундор исмлардан бири МАННОП бўлиб, бунинг асл шакли «маноф» ва унинг луғавий маъноси юксак, улуғдир. Араб луғатларида бу сўзнинг тоққа нисбатан ишлатилиши кўрсатилган.

«Маноф» сўзининг «манноп» шаклини олиш сабабларига келсак, «ф» товушининг ўзбек тилида «п»га айланиши оммавий ҳодисадир.

Туркий тилларда «ф» товуши аслан бўлмагани учун у ҳамма лаҳжа ва шевадарда «п» товушига ўтади. Шунга биноан «маноф» сўзининг охиридаги «ф» туркий тилларнинг аксариди, жумладан ўзбек тилида «п»га ўтган. Мазкур сўздаги «н» товушининг иккиланиши эса «маннон» сингари ўртадаги ундоши иккиланган сўзларга қиёсан ўзлаштириш натижасида вужудга келган.

«Манноф» сўзи қирғиз тилида «манап» шаклида оқсоқол маъносида қўлланади. Эски вақтда маноп уруғ ёки қабиланинг улуғи ҳисобланган ва ўз фуқаросининг мулки ва кучидан истаганича фойдаланган.

Одатда манопнинг хусусий мулки бўлмаган. Шунга биноан «маноп бўлсўнг бай бўлбўйсўнг», яъни маноп бўлсанг, бой бўлмайсан, деган қирғизча мақол ҳам вужудга келган. Шу билан бирга қадимда манопларнинг даражаси турлича бўлган. Уларнинг энг улуғи «чўнг манап» ёки «оға манап», кичиги «чала манап», энг кичиги «чўлўқ манап» деб аталади. Манап наслидан бўлгани «жинжирлуу манап», фуқародан чиққани «буқара манап» дейилган.

* * *

«Маннон» исмининг луғавий маъноси миннат қилувчидир. Миннат сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда қўлланади. Ижобий маънода миннат кишига қувонадиган даражада яхшилик қилишдир. Салбий маънода миннат кишига қилган яхшиликни унинг юзига солиб таъна қилишдир. Шу маънодаги миннат номардлик аломати ҳисобланади ва «номарднинг иши миннатдир», дейилади. «Миннат» сўзининг ушбу икки ижобий ва салбий маъноларига асосан «маннон» сўзи ҳам салбий ва ижобий маъноларда қўлланади. Ижобий маънода «маннон» кишига уни қувонтирадиган даражада яхшилик қилувчидир. Маннон ва Абдуманнон исмларида бу сўзнинг мана шу ижобий маъноси назарда тutilади. Аммо «маннона» махсус салбий маънода ҳам истеъмол қилинади. «Маннона» сўзининг охирида «а» «шонра», «муаллима» сўзларидаги каби муаннаслик, яъни хотин-қизлик билдирувчи қўшимчадир. «Маннона» сўзи махсус маънода қўлланганда бойлик, амал ёки зодагонлик нуқтаи назаридан ўзининг турмуш ўртоғига зулм ёки таъийқ қиладиган хотин ёки шундай қилиши мумкин бўлган қиз тушунилади.

Саъдий Шерозий ўзининг «Гулистон» асарида бир маннонага уйлангани ва унинг оқибати ҳақида қизиқ бир ҳикоя келтиради.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундай: Саъдий саёҳат қилиб юрган вақтларида Дамашқда бир муддат дўстларининг суҳбатида бўлгач зерикади ва Қуддусга қараб йўл олади. Тараблусга келганда фаранглар қўлига асир бўлиб тушади. Бир куни уни бир гуруҳ яҳудийлар билан лой ишига солган пайтларида Саъдийни танийдиган Ҳалаблик бир амалдор уни ўн динор эвазига асирликдан қутқариб Ҳалабга олиб кетади ва юз динор сеп бериб, ўзининг қизига никоҳлаб қўяди. Қиз бадфёъл ва ёмон тилли бўлиб, Саъдийни менсимасдан кўп ранжитади. Навбатдаги жанжалларнинг бирида Саъдийга қараб, «сен кимсан ўзинг, отам ўн динорга қутқариб олган асир сен эмасмисан», деб миннат қилади. Шунда Саъдий, «тўғри, отанг мени ўн динорга қутқариб, юз динорга сенинг қўлингга банди қилиб топширди», дейди.

Манноналардан бирини яқинда «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» телекўрсатувида ҳам Ҳадича номи билан намоёиш қилинди. Бу маннона қайнотасини беҳурматлаб, эрининг идора ишларига аралашиб кўп номаъқулликларни қилди. Мана шундай хотин-қизларга ота-боболаримиз «маннона» деб от қўйганлар. Одатда бу сифат нодон хотинларда бўлади ва булар ўз турмушини ўзлари заҳарлайдилар.

* * *

Қизларга қўйиладиган иккита исм бор. Бирини «Зухра», иккинчиси «Захро». Агар «З» дан кейин «у» келса, охириги товуш «а» бўлади, яъни «Зухра» деб айтилади ва қандай айтилса, шундай ёзилади. Агар «З» дан сўнг «а» товуши келса, охириги товуш «о» бўлади, яъни «Захро» деб талаффуз қилинади ва шу талаффуз ёзувда ҳам акс эттирилади. Чақалоққа «Зухра» исми қўйилганда Зухра сайёраси назарда тутилади ва бу Венера деган исмнинг шарқчаси бўлади. «Захро» деб исм қўйилганда қизалоқнинг оппоқлиги

назарда тугилади. Агар қиз қора тусли бўлса, «Лайло» деб исм қўйилади. Ҳозир бу отни баъзилар Мажнуннинг Лайлосини назарда тутиб ҳам қўядилар. Аммо «Лайло» нинг луғавий маъноси «қорача», тун рангидаги қиз дегани. Агар боланинг ранги қизил бўлса, «Ҳамро» деб ном қўйилади. «Аҳмар» ҳам қизил дегани. Аслида Аҳмар ўғил болага ва Ҳамро қиз болага қўйилган. Аммо кейинги пайтларда «Аҳмар» сўзи билан «Ҳамро» сўзи орасидаги араб тилида мавжуд бўлган жинсий фарқ ўзбек ва тожик тилларида уқилмагани учун ўзбек ва тожиклар ўғил болага ҳам Ҳамро деб от қўйганлар.

* * *

«Қозим» исмининг луғавий маъноси «ғазабни ютувчи», яъни аччиғи келганда, ўзини босиб, ачкиқланганини билдирмай, кишига яхши муомала қилувчидир. Бу ижобий хислатлардан ҳисобланади. Қозимлар жанжал, келишмовчилик ва уришиш, аразлашиш каби номаъқул ҳодисаларнинг олдини олувчи кишилар бўлгани учун улар жамиятда азиз ҳисобландилар. Бинобарин ота-она ўз фарзандининг шундай бўлишини орзу қилиб, унга Қозим деб от қўядилар.

* * *

«Робия» тўртинчи қиз дегани. Туғилган болага унинг нечанчи бола эканлигини ҳисобга олиб от қўйиш ҳам бор. Шу маънода ўғил болаларга ном қўйиш Туркменистонда ва Ўзбекистоннинг жанубида машҳур. Тўртинчи ўғилга Чорий, бешинчисига Бешим, олтинчисига Олти деб ном қўядилар.

Иккинчи қизга «Сония» ва тўртинчи қизга «Робия» деб от қўйиш Шарқда кўп тарқалган. Сония иккинчи дегани. Дақиқадан кичик вақт ёки даража бирлиги ҳам дақиқага нисбатан иккинчи бўлиниш бирлиги бўлгани учун «сония» деб аталган. «Секунда» сўзи-

нинг ҳам луғавий маъноси иккинчи бўлиб, илм тарихи олимларининг айтишича термин сифатида «сония»нинг лотинча таржимасидан иборат. Худди шунингдек «градус» «даража»нинг, «минута» «дақиқа»нинг, «терция» «солиса», яъни учинчининг, «кварта» «раба»нинг, «кванта» «хомиса», яъни бешинчининг, «секста» «содиса», яъни олтинчининг, «септима» «собитъа», яъни еттинчининг, «октава» «сомина», яъни саккизинчининг, «нона» «тоситъа», яъни тўққизинчининг ва «децима» «ошира», яъни ўнинчининг таржимасидир.

* * *

«Соли»нинг асли «солиҳ» бўлиб, унинг луғавий маъноси тузук, яроқлидир. Бу сўз махсус маънода ҳам қўлланади. Бунда «Солиҳ» деб жамиятдаги қонунқондаларга амал қилган ҳолда эл қоралайдиган ишлардан ўзини тийиб, ҳалол тириклик қилувчи кишига айтилади. Баъзан оддий нутқда «солиҳ» маъносида «ҳалол» сўзи ҳам ишлатилади. «Ҳалол киши» деганда солиҳ назарда тутилади. Солиҳнинг зидди фосиқдир. Зино, ичкилик, кашандалик каби ярамас ишлардан қайтмайдиган кишини «фосиқ» деб атайдилар. Қисқача қилиб айтганда, жамиятнинг тўғри ривожига учун яроқли киши «солиҳ», яроқсиз «фосиқдир». Солиҳнинг солиҳ сифатида қиладиган амали «салоҳ» деб аталади. Кишининг бирор ишга яроқлилиги, қодирлигини «салоҳият» дейилади. Солиҳни русча «праведный», «честный», фосиқни «развратник», салоҳни «праведность», «честность», салоҳиятни «компетентность» дейиш мумкин.

XIV асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири Хоразмий ўзининг машҳур «Муҳаббатнома»сининг хотима қисмида ўқувчилардан қуйидаги байт билан дуо талаб қилади:

Уқиғил фотиҳа, дур қибла ёни!
Севинсун банда Хоразмий равони!

Асарни тадқиқ қилиб нашр этган олимлардан бири — филология фанлари доктори, профессор Амир Нажиб мазкур байтидаги «Хоразмий равони» иборасини «Хоразмий-Равоний» деб ўқиб, «Равоний» Хоразмийнинг иккинчи тахаллуси бўлса керак, деган фикрни майдонга ташлади. Бу фикр «равон» сўзининг муҳим бир маъносини назарга олмаслик натижасида вужудга келган хато тахминга асослангандир. «Равон» сўзи форс-тожик тилидаги «рафтаи» юрмоқ, бормоқ феълидан ясалган актив сифатдош бўлиб, унинг биринчи маъноси «юрувчи», «юрар»дир. Лекин бу сўз «жон», «руҳ» маъносида ҳам ишлатилади. Танада юрувчи ва уни юргизувчи қувват бўлганлиги учун руҳ ва жонни «равон» (юргич) деб атаганлар. Ҳозирги форс тилида психолог «равоншунос» ва психология «равоншуносий» деб аталади. «Равон» сўзи «жон» маъносида ўзбек адабиётида ҳам кўп ишлатилади. Бинобарин «севунсун банда Хоразмий равони»ни Қамина Хоразмийнинг руҳи севунсин, деб тушуниш керак.



ТАЪБИР ИЗОҲАТИ

Баъзан масалага юзаки қараш натижасида сўз тарихи ва унинг таркиби нотўғри изоҳланади. Сўзчи сўз ҳақидаги фикрларнинг тўғрисида нотўғрисида фарқлай олиши керак. Фикр эгаси олим бўлса ҳам, унинг

фикрига танқидий муносабатда бўлиб, уни текширувдан ўтказиши керак. Мана шуни ҳисобга олиб, бу фаслнинг биринчи қисмини сўз ва қўшимчалар тарихига оид янглиш фикрларни тузатишга бағишлаймиз.

Хотинларни фалончи хоним ёки бегим деб аташ бор. Бу сўзлардаги «-им» қўшимчасини эгалик қўшимчаси деб тушуниш бор. У ҳолда нима учун эгалик қўшимчаси қўшилганда хон билан бек аёл кишига айланади, деган савол туғилиши табиийдир. Ваҳолонки, «хоним» ва «бегим» сўзларидаги «-им» қўшимчаси эгалик қўшимчаси эмас. Қадим туркий тилларда она маъносидаги «ума» сўзи бўлган. «Бегим» ва «хоним» сўзлари таркибидаги «-им» ана шу «ума» сўзининг ихчамлашганидир. Демак аслида «хоним» «менинг хоним» эмас, хон-она ва бегим «менинг бегим» эмас, бег она деган маънода экан.

Туркий тилларда ҳозир ҳам «умай» деган сўз бор бўлиб, бу болаларни асровчи хаёлий фариштасифат мавҳум онани билдиради. Мана шу умай сўзининг ҳам ўша она маъносидаги «ума» сўзига алоқаси бор.

Луғавий маъноси «болалар онаси» деган арабча «уммуссибён» деган ибора бор. Бу сўз Муқимийда ҳам бор. Аммо бундаги «ум» сўзи «она» маъносида бўлишига қарамасдан, туркий «ума»га ўзакдош эмас. Ундан ташқари «уммуссибён» «умай»га нисбатан зид маънода қўлланади. Умай болаларни асровчи вужуд деб тушунилса, уммуссибён болаларга зарар етказувчи жин ёки дев деб тасаввур қилинади.

Тиббиётда эса «уммуссибён» деганда болаларга хос тутқаноқ касали тушунилади, яъни тиб илмида бу сўз касаллик номига айланган.

* * *

Баъзан йигитлар бир-бирига нисбатан «қиз» сўзини ишлатиб, масалан: «Салимжон менинг қиз ўртоғим», дейдилар. Бундаги «қиз» сўзини жинсий маъно-

да тушуниш бор. Аслида эса «қиз ўртоқ» иборасидаги «қиз» сўзи қиз бола деган маънода эмас. Шакли, яъни талаффузи ёки ёзилиши бир хил бўлган сўзлар шаклдош сўзлар ёки омонимлар дейилади. Эски тилшуносларимиз шу маънода жинсдош бўлган «мутажонис» деган сўзни қўллаганлар. «Қиз» шаклига эга бўлган тўртта шаклдош сўз бор. Биринчиси, «қизмоқ» феълнинг ўзаги ва буйруқ формаси «қиз» бўлиб, бу «қизи» шаклига ҳам эга.

Иккинчиси, «ўғил» ва «йигит»нинг зидди «қиз»дир.

Учинчиси, хасис маъносидаги «қиз» сўзи бўлиб, Маҳмуд Қошғарий ўзининг луғатида бунга мисол қилиб «қиз киши сави йўриғли бўлмас», яъни «хасис кишининг донги чиқмас» деган гапни мисол келтиради.

Тўртинчиси, қийматли ва қудратли деган маънодаги «қиз» сўзидир. Юсуф Хос-Ҳожиб ўзининг «Қутадағу билег» асарида «қиз эрмас бу ялгуқ, кишилиқ қиз ўл» дейди. «Ялгуқ» одам дегани, «кишилиқ» одамийлик, инсонлик дегани. Демак, «қиз эрмас бу ялгуқ кишилиқ қиз ўл» одамнинг ўзи қадрли эмас, унинг одамийлиги қадрлидир, дегани. «Салимжон менинг қиз ўртоғим» дегандаги «қиз» сўзи мана шу «қадрли» деган маънодаги сўзидир.

* * *

Тўрғай қуши баъзан «сўпитўрғай» деб аталади. Бу сўздаги «сўпи»нинг аслида «сўфи» ёки «суфий» деб тушунувчилар бор. Аммо бу қушнинг асл оти «тўрғай», «сўпи» аниқловчидир. Бу «сўпи»нинг муаззин, яъни азон айтувчи маъносидаги «сўфи» сўзига ҳам, «дарвиш» маъносидаги «суфий» сўзига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин халқ орасида «сўпи»ни «суфий» деб тушуниш натижасида тўқилган хурофий изоҳ ҳам бор. Бунда тўрғайнинг вижирлаб осмонга кўтарилиб тушишини у худонинг номларини айтиб осмон-

га қараб учади ва мингта номдан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини айтиб, биттасини билиб айтолмайди, натижада яна ерга қайтиб тушади, агар мингинчисини ҳам айтганда худога етишар эди, дейилади ва шуни унинг «сўпитўрғай» деб аталишига сабаб қилиб кўрсатилади.

Ҳақиқатда эса «сўпи» сўзининг маъноси «конус»-дир. Конуссимон, яъни қуйи қисми кенг бўлиб, юқорига учли бўлиб борган ҳар қандай нарсани «сўпи» дейилади. Тасбиҳнинг сўписи ҳам конуссимон бўлгани учун шундай деб аталган. Боши шу шаклга эга бўлган кишини «сўпибош» дейдилар. Агар бирор нарсага конус шакли берилса, «сўпиланди» дейилади. Тўрғайнинг боши сўпи, яъни конуссимон бўлгани учун «сўпитўрғай» дейилган. Бинобарин бу сўзни ёзишда ҳам «сўфитўрғай» деб «ф» ҳарфи билан эмас, «сўпитўрғай» деб «п» ҳарфи билан ёзиш керак.

* * *

Баъзан эрлар кийимини «эркак» сўзини нотўғри тушуниш натижасида «эркаклар кийими» дейилади. Бу тўғри эмас, албатта. Чунки ўзбек адабий тилида «эр» сўзи инсонга ва «эркак» сўзи ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. «Эр» сўзи «хотин»нинг, «эркак» сўзи эса «урғочи», «мода»нинг зиддидир. «Эркак» сўзи баъзи хотинларнинг нутқида эрни камситиш мақсадида ёки уялиб, тортиниб тилга олиш натижасида эрга нисбатан ишлатилади. Буни ҳисобга олиш керак ва «эркак» сўзини инсонга нисбатан ишлатмасликка ҳаракат қилиш лозим.

* * *

Матбуотда, «қайинона»даги «қайин» сўзи «хотин» сўзидан келиб чиққан, «қайинона» аслида «хотинона» бўлган, деган фикр эълон қилинди. Бу фикр ҳам тўғ-

ри эмас. Биринчидан, ўзбек тилидаги тарихий товуш ўзгариншларида «т» товуши «й»га айланмайди. «Д» ва тишора «з» товушлари «й»га ўтиши мумкин. Масалан, ҳозирги «оёқ» сўзи қадим «одоқ» ва «озоқ» шаклларида бўлган. Мазкур «қайин» сўзи ҳам қадим «хотин» шаклида эмас, «қазин» шаклида бўлган ва унинг маъноси никоҳ натижасидаги қардошлиқдир.

Мазкур фикр авторининг иккинчи хатоси шундан иборатки, у «қайинота», «қайинини» сўзларини ҳисобга олмаган. Агар қайин «хотин» бўлган бўлса, демак қайинота «хотинота» ва қайинини «хотинини» бўлган бўлади. Халқ бу усулда сўз ясамайди. Куёв-келиннинг, келин куёвнинг, масалан балоғатга етмаган укасига, агар соғ бўлса, «хотин ука» деб мурожаат қилмайди. Телбаларнинг сўзини эса халқ ўз тилига киритмайди.

* * *

«Чўпон» деган сўзининг асли «чўббон», яъни «таёқбон» дегани ва бунда чўпоннинг қўлида доим таёқ бўлиши назарда тутилган, деган фикр бор.

Бунда маънога эътибор бермай сўзнинг фақат шаклига қараб хулоса чиқарилгандир. Ҳолбуки сўз тараққиётида маъно бирламчи, шакл иккиламчидир. «Чўпон» сўзини, агар маънони эътибордан соқит қилиб, фақат шакл нуқтаи назаридан мулоҳаза қилсак, унинг асли «чўббон» бўлганлигига шубҳа қилмаймиз. Чунки, «чўббон» шаклан «чўпон»га энг яқин сўз бўлиб туюлади. Аммо маънони ҳисобга олсак, нима учун ота-боболаримиз қўйбонни таёқбон деб атаганлар, деган савол туғилади ва бундан улар қўйдан таёқни фарқламаган, деган жавоб вужудга келади.

Аммо гап шундаки, «чўпон» сўзининг эски адабий шакли «шўбон» бўлиб, бу сўзнинг «чўб» сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Навоий ва бошқа классикларимиз «қўйчи» сўзини ва унинг маънодоши сифатида

«шўбон» сўзини ишлатадилар. Бунинг «бон» қисми «боғбон», «посбон» каби сўзларда ҳам бор бўлиб, қаровчи маъносига касб эгасини билдиради. «Шў» қисми эса қадимги афғон тилида «фшў» шаклида бўлиб, қўй деган маънода бўлган. Ҳозирги русча «овца» сўзи, паштуҷа «псай» сўзи, англизча «шип» сўзи «фшў» сўзи билан умумий манбага эга. Шундай қилиб, «чўпон» сўзи чўббон, яъни таёқбон эмас, «шўбон» (қўйбон), яъни қўйчи деган сўздан келиб чиққан экан.

Ҳозирги форс, дарий ва тожик тилларида қўй «гўсфанд» деб аталади. Демак, «Гўсфанд» сўзининг тарихидан беҳабар бўлган кишига менинг «чўпон» ҳақида гапирган гапларим асоссиз бўлиб туюлиши табиийдир. Агар «гўсфанд» сўзининг ҳам туб маъносини билиб олсак, мазкур шубҳага ўрин қолмайди.

Гап шундаки, «гўсфанд» сўзи аслида қўйнинг ўзига берилган ном бўлмасдан, унга қўйилган лақабдир. «Гўсфанд»нинг қадимий шакли «гов сипанта» бўлиб, «гов» мол, чорва дегани. Бу сўз русча «говядина» сўзининг таркибида ҳам бор. «Гов» сўзи ҳозирги эрон тилларида ҳам бор, лекин у ҳозир қорамолга нисбатан ишлатилади. Қадим бошқа молга нисбатан ҳам қўлланган. «Сипанта» эса эзгу деган маънода бўлган ва ҳозирги оқ маъносига «сафед» сўзи ҳам шу «сипанта» сўзининг ўзгарганидир.

Шундай қилиб, «гўсфанд» сўзи фшўга, яъни қўйга берилган «эзгу мол» маъносига «гов сипанта» деган лақабдан келиб чиққан экан. Бу лақаб кўп қўлланиши натижасида қўйнинг асл оти унутилиб, унинг лақаби асосий номга айланган.

* * *

Баъзан «ҳайратомиз»ни «ҳайратомуз» шаклида ишлатадилар. Бунинг тўғри шакли қайси ва «омуз» ёки «омиз» нима дегани? Форсча талаффузи омихтан, то-

жикчаси «омехтан» деган феъл бор бўлиб, маъноси қормоқ, қориштирмақ, аралаштирмақ, аралашмоқдир. Яна «омухтан» деган феъл ҳам бор бўлиб, буниси аралашмоқ, аралаштирмақ маъносидадир. «М» товушидан сўнг «и» ёки «э» бўлса, яъни «омихтан» ёки «омехтан» дейилса аралашмоқ, аралаштирмақ деган маънода бўлади, агар «и» ёки «э» ўрнида «у» бўлса, ўрганмоқ, ўргатмоқ деган маънода. «Омез» ёки «омиз» бўлса, аралашар, аралаштирар деган маънода, «омуз» бўлса, ўрганар, ўргатар деган маънода бўлади. Бинобарин «ҳайратомуз», эмас, «ҳайратомиз» деган тўғридир. Чунки «ҳайратомуз» дейилса, «ҳайратўргатар» деган маъно чиқади. «Омихта» сўзи ҳам шу феълдан бўлиб, бунинг маъноси аралашган дегани. Шунинг учун «омухта ёғ» деганга нисбатан «омихта ёғ» деган тўғрироқ бўлади. «Омихта» ва «омиз»нинг айрим шевалар нуқтани назаридан «омухта» ва «омуз» деб айтилиши хато эмас, чунки «м»дан кейингини «и», «м»нинг таъсирида лабланиб «у»га айланиши қонуний ҳодисадир, аммо адабий тил нуқтани назаридан «ҳайратомиз» билан «ибратомуз»даги «омиз» ва «омуз»ни фарқлаш лозим бўлади. Биринчиси «ҳайрат — аралаш», иккинчиси «ибратўргатар» деган маънодадир. Аммо баъзи шеваларда буларнинг ҳар иккисидagi иккинчи қисм «-ли» маъносида деб тасаввур этилади. Чунки буларни «ҳайратли» ва «ибратли» деб тушуниш мумкин. Шунга қарамай сўз усталари буларни фарқлагани учун биз ҳам уларни бир-бирига қориштирмай ишлатсак яхшироқ бўлади.

* * *

Энди ғалат таъбир ва нотўғри ибораларга аниқлик киритишимиз лозим. Ўрнига қўйиб яхшилаб хизмат қиламан, деган маънодаги бир ибора бор. Шунинг кўпинча «қамшидан бел боғлаб хизмат қиламан» ёки «хизмат қиламиз» деб айтадилар. Ҳолбуки соғ киши-

нинг қамишдан бел боғлаганини ҳеч ким кўрган эмас. Белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш бор. Мазкур иборада қамиш «маҳкам» сўзининг ўрнига тушган ва шу маънони берадиган бўлиши керак. Маълумки қамишнинг белбоғи, яъни бўғини жуда маҳкам бўлади. Шунга асосан «Қамишдай, яъни қамиш каби бел боғлаб хизмат қиламан» деган ибора вужудга келган. Қамишнинг, хусусан шакарқамишнинг белбоғидан шоирларимиз ҳам ўз маҳбубаларининг лабини ёки ширини сўзини мадҳ этиш учун фойдаланганлар. Масалан, Навоийнинг «Мажолисуннафойис» асарида берилган Мавлоно Қамолийнинг бир байтида, шоир ўз маҳбубининг лабига ширинликда найшакар, яъни шакарқамиш қул бўлганлигини ва бунинг белгиси унинг белининг боғлиқлиги эканлигини айтган. «Лаб ширин» деганда асосан кишининг ширин сўзи назарда тутилади. Мана ўша байт:

Эрнинг қупидур найшакар, эй жон, бели боғлиқ,
Гул доғи юзунг бандасидур тўни ямоғлиқ.

Демак, мазкур иборанинг тўғриси «қамишдан» эмас, қамишдай бел боғлаб хизмат қилмоқлик экан.

* * *

Яна бир ибора бор. Бу «юрагида ёли бор» деган ибора бўлиб, у аслида юрагида ёлини бор деган шаклдадир. Яъни иккинчи сўз «ёл» эмас, «ёлин»дур.

«Ёлин» сўзининг маъноси «аланга» бўлиб, буни классик шоирларимиз кўп ишлатадилар. Масалан, Навоийда:

Уртаса ишқ мени, сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлиндин, не ажаб.

деган сатрлар бор. Мазкур иборанинг тўғриси «юрагида ёлини бор» ва бу ибора «юрагида ўти бор» иборасининг маънодоши экан. Бинобарин уни «юрагида

«ели бор» дейиш нотўғри ва кишини чалғитишдан иборат экан. Чунки кишининг юрагида ёл бўлмайди. Ҳатто кўкрагида ҳам бўлмайди. Ел от, эшак, хачир каби ҳайвонларда бўлади. Шунинг учун кўкрагида ёли бор дейиш ҳам нотўғри. Бунда ҳам ёлини, «кўкрагида ёлини бор» дейиш зарурдир.

* * *

Баъзан «гавҳар-и шамчироғ» деган иборани эшитиш мумкин. Бу иборанинг иккинчи сўзи «шамчироғ» эмас, «шабчароғ»дир. «Шаб» тун дегани, шунинг учун тунда озгина бўлса ҳам, бор ёруғликни ўзида тўплаб, ёришиб кўринадиган гавҳарни «гавҳар-и шабчароғ» дейилади. Тунда ҳашарот ейдиган баъзи жониворлар, ҳашаротларни жалб қилиш учун шундай гавҳарлардан фойдаланадилар, деган гап ҳам бор.

* * *

Баъзан «маданий оқартув» деган сўзни эшитиш ёки ўқиш мумкин. Бу бирикма кишига қизиқ туюлади. Бунинг қизиқ туюлиши табиий, чунки бундаги «оқартув» сўзи ўринсиз тушган. Худди шу типдаги «партия маорифи» деган ибора бор. Буниси тўғри ибора. Шунинг учун «маданий оқартув» эмас, «маданият маорифи» дейилса тўғри бўлади ва иборадаги ғайритабиийлик йўқолади.

* * *

Баъзи врачлар «касални чақирувчи микроб», «микроб ташувчи ҳайвон» дейдилар. Бу ҳам тўғри эмас, «Микробни ташувчи» эмас «тарқатувчи ҳайвон», «касални чақирувчи микроб» эмас, «қўзғовчи микроб» дейилса тўғри бўлади. Кўпчилик шундай дейди ҳам. «Касални чақирувчи микроб» дейиш рус тилидаги «звать» билан «вызывать» феълларини фарқламаслик натижасида вужудга келган. «Вызывать» феълининг қўзғамоқ, вужудга келтирмоқ деган маънолари ҳам

бор. Ўзбек тилида олд қўшимчалар билан феъл ясалмайди. Лекин рус тили бу жиҳатдан жуда бой. Бу хусусият ўзбек тилида йўқ бўлгани туфайли вужудга келган нутқ айблари ўзбекларда кўп учрайди. Масалан, ўша «звать» феълيني оладиган бўлсак, бундан олд қўшимчалар билан «вызывать», «прозвать», «призвать», «отозвать», «назвать», «позвать» каби бир қанча феъллар ясалган. Буларнинг орасида маъно фарқи бўлади. Шунинг учун рус тилининг бу томонига алоҳида аҳамият бериш керак. Агар русча «эта пища у меня вызывает боль в животе» дейилса, ўзбекча «бу таом менинг қорнимда оғриқ чақиради» деб бўлмайди. Унда «вызывает»ни «звать» деб тушунган бўламиз. Ўзбекчада «қорнимда оғриқ туради» ёки қорнимни оғритади» деб қўя қолинади.

* * *

Баъзан «миршикор» сўзини «миришкор» тарзида ўринсиз ишлатадилар. Ҳолбуки, бунинг тўғри шакли «миршикор» бўлиб, «Мир» ва «шикор» сўзларидан ясалгандир. «Шикор» ов дегани, «мир» эса «мироб», «миршаб» сўзларидаги «мир» бўлиб, «амир» каби бошлиқ маъносини билдиради. Аслида «мир», «амир» сўзининг қисқарган шакли. «Амир»нинг луғавий маъноси «буюргучи»дир. «Миршаб» деб тунги қоровулларнинг, «мироб» деб сувчиларнинг, «миршикор» деб овчиларнинг бошлиғига айтилади. «Миршикор» сўзини деҳқонларга нисбатан «миришкор деҳқон» деб ишлатиш тўғри эмас. Баъзи кишиларнинг нутқида «миришкор деҳқон» деган иборанинг пайдо бўлишига «миршикор» сўзининг иккинчи қисмини нотўғри тушуниш сабаб бўлган.

* * *

Қорачадан келган кишини баъзан «қорамағиз» дейдилар. «Қорамағиз» сўзидаги «мағиз» элементи асли-

да «менгиз» бўлиб, юз деган маънодадир. «Менгиз» сўзи классик адабиётда кўп қўлланади. Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида:

Қабоқлари кенг-кенг, мижалари хор,
Менгизлари гул-гул, оғизлари тор

деган байтни келтиради. «Мижа» — киприк, «хор» — тикан, «менгиз» — юз дегани. Демак, «қорамағиз» аслида «қораменгиз» бўлиб, қорача юзли дегани экан.

* * *

Баъзан зиркни «қорақанд» деб атайдилар. «Қорақанд» сўзининг иккинчи бўлаги аслида «қанд» эмас, «қат» бўлиб, маъноси бута ва ўсимликларнинг мевасидир. Буни рус тилида «ягода» дейилади. Зирк қора ва бута меваси, яъни қат бўлгани учун «қорақат» деб ҳам юритадилар. Смородинанинг «қорағат» деб аталишининг сабаби ҳам «қорақат»ники сингаридир. Бирдан бирини фарқлаш учун бирида «қ» сақланган ва иккинчисида «қ» товуши «ғ» товушига айланган. Натижада бир сўз «қорақат» ва «қорағат» тарзида икки сўзга айланган. Сўнгра ғалат таъбир натижасида «қорақат», «қорақанд»га айланган.

* * *

Кейинги пайтларда «бадий ҳаваскорлар», «бадий ҳаваскорлик коллективи», «бадий коллектив», «болалар бадий коллективлари» деган иборалар эшитилиб турипти. Албатта «бадий сўзини нутққа нисбатан ишлатиш мумкин, лекин кишига нисбатан ишлатиб бўлмайди. Киши ва коллективга нисбатан «санъаткор» ёки «санъатчи» сўзи қўлланади. Бинобарин, «бадий ҳаваскорлар» эмас «ҳаваскор санъаткорлар» дейилса, нутқ тўғри бўлади.

«Бадий ҳаваскорлик коллективи» эмас, «ҳаваскор санъатчилар коллективи» дейилса, таъбир аниқ бўлади. «Бадий колектив» эмас, «санъат аҳли» ёки «санъатчилар гуруҳи», ёхуд «санъаткорлар коллективи» дейилса, ибора маъноли бўлади. «Болалар бадий коллективи» эмас, «санъатчи болалар коллективи» дейилса маъқулроқ бўлади.

Мазкур нотўғри иборалар қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилиши табиийдир. Бу ибораларнинг пайдо бўлишига тажрибасиз таржимонлар сабабчи бўлганлар ва бундай бирикмалар асосан таржима қилинган хабарларда учрайди.

Гап шундаки, бепарво таржимонлар русча «художественный» сўзини ҳамма ҳолда «бадий» деб таржима қила берганлар. Ваҳоланки, «художественный» сўзининг маъноси «бадий» сўзига нисбатан кенгроқ бўлиб, у ўзбекчадаги «бадий» сўздан ташқари яна «санъат», «санъатчи» ва «санъатчилик» сўзларининг аниқловчи бўлиб келгандаги маъносини ҳам ўз ичига олади.

«Художественный» сўзи, масалан, «художественное произведение», «мастер художественного слова» деганда «бадий» сўзига тўғри келади. Мазкур жумлаларни ўзбекча «бадий асар», «бадий сўз устаси» дейилади. Аммо «художественный коллектив» деганда уни бадий деб таржима қилолмаймиз. Чунки бу ҳолда «художественный» сўзи санъатчиларга, санъатчиликка оид деган маънодадир. «Художественный коллектив» санъатчилардан иборат ёки санъатчиликка оид гуруҳ дегани. Шунинг учун буни санъатчилар ёки санъаткорлар, ёхуд санъатчилик гуруҳи, ёки коллективи дейиш керак бўлади. «Художник» сўзининг ҳам туб маъноси санъатчидир. У тор маънода қўллангандагина рассомга нисбатан ишлатилади. Аслида рассом рус адабий тилида «живописец» деб аталади.

Кейинги пайтда «лутфан таклиф қиламиз» деган ибора ишлатила бошланди. Бу ибора кўринишда гўзалга ўхшаб кўринади. Аммо маъно жиҳатдан «лутфан таклиф» қанчалик тўғри?

Баъзан кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламига мос келмагандай, ибораларнинг эшитилиши уларнинг мазмунига мос келмаслиги мумкин. Бундай сўз ва иборалар ёш шоирларнинг ва олимларнинг нутқида ҳам учраб туради. Масалан, шоирга бирор сўз, олимга бирор термин ёқиб қолса, уни ўринсиз бўлса ҳам ишлатишдан ўзини тўхтатолмаслиги мумкин.

«Лутфан таклиф қиламан» дейиш икки жиҳатдан нотўғри. Биринчидан «лутф» билан «таклиф» луғавий жиҳатдан бир-бирига зиддир. Чунки «лутф» деб юмшоқлик ва назокат билан қилинган эътибор ёки муомалага айтилса, «таклиф»нинг луғавий маъноси кулфатга солиш, ташвишга қўйишдир. Таклиф қиламан деган гап «қадам ранжида қилишингизни сўрайман» деган гапга мазмунан яқиндир. Бировни ҳатто зиёфат ёки базмга чақирган киши муомала одобига биноан «сизни лаззат олишга чақираман» демай, «сизни ташвишга қўймоқчиман» дейди. Лутфан, яъни лутф қилиб сизни ташвишга қўяман, дейиш албатта тўғри эмас.

Ҳозир кўнглингизга «таклиф» сўзининг ташвишга қўйиш маъноси кўпчилик томонидан уқилмайди, деган фикр келди. Бу тўғри фикр. Чунки кўпчилик «таклиф» сўзининг фақат чақирёқ маъноси билан чеклаб ишлатади.

Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор бўлиб, бу «лутфан таклиф» иборасининг чақирёқ одобига зидлигидир. Меҳмон чақирувчи киши чақирилувчига, мен сизга лутф қилиб меҳмонликка чақираман деса, бу одобдан бўлмади. Чақирилувчининг кўнглига «мен сенинг бундай лутфингга муҳтож эмасман» деган фикр

келиши мумкин. Аммо чақирилувчи лутфан чақирганингиз учун раҳмат дейиши муомала одобига мувофиқдир.

Агар чақирувчи чақирилувчига «лутфан марҳамат қилишингизни сўрайман» ёки «лутфан ташриф буюришингизни илтимос қиламан» деб мурожаат қилса, унда лутфни чақирувчи чақирилувчига эмас, чақирувчи чақирувчига қилган бўлади ва ибора мазмунан тўғри бўлади.

Баъзан «ташриф» сўзидан ҳам суниестемол қилинадн. «Ташриф» сўзининг луғавий маъноси шарафлаш, юксалтиришдир. Шунга биноан улуғ кичикнинг уйига келса, шу билан кичикнинг шарафи ортди, обрўйи юксалди, деган маънода бу келишни «ташриф» деб атайдилар. Кичикнинг улуғникига боришини эса «зиёрат ёки «хизматида бўлмоқ» дейдилар.

Мурожаат вақтида эса улуғ ҳам одоб юзасидан ўзининг боришига нисбатан ташриф сўзини ишлатмайди. Масалан, «мен сеникига ташриф буюраман» демайди «зиёратингизга» ёки «ҳузурингизга», ёхуд «хизматингизга бормоқчиман» дейди. Аммо ўзгага нисбатан мазкур сўзни ўзи ундан улуғ бўлса ҳам истемол қилади. Масалан, бизникига ташриф буюринг ёки тез-тез ташриф буюриб туринг, дейди.

Бинобарин, баъзан бадний асарларда мансаби юксак киши ҳузурига қуйи мансабдаги киши кирмоқчи бўлганда «фалончи ташриф буюрадилар» деб юқори мансабдаги кишига арз этилиши тўғри эмас. Бу ҳолда «ташриф буюрадилар» эмас, «изн сўрайдилар» деб арз қилиш тўғри бўлади.

Бемор кишини бориб кўриш эса «иёдат» ёки «аёдат» дейилади. «Аёдат» шакли «иёдат»га нисбатан машҳурроқ. Агар бирор киши «мен фалончининг аёдатига бордим» ёки «аёдатида бўлдим», деса, ўша фалончининг беморлиги ва гапирган киши уни бориб кўрганлиги маълум бўлади.

Баъзан «Ғафур Ғулом номидаги мактаб» дейиш маъқулми ёки «Ғафур Ғулом номли» деган тўғрими, деб сўрайдилар. Бунинг ҳар иккиси ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан маъқул эмас. «Ғафур Ғулом мактаби» дейилса бас, «номидаги» ёки «номли» деган сўзлар ортиқчадир. Ўзбекча «Ленин майдони», «Навоий театри», «Пушкин боғи», «Максим Горький кўчаси» дейилади, номли ёки номидаги сўзга эса эҳтиёж йўқ.

Ҳозир баъзи ўқувчиларнинг миясига «Ғафур Ғулом» мактаби дейилса, бу Ғафур Ғуломга қарашли мактаб дегани бўлади деган фикр келди. Лекин бу фикр тил хусусияти нуқтаи назаридан тўғри эмас. Фақат қаратқичнинг «-нинг»ли ва «-нинг»сиз формаларидаги маъно фарқини кўролмаган тилчилар нуқтаи назаридан тўғри. Гап шундаки, агар мактаб Ғафур Ғуломга тегишли бўлса, яъни у қурдирган ёки ўқиган мактаб бўлса, ўзбек «Ғафур Ғулом мактаби» демайди, «Ғафур Ғуломнинг мактаби» дейди. Агар мактаб унинг номига қўйилган бўлса, «-нинг»сиз «Ғафур Ғулом мактаби» деб қўя қолади. Абдулла Тўқай кўчаси дейилса, кўчанинг номи бўлади, агар Абдулла Тўқайнинг кўчаси дейилса, Абдулла Тўқай яшаган кўча тушунилади.

Аммо рус тилида «имени», яъни номидаги деган сўз қўшиб, «школа имени Гафура Гуляма» дейилса тўғрироқ ва аниқроқ бўлади. Чунки «школа Гафура Гуляма» деганда мактаб унинг номига қўйилганми ёки у ўқиган мактабми, билиб бўлмайди. Лекин шубҳа тугилмайдиган ўринларда русчада ҳам «имени» сўзи тушириб қолдирилади. Масалан, русча «Площадь Ленина», «Театр Навоий» дейиш мумкин. Худди шунингдек «тўқсонинчи сонли мактаб» тарзида «сонли» сўзини ишлатиш ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан ортиқчадир. Биринчи мактаб, тўқсонинчи мактаб дейилса, тўғри бўлади.

Кейинги йилларда «қомусий олим» деган ибора пайдо бўлди. Бу сохта иборалардан бўлиб, русча «ученый-энциклопедист» деган иборанинг нотўғри таржимасидир. «Энциклопедия» деган сўзнинг «эн» қисми «-да» деган маънода, «цикл» қисми доира, «педия» қисми маърифат деган маънода. Демак «энциклопедия» сўзи луғавий жиҳатдан «маърифат доирасида» дегани экан. Урфий жиҳатдан эса «доирату-л-маориф» дегани «Энциклопедия» ёки «доирату-л-маориф» деганда илму фаннинг ҳамма соҳасига оид маълумотлар берилган китоб тушунлади. Китобдаги маълумот соҳалар бўйича берилган бўлиши ҳам мумкин, луғат тарзида ҳам берилиши мумкин. Луғат тарзида берилганини унинг шу жиҳатини таъкидлашда «қомус» деб атайдилар.

Рус тилида кўп соҳадан маълумоти бор киши энциклопедияга ўхшатиб «живая энциклопедия» ва «энциклопедист» ҳам дейилади. «Энциклопедист» сўзи дастлаб ўн саккизинчи асрда Францияда нашр этилган энциклопедияда қатнашган машҳур мутафаккирларга нисбатан ишлатилган. Шунга биноан илму фаннинг кўп соҳасини эгаллаган олимни ҳозир русчада «учёный-энциклопедист» дейилади. Бундай киши ўзбек тилида «аллома» деб аталади. Шунинг учун Беруний, Ибн Сино каби олимларни русчада «ученый-энциклопедист», ўзбекчада «аллома» деб атайдилар. «Қомусий олим»дан эса бу маъно чиқмайди. Бундан маъно чиқараман деб ҳаракат қилинса, «луғатчи олим» деган маънони чиқариш мумкин, холос.

Аммо «ученый-энциклопедист» сўзи француз мутафаккири Дидро ёки буюк рус олими Ломоносовга нисбатан ишлатилган бўлса, бу ҳолда ҳам «ученый-энциклопедист» сўзини «қомусий олим» деб эмас, «энциклопедик олим» деб таржима қилиш мумкин. «Эн-

циклопедик олим» ҳозирги тилимиз учун қондали иборадир. Шундай қилиб, «ученый-энциклопедист»ни ўзбекчада ўрни билан «аллома» ёки «энциклопедик олим» дейилса тўғри бўлади. «Қомусий олим» ибораси эса сохталиги туфайли нутқ одобига жавоб бермайди.

* * *

Баъзилар «чигит экилди» деган маънода «барака уруғи тикилди», «уруғ қадалди» деган ибораларни ишлатадилар. Ҳолбуки халқимиз уруққа, жумладан чигитга нисбатан «тикмак» ва «қадамоқ» феълларини ишлатмайди. Бунинг зарарли бир томони бор. Бу шундан иборатки бунинг эшитган болалар мазкур феълларнинг маъноси ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қиладилар, натижада махсус сўзларнинг аҳамияти йўқолиб нутқ камбағаллашиб ва ноаниқлашиб боради. Мазкур ўртоқлар ўзларича биз нутқимизни ранг-баранг қиляепмиз, уни бадийлаштираяпмиз деб ўйласалар керак. Лекин ранг-барангликнинг ўрни, вақти ва чегараси бор. Ёз чилласида янги келин ҳар куни ёки бир куннинг ўзида кўйлагини янгилаши мумкин, лекин сепимни кўрсатаман деб кўйлакни пиджак юбка билан алмаштирмайди. «Чигит экиди» ёки «уруғ сочди» дейиш ўрнига нутқни ранг-баранг қиламан деб «уруғ тикди ёки қадади» деган ўртоқлар ёз чилласида кўйлакни пальто билан алмаштирган кишига ўхшайди.

«Қадамоқ» феъли умуман экишга нисбатан ишлатилмайди. «Тикмак» феъли кўчатга нисбатан ишлатилади, чунки унинг маъноси тикка қилиб қўймоқдир. Бинобарин бу феъл байроққа нисбатан ҳам ишлатилади. Байроқ тикди ёки тикилди, дейилади. «Экмак» феъли эса уруққа ҳам кўчатга нисбатан ишлатилади.

* * *

«Айни» сўзини суниестемол қилиш ҳоллари ҳам бор. Аслан «айни» сўзи худди шу, шунинг ўзида деган маъноларда ишлатилади. Масалан, айни замонда худди шу замонда, шу замоннинг ўзида ёки бир замоннинг ўзида дегани. Баъзан «айни» сўзини «шу» сўзининг ўрнида қўллайдилар, масалан, «шу кунларда» ўрнида «айни кунларда» дейдилар. Бу тўғри эмас. Аввал бошқа бир ҳодисанинг шу кунларда содир бўлганини тилга олмасдан туриб, масалан, «айни кунларда пахта терими қизгин бормоқда» деб бўлмайди. Бу ҳолда «шу кунларда» дейиш керак. «Ҳозир пахта терими бошланди, айни замонда ҳосил пахта пунктларига топширилмоқда» деганда «айни» сўзи тўғри ишлатилган бўлади.

* * *

Баъзан спорт шарҳловчиларининг оғзидан «қилич-бозлар баҳси» ёки «беллашуви», «парашютчилар баҳси» ёки «авиомоделчилар беллашуви» каби ибораларни эшитиш мумкин. Ҳозир ҳаёлингизга, ўша ўртоқлар мусобақа сўзини ҳаддан ортиқ такрорламаслик, нутқни ранг-баранг қилиш учун «баҳс» ва «беллашмак» сўзларига мурожаат қилган бўлишлари мумкин, деган фикр келди.

Бу тўғри фикр. Қайтариқлардан қочиш, маънодош сўзлардан иложи борича тўлиқ фойдаланиш керак. Лекин ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва синонимлардан фойдаланишнинг қондаси бор. Масалан, «беллашув»ни кўчма маънода ишлаб чиқаришда мусобақалашаётган икки шахсга нисбатан ишлатиш мумкин. Агар уларнинг иши жисмоний куч талаб қиладиган касб бўлса, жуда ўринли бўлади. Аммо «шахматчилар беллашдилар» дейиш тўғри бўлмайди. Чунки шахматга бел кучи керак эмас. Бинобарин, «шахматчилар беллашди-

лар» деган гапдан улар шахматни қўйиб фарғонача, яъни бел ушлашиб курашдилар, деган мазмун чиқади. Агар улар шахматда беллашдилар, дейилса, шахматбозлик англашилади, лекин бари бир жумла айбли бўлади.

Баҳс эса оғзаки тортишувдир. Ўзбекчада «қиличбозлар баҳсида фалончи ғалаба қозонди» дейилса, бундан ўша фалончи қиличбозликда эмас, оғзаки олишувда ғалаба қозонибди, деган маъно чиқади. Худди шунингдек «парашютчилар баҳси» дейилса, бундан парашютчилар бир ерга йиғилиб, бирор масала юзасидан мунозара қилишибди, деган фикр туғилади.

«Шахмат мусобақаси» деган иборани «шахмат ўйини», «шатранж ўйини», «шахматбозлик», «шатранжбозлик», «шахмат суришиш», «шатранж тортишуви», «шахмат олишуви» ва ҳоказо сўз ва иборалар билан алмашиб ишлатиш мумкин. Шунча сўз бўлгани ҳолда «баҳс» ёки «беллашмак» сўзини суниестемол қилишга ҳожат йўқ.

Агар адабий ва халқ тилига мурожаат қилсак, керакли маънодош сўзларни кўплаб топишимиз ва улардан ўз нутқимизда самарали фойдаланишимиз мумкин. Масалан, ўзбек адабий тили ва баъзан шеваларда «мусобақа қилмоқ» маъносига «ёришмоқ» ва «ўзишмоқ» феъллари ишлатилади.

Бу соҳада тилимизнинг имконияти катта. Чунки ўзбек тилида мусобақа маъносини англаувчи махсус қўшимча ҳам бор. Бу «-ш» қўшимчаси бўлиб, уни истаган феълга қўшиб мусобақа маъносини ифода қилиш мумкин. Масалан, «югуришиш» — югуриш мусобақаси, «отишиш» — отиш мусобақаси, «сузишиш» — сузиш мусобақаси, «от чопишиш» — от пойгаси дегани.

Энди, мана шу айтилган фикрлар асосида баъзи мусобақа турларига онд маънодош сўзларни намуна тарзида санаб ўтамиз.

Автомобиль мусобақаси маъносида «автомусобақа», «автоўзиш», «автопойга», «автоёриш» сўзларини алмашлаб ишлатиш мумкин. Албатта «автомобиль мусобақаси», «автомобиль пойгаси», «автомобиль ёришуви», «автомобиль ҳайдаш» тарзидаги иборалардан ташқари. Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Бу ўзбек тили нуқтаи назаридан мазкур тилдаги ибораларда «бўйича» деган сўзнинг, масалан, «автомобиль мусобақаси бўйича» ёки «шахмат биринчилиги бўйича», ёки «югуриш бўйича» деб ишлатилиши ўринсиздир.

Мотоцикл мусобақаси мазмунида шу маънодаги иборалардан ташқари «мотомусобақа», «мотоўзиш», «мотопойга», «мотоёриш» сўзларидан фойдаланса бўлади.

Худди, шунингдек велосипед мусобақасини «веломусобақа», «VELOўзиш», «VELOпойга» ва «VELOёрниш» сўзлари билан ифодалаш мумкин.

Югуриш мусобақасини халқ тилида пиёдапойга ёки яёвпойга ва ўзиш ҳам дейилади.

От пойгасини бир сўз қилиб, «отнойга», яна «от чопишиш», «отўзиш» деб атаса бўлади.

«Конькида югуриш» деган ва шунга ўхшаш иборалар ҳам ғайритабиийдир. Бунинг ўрнига «коньки пойга», «яхмалакпойга», «конькиўзиш» дейиш мумкин. Ундан ташқари халқ тилида «яхмалак отиш», «коньки отиш», «яхмалак учиш» ва «коньки учиш» деган иборалар ҳам бор.

«Фигурали учиш» ҳам маъқул иборалардан эмас. Буни «яхмалакўйин» ёки «конькиўйин» дейилса, тил қондаларига мосроқ бўлади.

Демак, бошқа тилларда бўлганидек ўзбек тилида ҳам маънодош сўзлар кўп экан, лекин сўзловчидан уларни яхшилаб билиб олиш ва ўз ўрнида ишлатиш талаб қилинади. Агар сўз хилоф равишда қўлланса, бу айб ҳисобланади. Шунинг ҳам эздан чиқармаслик ке-

ракки, махсус илмий асарларда одатан бир терминни унинг маънодошлари билан алмашлаб қўллашдан қочилади. Чунки илмий асарларда аниқлик биринчи ўринда туради. Масалан, бирор спортшуносликка оид илмий асарда бокс тушунчаси доим, неча марта такрорланишидан қатъи назар «бокс» сўзи билан ифодаланила беради. Аммо оммавий, хусусан бадний нутқда маънодош сўзлардан қанча тўлароқ фойдаланилса, нутқ шунча гўзал тус олади.

Ғайриилмий нутқда, масалан, бир гапда «қиличбозлик қилдилар», иккинчисида «қилич солишдилар», учинчисида «қиличлашдилар» дейиш мумкин. Аммо илмий текстда, масалан, «қиличбозлик» сўзи спорт турига нисбатан, «қиличлашмоқ» сўзи мусобақадаги конкрет ҳаракатга нисбатан, «қилич солмоқ» ва «санчмоқ» феъллари конкрет зарба ва унинг турларига нисбатан қўлланиши мумкин. Бунда бу сўзларнинг бири-ни иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Бу ҳолда сўзларни унинг маънодошлари билан алмаштириш илмий хатога сабаб бўлиши мумкин.

* * *

Энди муҳтарам китобхонлар, шарқ филологлари «хилоф-и қиёс» деб атаган нутқ айбининг ўзбек нутқида баъзан учрайдиган бир неча кўриниши билан танишамиз. Сўз ясалиши ва ўзгаришига оид қондани «қиёс» дейдилар, шунинг учун «хилоф-и қиёс» деганда нутқда сўз формаларининг тил қондасига хилоф равишда билиб ёки билмасдан ишлатиши тушунилади.

Шу кунларда баъзан кераксиз ўринларда «лар» қўшимчасини ишлатиш ҳоллари юз бермоқда. Масалан, мен мана шундай гапларни эшитганман ёки ўқиганман:

1. Габроваликлар каптарларни яхши кўришади;
2. Бригадага беш нафар комсомоллар бирлашган;

3. Бу хонанда ижросида бир неча қўшиқлар эшитинг;

4. Революцияга қадар Ўзбекистонда бирорта ҳам санаторий ёки дам олиш уйлари бўлмаган эди;

5. Ҳозир бу ерда ўн мингдан ошиқ тимсоҳлар боқилмоқда;

6. Олтин қумларда дам олдик ва ҳоказо.

Бу гапларнинг биринчисида «каптарларни» эмас, «каптарни», иккинчисида «комсомоллар» эмас, «комсомол», учинчисида «қўшиқлар» эмас, «қўшиқ», тўртинчисида «дам олиш уйлари» эмас, «дам олиш уйи», бешинчисида «тимсоҳлар» эмас, «тимсоҳ», олтинчисида «олтин қумлар» эмас, «олтин қум» бўлиши керак эди. Чунки биринчи гапда хабар тингловчига маълум бўлган каптарлар ҳақида эмас, умуман каптар ҳақидадир. «Каптарларинг қани?» ёки «каптарларимни бер!» деганда «лар» ишлатилади. Сабаби, бунда сўзловчи билан тингловчига маълум бўлган каптарлар назарда тутилади. Иккинчи ва бешинчи гапларда отнинг олдида «беш» ва «ўн», «минг» сонлари бўлгани учун, учинчи гапда «бир неча» сўзи борлиги сабабли, тўртинчи гапда «бирорта ҳам» дейилгани учун, олтинчи гапда «қум»нинг ўзида кўплик маъноси борлиги учун «лар» ишлатилмаслиги лозим.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида отнинг олдида сон бўлганда, унга «лар» қўшимчаси қўшилмайди. Масалан, «тўрт ёки тўртта йигитлар» деб бўлмайди. «Тўрт йигит» ёки «тўрт нафар йигит» дейиш жоиздир. «Йигит» сўзини «лар»сиз ва «тўрт»ни «та» сиз ишлатса ёки «та» ўрнида «нафар» сўзини истеъмол қилинса, нутқ одобига мувофиқ бўлади.

Ўзбек тилида бирлик формасидаги от ҳамма ҳолда бир предметни билдирмайди. Шунинг учун бир киши агар мингта китоб олса ҳам, «китоб олдим» дейди. Агар битталигини таъкидлаш керак бўлса, «битта китоб олдим» дейди. Агар китоб тингловчига маълум

бир китоб бўлса, «китобни олдим», агар номаълум бўлса, «бир китоб олдим» дейди.

«-лар» қўшимчаси ўзбек тилида тингловчига маълум бўлган нарса бирдан ортиқ бўлганда ишлатилади. Масалан, сиз менга «фалон, фалон китобларни олинг» десангиз, мен шу китобларни олсам, сизга «китобларни олдим» дейман. Сиз бундан мен ўша сиз тавсия қилган китобларни олганлигимни англайсиз.

Ундан ташқари, «-лар» қўшимчаси ҳурмат, турлилик ва муболаға учун ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, «дадамлар» деганда ҳурматни ифодалайди, «юракларим қон бўлди» деганда «лар» муболағани билдиради. «Боғимизда мевалар пишди» деганда турлиликни англатади. «-лар»нинг ўринсиз ишлатилишида қисман тажрибасиз таржимонларнинг ҳиссаси бор. Буни ёш таржимонларимиз ҳисобга олиб қўйишлари керак. Кўплик формасининг ишлатилиши турли тилларда турличадир.

От олдида бирдан ортиқ сон келганда кўплик қўшимчасини қўйиш инглиз тилига хос. Рус тилида эса икки, уч, тўрт сонларидан кейин от бирликда, лекин қаратқичда берилади. Масалан, «две книги», яъни «китобнинг иккиси» дейилади ва бу мазмунан ўзбекчадаги «иккита китоб»га тўғри келади. Бешдан юқори сонлардан сўнг келган от эса қаратқичнинг кўплигида берилади. Охири бир, икки, уч ва тўрт сонлари билан тугаган кўп хонали сонлар мустасно. Масалан, «пять книг», яъни «китобларнинг бешта» дейилади ва ўзбекчадаги «бешта китоб»га мос келади.

Рус тилидаги кўпликнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Булардан энг муҳими шундан иборатки, рус тилидаги бирлик формасидаги от битта предметни билдиради. Хоҳ гап аниқ предмет ҳақида бўлсин, хоҳ ноаниқ предмет борасида. Ўзбек тилида гап ноаниқ предмет устида бораётганда бирлик формасидаги от кўп предметга нисбатан ҳам ишлатилади. Шунинг учун

рус тилидаги отнинг кўплик формаси аниқ предметларни билдиргандагина ўзбекчадаги кўпликка тўғри келади.

Рус тилидаги отнинг кўплик формасига хос яна бир муҳим хусусият унинг формадан ташқари сўз ясовчилиги ва сўзга махсус маъно беришидир. Масалан, «выбор» сайлаш, танлашдир. Аммо «выборы» сайловдир. Буни «сайловлар» деб бўлмайди агар сайловнинг бир неча тури назарда тутилмаса. «Золотые пески», «Ленинские горы», «Қаракумы», деганда кўплик жой номи ясайди. Бундай ҳолларда ҳам ўзбек тилида от бирлик формасида ишлатилади. «Қорақум», «Қизилқум» дейилади.

* * *

«-Лар» ва «ҳам» қўшимчалари кераксиз ўринда ишлатилса, «-нинг» қўшимчасини баъзан тушириб қолдириш ҳоллари учрамоқда. Масалан, қўйидаги гап ва ибораларда қаратқич қўшимчаси «-нинг» ноўрин тушириб қолдирилган:

«Бу қишлоқлар аҳолиси алоқанинг антиқа йўлини ўйлаб топишди». Бу гапда «бу қишлоқлар аҳолиси» эмас, «бу қишлоқларнинг аҳолиси» бўлиши керак эди. Журналлардан бирида «Заҳарли ўргимчаклар кушандалари» деган сарлавҳа берилди. Бунда «ўргимчаклар» эмас, «ўргимчакларнинг», «заҳарли ўргимчакларнинг кушандалари» дейилса, тўғри бўлар эди. Яна бир мисол «Ленин тўла асарлар тўплами нашрдан чиқди» деган гапни эшитдим. «Лениннинг тўлиқ асарлар тўплами» ёки «Ленин асарларининг тўлиқ тўплами» дейилса, ўзбек тили қондасига мос бўлар эди.

Қаратқичнинг «-нинг»ли ва «-нинг»сиз формаларининг маъно жиҳатдан фарқи бор. Мазкур айб шуни фарқ қилмаслик натижасида вужудга келган. Икки

хил маънога эга бўлган икки формани бир хил деб тасаввур қилинишига қисман тилчиларимиз сабабчи бўлганлар. Мактабларда, ҳатто олий ўқув юртларида синтактик разборда «-нинг»сиз қаратқични ўқитувчилар «-нинг»ни қўшиб бўлмайдиган ўринларда ҳам, бу ерда «-нинг» тушиб қолган, аслида «-нинг» бўлиши керак эди, деб тушунтирадилар. Ҳолбуки, масалан, «мактаб директори» бирикмаси билан «мактабнинг директори» бирикмаси орасида фарқ бор.

Буларнинг бирини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди. Агар мен бир мактабга бориб, шу мактабнинг директорини кўрмоқчи бўлсам, «мактабнинг директори ким?» деб сўрайман, агар бир неча киши орасида директор лавозимига эга бўлган кишини, қайси мактабникилигидан қатъи назар, билмоқчи бўлсам, «мактаб директори ким?» деб сўрайман. Биринчи ҳолда «-нинг»ни тушуриб бўлмайди, иккинчи ҳолда қўшиб бўлмайди. Муайян мактаб назарда тutilса, «нинг» қўшилади, номуайян бўлса, қўшилмайди.

Демак, «бу қишлоқлар» деганда «қишлоқлар» муайян бўлади, шунинг учун унга «-нинг» қўшимчаси қўшилади, «бу қишлоқлар аҳолиси» деб бўлмайди, «бу қишлоқларнинг аҳолиси» дейиш керак. Агар муайян қишлоқ назарда тutilмай «қишлоқ» «аҳоли»нинг сифати қилиб олинса, «-нинг» қўшилмайди. Унда «қишлоқ аҳолиси» деймиз. Масалан, «бизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси чет эллардагига нисбатан юқори» дегандаги каби.

* * *

Энди «-н» қўшимчасининг қондага хилоф равишда ишлатиш ҳолларига тўхтаймиз. «Н» қўшимчасини ундош билан тугаган феълларга қўшганда, унинг олдида «и» ёки «у» унлиси пайдо бўлади. Эски ўзбек тилида агар феълнинг ўзагида лабланган унли, яъни

«у» ёки «ў» бўлса, «н» олдида пайдо бўладиган унли лабланган ҳолда, яъни «у» шаклида бўлган, агар феълнинг ўзагида лабланмаган унли и, а, э, о унлиларидан бири бўлса, «н» олдида пайдо бўладиган унли лабланмаган шаклда, яъни «и» шаклида бўлган. Талаффуз қилганда лаб чўччайдиган унлиларни «лабланган» унли, лаб чўччаймайдиганларини, «лабланмаган» унли дейилади. Ўзбек тилида «у» ва «ў» унлилари лабланган, қолганлари лабланмаган. «О» унлиси Самарқанд ва Бухоро шеваларида бир оз лабланган, бошқа шеваalarda ва адабий тилда эса лабланмаган. «О» унлиси Наманган шеvasида ҳам баъзан лабланади.

Ўзакда лабланган унлининг қўшимчада лабланган унлини ва лабланмаган унлининг лабланмаган унлини талаб қилиши «лаб уйғунлиги» ёки «лаб гармонияси» ёхуд «лабиал аттракция» деб аталади.

Эски ўзбек тилида «-н» қўшимчаси олдидаги унли лаб уйғунлигига бўйсунган. Масалан «бил-» феълига «-н» қўшимчаси «-ин» тарзида қўшилган, яъни «билин»— дейилган, «кўр-» феълига эса, «-ун» тарзида қўшилган, яъни «кўрин» эмас «кўрун» деб айтилган. «Билинди» деганда «-н» қўшимчасининг «ин» тарзида ва «кўрунди» деганда «-ун» шаклида бўлишини лаб уйғунлиги тақозо қилади. Ҳозир ўзбек тилида лаб уйғунлиги йўқолган. Аммо қирғиз тилида кучайган, чунки қирғизлар, масалан, «ўқувчи» сўзини «ўқучу» деб, «йўлларда» деган сўзни «йўллўрдў» деб айтадилар. Қирғиз тилида қадимги ва эски туркий тилларда унлилар лабланмайдиган ўринларда ҳам ҳозир лабланадиган бўлган. Ўзбек тилида эса лабланадиган ўринларда ҳам лабланмайдиган бўлган. Лекин баъзи ўринларда қолдиқ сифатида сақланган.

Бу «-н» қўшимчасини ишлатишдаги айб, уни кераксиз ўринларда ҳам истемол қилишдан иборат. «Бошламоқ», «келмак» каби феъллар кўмакчи бўлиб кел-

ганда мажхул ҳаракатни билдириш учун мажхуллик қўшимчаси асосий феълга қўшилиб, кўмакчи феълга, жумладан «бошламоқ» ёки «келмақ» феълга қўшилмайди. Бинобарин, мен эшитган ва бошқалар ҳам яна эшитиши ёки ўқиб қолиши мумкин бўлган қуйидаги гаплардаги «н» қўшимчаси тил нуқтани назардан ортиқчадир.

1. Ҳаёт илдизи экила бошланди.
2. Чўллар ўзлаштира бошланди.
3. «Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган».
4. Пахта терила бошланди.

Тўғриси «Ҳаёт илдизи экила бошланди» эмас «экила бошлади» бўлади. «Чўллар ўзлаштира бошланди» эмас «ўзлаштирила бошлади» дейилади. «Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган» эмас «қўлланиб келган» дейилиши керак. «Пахта терила бошланди» эмас, «терила бошлади» дейиш лозим.

Тахминан йигирма йил бурун «қўлламоқ» феълни «қўлланмоқ» деб ишлатиш авж олган эди, ҳозир бу ҳол деярли йўқолди. Аммо «изламоқ»ни «изланмоқ» шаклида ишлатиш кучайиб бормоқда. Ҳозир «олимларимиз изланмоқда», «изланиш давом этмоқда», «изланаётган олимларимиз» каби гап ва ибораларни эшитиш мумкин, «олимларимиз изланмоқда» ёки «изланаётган олимларимиз» деганда олимлар йўқолган экан-у, уларни топиш учун ҳаракат қилинаётган экан, деган фикр англашилади. Бундан олимларимиз янгилик излаётган экан, деган мазмун чиқмайди. «-Н» қўшимчасининг бирор ишни ҳақиқатда бажармасдан, ўзини шу ишни қилаётганга ўхшатиб кўрсатиш маъноси ҳам бор. Буни машҳур тилшунос Маҳмуд Қашғарий ҳам ўзининг «Девуну луғоти-т-турк» деган асариди, ўтган йили вафот этган ўзбекшунос академик Андрей Николаевич Кононов ҳам «Грамматика современного узбекского литературного языка» деган асариди айтиб ўтган. Шунга биноан «олимлар изланмоқда»ни яна

«олимлар ўзларини излаётгандек қилиб кўрсатмоқдалар» деб тушуниш мумкин. Агар «бу янгилик кўп изланишлар натижасида топилди» десак, «-н» қўшимчасининг ишлатишига бир оз асос бўлади. Чунки янгилик олимлар томонидан изланган деб фараз қилиш мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам излашлар, текширишлар ёки тадқиқот ёхуд таҳқиқот деган маъқулоқдир.

Кераксиз ўринда ишлатиладиган қўшимчалардан яна бири «ҳам»-олд қўшимчасидир. Масалан, «геологлар ҳамдўстлиги», «Англиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик министри», «Европа иқтисодий ҳамжамияти» каби ибораларни баъзан эшитиш ёки ўқиб қолиш мумкин.

«Ҳам»- ёки унинг маънодоши «дош»ни «дўстлик» ва «жамият» сўзларига қўшиб, маъноли сўз ясаб ҳам бўлмайди, бундан бирор нарсани тушуниб ҳам бўлмайди. Бунинг баъзи ўртоқларнинг нутқида пайдо бўлишига бирор тажрибасиз таржимон сабабчи бўлган. Таржима соҳасидаги энг қўпол хато бу сўзнинг маъносига эътибор бермасдан унинг ўзини эмас, бўлакларини таржима қилишдир. «Содружество»нинг маъноси «ҳамкорлик» ва «ҳамжиҳатлик»дир, лекин таржимон унинг «со»сини алоҳида ва «дружество»сини алоҳида «дружба»дек «дўстлик» деб таржима қилган ва натижада ўзбекчада бемаъни сўз ҳосил бўлган. «Сообщество»нинг «бирлашма», «гала» ва «биргалик» деган маънолари бор. Лекин таржимон «Европейское экономическое сообщество»нинг нималиги билан иши бўлмаган, натижада «бирлашма» маъносидаги сўзни со — ҳам, общество — «жамият» деб таржима қилган.

* * *

Шу кунларда «-ш» қўшимчасини сунистеъмол қилиш ҳам кўп учрамоқда. Мазкур қўшимчанинг асосий маъноларини Маҳмуд Қошғарий билан Навоий жуда

яхши тушунтириб берганлар. Биринчиси, ёрдам маъноси, масалан, «у менга сув ташишди», «ўтин ёришди» ёки «ер чопишди» каби. Иккинчиси, мусобақа, олишиш маъноси, «фалончи фалончи билан чопишди», «милтиқ отишди» сингари. Учинчиси, икки киши ёки икки группа орасидаги иш-ҳаракатни билдиради, масалан, «ўпишди», «кучишди»га ўхшаш.

Мана шу учинчи маънони баъзи шеваларда «лар» билан ифодаланадиган кўпликка айлантиришга мойиллик бор. Масалан, «Меҳмонлар келишди» дейилади. Бунда меҳмонларнинг маслаҳатлашиб, биргалашиб келганликлари назарда тутилади ва буни хато деб бўлмайди. Лекин гап бошқа вазият ҳақида бораётганда, масалан, «колхозчилар юз килограмдан орттириб пахта теришди», дейиш тўғри эмас. Бу ҳолда тердилар дейиш керак. Ёки «тошкентлик спортчилар биринчиликни олишди» дейиш мутлақо тўғри эмас, биринчилиكنи олдилар демак лозим. «Ш» кўшимчасининг мусобақа маъноси борлиги учун ҳам спорт хабарларида уни «лар» ўрнида ишлатиш яхши эмас.

* * *

Азизу муҳтарам ўқувчи, ҳаётда адашмаслик ва ундан самарали фойдаланиш учун маърифат керак. Шунинг учун сўз хусусидаги сўзимизни «маърифат» сўзининг изоҳи билан яқунлаймиз.

«Маърифат» сўзи билиш ва билим турини билдиради. Билим бир нарсани аниқлаш ёки бир ишни бажариш учун керакли маълумотдир. Билиш эса шундай маълумотга эга бўлиб, ундан фойдалана олишдир. Маърифат ҳам билишни, ҳам билимни ўз ичига олади. Лекин ҳар қандай билиш ва билим «маърифат» деб аталмайди. Маърифат олий даражалэги билиш ва билимдир. Сувнинг чанқаганда ичадиган нарсалигини ёш бола ҳам билади. Демак у сув ҳақида содда билимга эга. Бундай билимни «маърифат» деб бўлмайди. Сув

ҳақида ўқиб, текшириб ҳосил қилинган билим «билиг» ёки «илм» деб аталади. «Билиг» ҳозир эскирган. Лекин илм ҳам маърифатга нисбатан чеклангандир. Чунки илм ҳосил қилганда ўрганилаётган нарсанинг ҳамма жиҳатини бир йўла билиб бўлмайди. Уша сувни оладиган бўлсак, унинг таркиби, бу таркибнинг бўлақларга ажралиши ва бўлақларнинг қўшилиб бир бутун ҳолга келиши бор; сувнинг бир ҳолатдан яқинчи ҳолатга ўтиши, унинг бошқа нарсаларга қўшилиш, қўшилмаслиги ва унинг ўзга нарсаларга таъсирию улардан таъсирланиши бор; яна сувнинг қаерда ва қайси ҳолда бор бўлиши, ундан қачон ва қандай истеъмол қилиниши ва яна бошқа жиҳатлари бор. Мана шу жиҳатларнинг бири ҳақидаги билим «илм» ва уни билган киши «олим» дейилади. Лекин бу ҳам маърифат эмас. Бор илмлар асосида ҳосил бўлган теран билим маърифат бўлади. Маърифат ўрганилаётган нарсанинг ва у ҳақдаги илмнинг нима учун кераклиги ва нима натижа беришини билишни ҳам ўз ичига олади. Шунга биноан «маърифат» сўзи бутун борлиқнинг нималигини билиш ва шу ҳақдаги билимга нисбатан ҳам қўлланади. Бундай маърифатга эга бўлган киши «ориф» деб аталади. Аммо ўқиш ва ўқитишда «маърифат» деганда ҳар бир кишининг инсон даражасида яшаши учун зарур бўлган билимлар йиғиндиси тушунилади. Мана шу маънодаги маърифат билан боғлиқ бўлган ишлар «маориф» деб аталади. Элга маърифат тарқатувчи киши «маърифатчи», маориф хизматчиси «маорифчи» дейилади. Рус тилидан ўзбек тилига «энциклопедия» сўзи ўзлашмасдан бурун шу маънода «донра-тул маориф» сўзи қўлланган. «Энциклопедия» сўзининг ҳам «цикл» қисми «доира» дегани.

Маърифат ҳар бир кишига унинг инсон даражасида яшаши учун керак, дедик. Буни қандай тушуниш керак? Буни англаш учун биз инсон ҳаётини ҳайвон ҳаёти билан қиёслашимиз лозим. Ҳайвон нафас олиш-

дан ташқари, еб-ичса ва жуфтлашса бўлди. Унинг ҳамма ҳаракати мана шу икки талабни қондиришга қаратилган бўлади. У маърифатга, ҳунар ёки санъатга муҳтож эмас. Ҳайвондаги мазкур талаблар «жисмоний» деб аталади. Чунки уларни қондириш ҳайвоннинг жисман тирик юришини ва ўз наъвини давом эттиришини таъминлайди. Инсонда ҳам бу жисмоний талаблар бор, лекин унда яна фақат инсонга хос бўлган маънавий талаблар ҳам бор. Агар киши фақат жисмоний талабларни қондириш билан чекланса, унинг ҳаёти ҳайвоний даражадан юқори кўтарилмайди. У ўз ҳаётини инсоний даражага чиқариб олиши учун маънавий озиқ олиши керак. У буни қанча кўпроқ олса, унинг инсонийлиги шунча юксакроқ бўлади. Маърифат маънавиётга киради ва у кишининг содатга эришишини, маърифатли кишилар эса жамиятнинг равнақини таъминлайдилар.

* * *

Азиз сўзсевар, сўзшуносу сўзчиларнинг сўзига қараганда, сўз хусусида сўз кўп. Сўз сирию санъати сўзчи сеҳрию салтанатин яхши билган улуг Навоий:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф

деган.

Демак, ҳар бир сўзга гавҳардан қутича қилиб сақланса, шунда ҳам унинг қийматига яраша иш қилинмаган бўлар экан. Бунда ҳеч қандай муболага йўқ. Бу сўзга берилган ҳақиқий баҳо. Тирик жоннинг ҳаёти учун ҳаво қанчалик зарур бўлса, инсоннинг инсон сифатидаги турмуши ва унинг инсонийлигини белгиловчи маънавий тириклиги учун сўз шунчалик зарурдир. Бир нафас ҳавонинг йрнини дунёдаги барча жавоҳир босолмаганидек, бир сўзнинг вазифасини хазина-хазина олтинлар бажаролмайди. Сўз қийматига эмас, қадрга эга,

қадрли нарсаларнинг аҳамиятини моддий бойлик билан баҳолаб бўлмайди.

Ватанимизнинг келажагига масъул ёшларимиз, қўлдошу издошларимиз сўз билмай ҳеч бир мақсадга етиб бўлмаслигини, унинг маъносига аҳамият бермай дўсту душман ниятини англаш мумкин эмаслигини, сўз ҳуснини ҳис қилмасдан дунё неъматларидан тўлиқ лаззат ола билмасликни яхши билмаклари ва ўз она тилларини, халқаро тил — русчани ҳамда бир ажнабий тилни мукамал ўрганмаклари лозим. Бу жамиятни қайта қуришнинг зарур шартларидан биридир.

Шу билан, азиз китобхон, нутқингизга ҳусну ривож тилаб, хайрлашамиз. Нома тамом. Вассалом!



МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Тил шарофати	6
Нутқ маҳорати	13
Сўз далолати	23
Иборалар ҳикояти	74
Маъно тафовути	106
Исмлар ҳосияти	116
Таъбир изоҳати	124

Рустамов Алибек.
Р 92 Сўз хусусида сўз. — Т., «Еш гвардия», 1987. —
160 б.

Хурматли китобхон!

Таниқли тилшунос олим Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» китоби ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, муомала одоби, сўздан-сўзнинг фарқи борлиги ҳақида баҳс юритади. Мамлакатимизда тилшунослик сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги, Ленин партиясининг миллий маданият, миллий тилларга қилаётган беқиёс ғамхўрлигини таъкидлайди. Мазкур китоб кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Рустамов Алибек. Культура речи.

Для детей старшего школьного возраста

На узбекском языке

Алибек Рустамов

КУЛЬТУРА РЕЧИ

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1987

Тақризчи: филология фанлари доктори, профессор

Х. Гуломов

Редактор Шавкат Туроб

Рассом Х. Раҳматуллаев

Расмлар редактори Н. Абдуллаев

Техн. редактор У. Ким

Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 2037

Босмахонага берилди 25.06.87. Босишга рухсат этилди
3.11.87. Р 14686. Формати 70×108¹/₃₂ № 1 босма қо-
ғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усу-
лида босилди. Босма листи 5,0. Шартли босма листи 7,0.
Шартли кр. отг. 7,35. Нашр листи 6,85. Тиражи 40000.
Буюртма № 1404. Шартнома 60—87. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти. Тошкент, 700113, Чилонзор, 8-квартал,
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриё-
тиниш Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ЕШ ГВАРДИЯ»
НАШРИЕТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Тоҳир Малнк
ҚАЛДИРҒОЧ
Қисса

Озод Мўминов
ХИЕБОНДА УЧ УЧРАШУВ
Фантастик ҳикоялар

Коллектив
КАТТА ҲАЕТ БЎСАҒАСИДА
Қисса ва ҳикоялар

Кибриё Қаҳҳорова
ЧОРАК АСР ҲАМНАҒАС
Хотиралар

Владимир Обручев
ПЛУТОНИЯ
Илмий фантастик роман

Тўплам
САМО ТУЛПОРИ
Ўзбек халқ фантастикаси

Тўплам
ЭПОС
Классик адабиёт жанрлари

Оқилжон Ҳусанов
БАХТ ҚАЕРДАР
Қисса